81.437.5
М-23

АМИНЖОН МАМАТОВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАР ВАРИАНТЛАРИ

Мазкур иш узоқ йиллар давомида олиб борилган илмий-педагогик тажриба, олий ўқув юрти талабалари билан ҳозирги замон ўзбек адабий тилидан ўтказилган назарий ва амалий машғулотлар натижаси бўлиб, нафақат талабаларнинг мустақил ишлаши учун мўлжалланган, балки ундан ўзбек тилини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганмоқчи бўлган ҳар бир шахс қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин. Қўлланманинг амалий қисми 10 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантда саводхонлик, фонетика, лексикология, морфемика, сўз ясалиши, морфология ва синтаксисга оид 10 тадан топшириқ берилган ва улар тегишли назарий билим билан таъминланган. Шунингдек топшириқлар китобхонни халқимизнинг ўтмиши ҳақидаги бирорта йирик бадиий асарни ўқиб чиқишга ҳам ундайди.

$M\dfrac{4602000000-3-168/97}{M355(04)-97}$ рез.97

JSBN 5-648-02489-4

©. Ўзбекистон Республикаси ФА "ФАН" нашриёти, "Матбаа маркази" хўжалик ҳисобидаги корхонаси, 1997 й.

КИРИШ

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши билан ижтимоий ҳаётимизда бутунлай янгича тарихий даврбошланди. Бунинг устига миллий мустақилликка эришув тилимизнинг жамият аъзолари ўртасида қўлланиш доирасини кенгайтириб, хизмат турини ошириб юборди, хусусан, унинг олий таълимнинг барча турида ўқитила бошлаши бунинг ёрқин далилидир. Бу ҳол ўзбек тилини ўқитиш усулини янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Агар илгари кўпроқ назарий масалалар асосий ўрин эгаллаган бўлса, эндиликда тилдан амалий фойдаланиш, унинг ўзига хос хусусиятларини мустақил ўрганиш талаб қилинмоқда.

Тилга оид у ёки бу масалани мустақил ўрганиш тилни назарий ва амалий жиҳатдан эгаллашда муҳим омилдир. Шуни ҳисобга олиб, кейинги пайтларда ўқув режаларида мустақил ишларга алоҳида соатлар ажратила бошланди. Бироқ бу соҳада махсус дарслик ва қўлланмалар деярли йўқлигидан, қилинадиган амалий ишлар ноаниқ бўлиб қолар эди. Биз томондан тажриба тариқасида тайёрланган ва 1987 йили 300 нусхада чоп этилган рисола - "Чет тиллар педагогика институти сиртқи факультети биринчи курс студентлари учун "Ҳозирги замон ўзбек адабий тили" курсидан контрол ишлар ва методик кўрсатмалар" номли илмий-услубий қўлланма ҳозирги кунда кутубхонамизда деярли қолмади. Иккинчидан, давр талаби билан ундаги баъзи далил ва қарашларни қайта кўриш эҳтиёжи туғилди. Ҳавола этилаётган мазкур ишда айрим нуқсонлар бирмунча бартараф этилди, тошшириқлар

сони кўпайтирилди, қатор назарий фикрлар қайта кўриб чиқилди ва кенгайтирилди. Мустақил ишлар талабаларнинг мустақил фикр юритишини тақозо қилиши туфайли анъанавий қарашлар доирасидан ташқари чиқувчи баъзи масалалар ҳам киритилди.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида сўзларни туркумларга ажратиш, сўз ўзгариши, турланиш, от ва феълнинг грамматик категориялари, ажратилган бўлаклар, содда гап турлари, қўшма гапларни турларга ажратиш ва номлаш каби қатор масалалар оврўпо тилшунослиги назарияси асосида талқин қилинади ва узоқ йиллардан бери ўзгаришсиз такрорланиб келади. Масалан, турланиш рус тилида келишиклар доираси билан чекланади ва унга берилган таъриф турли мақсаддаги дарслик ва қўлланмаларда, илмий ишларда айнан қайтарилади, бошқача айтганда, бевосита ўзбек тилига татбиқ қилинади. Ёки ўзбек тилида эгалик отга хос грамматик категория бўлиб, сўзлар эгаликда шахс-сон қўшимчаларини олиб ўзгарар экан, нега бундай грамматик ўзгариш турланишга киритилмайди? Айниқса, эгалик қўшимчасини олган сўзнинг қаратқич келишигидаги сўз билан узвий боғлиқлиги, ҳамиша бири иккинчисини тақозо қилиши турланиш ҳодисасини фақат келишиклар билан чеклаш ўзбек тилига хос эмаслигини кўрсатади. Рус тилида эса ўзбек тилидаги каби эгаликда турланиш йўқ, шу сабабдан рус тилшунослигида қайд қилинган турланиш таърифида сўзларнинг эгалик қўшимчалари билан ўзгариши акс этмаган. Тўғри, тилларда умумийлик (универсалия) ҳодисаси бор, аммо бу миллийлик, хусусийликни инкор этмайди, бинобарин, давр ўтиши ва тажриба ортиши билан айрим қарашлар ва улар билан боғлиқ атамаларнинг янгича таҳлил қилиниши, қайта баҳоланиши қонуний ҳодиса. Фан тараққиёти шунда.

Таълим соҳасида қандай янгидан-янги усуллар яратилмасин, мустақил ишлар бўйича қўлланманинг зарурлиги яна шундаки, ўзбек тилидан мутахассислик берилмайдиган олий ўқув юртларида, жумладан, бизнинг Жаҳон тиллари университетида таълимнинг амалдаги ҳеч бир турида ҳозирги замон ўзбек адабий тили фанининг барча соҳаларини қамраб олиш ва улар ҳақида батафсил

маълумот бериш имкони йўқ. Чунки бунга мавжуд ўқув режаларида ажратилган соатлар миқдори имкон бермайди, шунинг учун дарс жараёнида талабаларга ўзбек тили норматив грамматикасининг асосий масалалари юзасидан элементар маълумот бериш бош масала бўлиб қолмоқда. Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан талабаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидан зарурий дарслик ва қўлланмаларни харид қилиш имконияти чекланган. Юқорида эслатилганидек, университет кутубхоналари ҳам талабаларнинг бу соҳадаги эҳтиёжини қондиришга қодир эмас. Мустақил ишлар йиғиндиси ана шу муаммоларни бир оз бўлса-да, бартараф этишга кўмаклашади, деган умиддамиз.

Тўғри, талабалар билимини холисона баҳолашда тест-синовлар муҳим аҳамиятга эга, аммо уни талабалар билимини аниқлашда ягона усул деб баҳолаш ва истисносиз ҳар бир соҳага бирдек татбиқ қилиш мулоҳазалидир. Чунки ёшларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини, ёзма ва оғзаки нутқ маҳоратини, саводхонлик даражасини аниқ белгилашда тест-синовлар имконияти бир оз чекланган. Иккинчидан, уни ҳам дахлсиз деб бўлмайди, шунинг учун тест-синовлар таълим воситаларидан бири сифатида қаралиши, тажрибада синалган анъанавий усуллардан воз кечмаган ҳолда, улардан самарали фойдаланиш лозим. Шунингдек рейтинг ҳам таълим воситаларидан бири сифатида қаралиши керак. Очиғини айтганда, рейтинг биз учун бутунлай янгилик эмас.

Агар тест ва рейтинг талабалар билимини баҳолашда қўл келса, мустақил ишлар ана шу билимни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, талабани ўз устида ишлашга ундовчи муҳим амалий воситадир. Бу усул талабаларнинг мустақил ишлашга ўрганиши, ижодий фикрлашини такомиллаштириш ва уларнинг чуқур билимли, юқори савияли саводхон бўлиб етишувида алоҳида қимматга эгадир. Дейлик, талаба тест саволларига берилган тайёр гаплар ичидан натижа эргаш гапли қўшма гапни топиб бергани ҳолда, ўзи мустақил равишда ҳар жиҳатдан тўғри бўлган натижа эргаш гапли қўшма гап тузишга ниҳоятда қийналади. Бунинг учун узоқ

фикрлаш, ижодий изланиш керак бўлади.

Тажрибадан маълум бўлмоқдаки, она тилидан тест орқали юқори балл олиб ўқишга кирган талабалар аксарият оммавий чоп этилган тест топшириқларидаги саволларга жавоб беради-ю, аммо унинг моҳиятини тушуниб ҳал қила олмайди.

Ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур мустақил ишлар ўнта вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантда ўнтадан топшириқ берилган. Барча вариантлардаги топшириқлар талаб ва материал ҳажми жиҳатдан деярли бир хил характердадир: улардаги саволлар лексикология, фонетика, сўз таркиби, сўз ясалиши, морфология ва синтаксисга оид қатор масалаларни ўз ичига олади. Хусусан, биринчи ва иккинчи топшириқлардаги сўзлар миқдори бир хил бўлгани ҳолда, улар бир-биридан сўзларнинг ҳар хиллиги билангина фарқ қилади. Шу билан бирликда талабадан маълум мавзулар юзасидан ёзма жавоб тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Бундай талаб III, IV ва VII топшириқларда учрайди: III топшириқда лексикологияга оид масалалар, IV топшириқда ёрдамчи морфемаларга хос турли хусусиятларни аниқлашга оид масалалар, VII топшириқда эса фонемаларни тасниф қилиш ва уларнинг хусусиятларини амалий жиҳатдан аниқлаш, бўғин, урғу ва турли фонетик ҳодисаларни ёритиш каби масалалар қайд этилган.

X топшириқда талабаларнинг мустақил мутолаа қилиш ҳамда фикрлаш қобилиятини ўстириш мақсадида тарихий мавзудаги аниқ бир бадиий асарни ўқиб, ундан тегишли мисолларни ўзича мустақил топиш кўзда тутилган. Гап шундаки, биз узоқ йиллар давомида миллий анъаналаримиз, тарихимиздан узоқлашиб, кўп асрлик маданий меросимиздан бебаҳра қолдик, қунт ва сабот билан ўқиб билим олиш ўрнига ҳукмрон тузум манфаатларига мос келган ва қолишга солинган тайёр манбаларни кўчиришга ўргандик. Шунинг учун биз чинакам билим олишга зид бўлган бундай яроқсиз усул ўрнига оддий бир мисолни ҳам талабанинг ўзи аниқ бир

бадиий асардан қидириб топишини маъқул кўрдик.

Кўринадики, мақсадимиз талабани тил орқали бадиий адабиётга жалб қилишдир. Лекин, бари бир, юқорида эслатилган қусурни тўлиқ бартараф этиш имкони йўқ, шунинг учун мазкур курсни мавжуд назарий адабиётлар асосида эгаллаб олиш лозим. Шунга қарамай, талабаларнинг турлича билим савиясига эгалиги, керакли дарслик ва қўлланмаларга эга бўлмасликлари сабабли, топшириқлар юзасидан қискача умумий назарий маълумот берилди.

Унутмаслик керакки, мустақил иш мавжуд назарий қарашларни ўзлаштириш ва уларни амалда айнан такрорлашдангина иборат эмас, балки айни чоғда янгиликка ундаш, назарий ва амалий далилларга танқидий қараш, уларни чоғиштириш, бир - бирига қиёслаш ва шу асосда билим ва фикр доирасини кенгайтириш ҳамдир. Ана шунинг учун биз баъзи мулоҳаза ва шахсий фикрларимизни ҳам киритдик ва кенг ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдик. Ахир, мустақил иш бир онлик жараён эмас, балки узоқ муддат давомида фикрлаб, ўйлаб, керак бўлса бошқалар билан маслаҳатлашиб бажариладиган жараёндир. Унинг илмий-услубий ва тарбиявий аҳамияти ҳам шунда. Эҳтимол, истеъдодли ёшлар мустақил ишларини келгусида илмий иш даражасига кўтарса ажаб эмас.

Бизнинг назарий қисмда айрим фонетик ва морфологик ҳодисалар ҳақида тўхталмай, хусусан, лексикологияга оид масалалар ҳақида тушунча бермай, уларни талабаларнинг ўзларига ҳавола қилишимизнинг сабаби ҳам шунда. Дарҳақиқат, яқин ўтмишда турли сабабларга кўра қаторки шиларнинг тилимиз миллий хусусиятларини билмасликлари, саводхонлик даражасининг пастлиги, тил ва адабиётнинг бир - биридан узилиб қолганлиги ҳеч кимга обрў келтирмади. Эндиликда мустақил Ўзбекистон учун чиндан ҳам мустақил ва ижодий фикрлайдиган, билими кенг, саводхон ёшлар керак. Бу жиҳатдан мазкур мустақил ишлар талабалар билими ва саводхонлигини оширишда ўз

ўрнини топади, деб ўйлаймиз.

*

* *

Биринчи ва иккинчи топшириқларнинг асосий мақсади саводхонликни ошириш, ўрта мактабда олинган имло қоидаларини мустаҳкамлаш, тарихий-маданий меросимизни ўрганишга мойиллик юз бергани сабабли, ёзилиши ва тушунилиши қийинчилик туғдирадиган бир қатор тарихан ўзлашма сўзларни хотирада сақлашга ва луғавий маъносини тушунишга кўмаклашувдир. Бу ҳол талабани, сўзсиз, луғатларга мурожаат қилишга, китоб ўқишга ундайди. Шунинг учун мазкур мустақил ишлардан турли тоифадаги кишилар (ўқувчи, талаба, тингловчи, муаллим ва бошқалар) фойдаланиши мумкин. Айниқса, айни бир шахснинг ҳар қайси топшириқ вариантларини алоҳида иш сифатида бажариши, яъни вариантларни навбат билан ишлаб чиқиши ўта фойдалидир. Бунинг учун муаллим ким қайси ва нечта вариантни бажарганини ҳисобга олиб, бажарилган ҳар бир топшириқни баҳолаб бориши лозим.

Бироқ кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларда шароитнинг ҳар хиллиги топшириқларни тўла ва бир меъёрда бажариш имконини бермайди. Шунинг учун кундузги таълим талабалари ўқув жараёнида барча топшириқларни навбат билан бажариши мумкин бўлгани ҳолда, кечки бўлимларда топшириқлар миқдорини қисқартириш, сиртқи бўлимларда эса биргина топшириқни бажариш билан кифояланиш мумкин. Кундузги бўлимларда барча вариантлардаги биринчи ва иккинчи топшириқ нусхаларини алоҳида-алоҳида кўпайтириб, ўқув йили давомида навбат билан талабаларга дарс жараёнида бажартириш имкони ҳам бор.

Сиртқи бўлимларда ҳар бир гуруҳ талабаси мустақил иш вариантини синов дафтарчасининг сўнгги рақамига қараб олади. Масалан, охирги рақами I, 11, 21 бўлса, биринчи вариантни, 5, 15, 25 бўлса, бешинчи вариантни, борди-ю, 10, 20 ва ҳоказо бўлса, ўнинчи вариантни олади.

Бажарилган иш баҳоланиш учун деканат томонидан белгиланган муддатда почта орқали тегишли олий ўқув юртининг сиртқи бўлими қошидаги услубиёт хонасига юборилади.

Талаба ҳар бир топшириқни бажаришдан олдин шу топшириққа оид мавзуларни ўқиб, назарий билимни пухта эгаллаган бўлиши керак. Бу усул берилган топшириқларни муваффақиятли бажаришнинг бош омилидир.

Топшириқлар, имкони бўлса, бир чизиқли дафтарда бажарилиши ва чап томондан ҳошия қолдирилиши лозим (агар варақнинг орқасига ҳам ёзиладиган бўлса, биринчи бетдаги ҳошия ўнг томонда ҳам акс эттирилади). Топшириқларни бажариш чоғида сўзларни ҳар ким ўзича қисқартирмаслиги керак (грамматик таҳлилда сўзлар устига ёзиладиган изоҳлар бундан мустасно: улар қуйида тавсия этилади), шунингдек таҳлил қилинаёган сўзлар ораси очиқ бўлиши, уларни иложи борича бўғинларга ажратмай ёзиш тавсия этилади. Бугина эмас, ҳатто қўшма сўз қисмлари ҳам бир йўлга ёзилиши фойдалидир, чунки бундай чоғда сўзларни морфологик-синтактик таҳлил қилиш ва уларнинг синтактик муносабатини белгилаш, устига изоҳ ёзиш, остини чизиш каби амалларни бажаришда қулайлик туғилади ва ишнинг чиройли ҳамда озода бўлишини таъминлайди.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатига олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун расмий равишда тавсия этилган баъзи дарслик ва қўлланмаларгина киритилди, аммо талаба ўз имкониятига қараб бошқа илмий ва назарий манбалардан ҳам фойдаланиши лозим.

I ҚИСМ

ТОПШИРИҚЛАР БЎЙИЧА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек имлосидаги муҳим муаммоларнинг бири **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)ларини бир-биридан фарқлащдир, шунинг учун **биринчи топшириқ х** ва **ҳ** белгиларини ёзувда фарқлашга ва уни мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг сабаби шундаки, анчайин ўқувчи ва талабаларгина эмас, балки бир қатор муаллиму олимлар, шоиру ёзувчилар ҳам **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)ларини ўзаро бир-биридан фарқлай олмай, ёзувда жиддий хатоларга йўл қўядилар. Ҳатто айрим мутахассислар "**ҳ** ва **х** ҳарфларида хато қилмайдиган киши топилмайди" деб таъкидлашади. Ваҳоланки, саводхонлик ҳар бир зиёли учун доимо зарур бўлган маданий-маънавий эҳтиёждир.

Бу икки белгининг ўзига хос хусусиятлари ва қўлланиш ўринларини билиш аслида мактаб таълими билан боғлиқ. Лекин, афсуски, мактабларда бу икки белгини ўқитиш усули мутлақо талабга жавоб бермайди, чунки уларни ёзувда бир-биридан фарқлаш учун ўз номи билан атамай, "думли-думсиз", "юмшоқ-қаттиқ", "белгили-белгисиз" деб ўқитиш ёшларнинг **х** ва **ҳ** ҳарфлари тилимизнинг миллий товушлари белгиси эканлигини англаб етишларига хизмат қилмайди, балки бу икки товуш(ҳарф)га масхараомуз муносабатда бўлиш кайфиятини туғдирган. Шунинг оқибатида ўрта мактабда ўн-ўн бир йил, олий мактабда тўрт-беш йил ўқиб, ҳатто илмий унвону даражаларга эга бўлсак-да, уларни бир-биридан фарқлай олмай қийналамиз.

Дарвоқе, бу икки товушни тушунтиришда олий мактабда ишловчи баъзи муаллимлар ҳам ўрта мактаб усулидан қутулган эмас.Бу ҳам майли-я, ҳатто айрим мутахассислар **х** ва **ҳ** белгилари билан фарқланувчи сўзлар тилимизда бор-йўғи 5-10 тагина, холос,шу сабабли атиги ана шу сўзлар учун алифбомизга икки ҳарф олмай, уларни бирлаштириб, бир белги - **х** ҳарфи билан ифодалашни олга сурадилар ("Шарқ юлдузи", 1992, 10-сон). Ваҳоланки, бу усул халқимизни ўз тарихий-маданий бойлигидан қонун йўли билан бебаҳра қилади. Тилимизга бундай муносабат унинг хусусиятларини чуқурроқ билмаслик, уни ўрганишда

қунт ва сабот етишмаслигидир.

Айниқса, **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)лари билан фарқланувчи сўзларни туркий эмас, "бизнинг туркий (ўзбек) тилимизда **х** ва **ҳ** нинг фарқи йўқ" деб қараш ноилмий хулосадир. Тўғри, ҳозирги ўзбек тилидаги **ҳ** товушли сўзларнинг аксарияти тақлид, ундов-хитоб, чақириқ сўзлар асосида ҳосил бўлган ясама сўзлардир, айниқса, мавҳум маъноли сўзларнинг кўпчилиги эса ўзлашмадир. Бундай ўзлашма сўзларнинг тилимизда пайдо бўлиш сабаблари илм аҳлига аён. Одатда, тилда янги сўз ишлаб чиқишдан кўра тайёр сўзларни қабул қилиш қулай саналади. Бироқ далиллар қадимги туркий тилда **х** ва **ҳ** товушлари мустақил фонема даражасида мавжуд бўлганини кўрсатади, жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида айрим форсча-арабча сўзларнинг айнан берилиши, яъни таркибида **ҳ** товуши бўлган сўз-номларнинг ўзгаришсиз талаффуз қилинганини қайд этиш ҳам **ҳ** товуши учун фонетик асос бўлганлигини ифодалайди.

Шу сабабли М.Кошғарий даврида унли билан бошланган анчайин туркий сўзлар бизга бошидан **ҳ** товуши орттирилган ҳолда етиб келган ва шундай қўлланади. Масалан: **ҳовуч** (авут), **Ҳулкар** (улкар), **ҳўкиз** (ўкиз), **ҳўл** (ўл), **ҳўл бўлди** (ўлиди), **ҳуркди** (уркти), **ҳангради** (ангилади), **ҳориди** (а:рди), **ҳўплади** (ўплади), **ҳурпайди** (урпарди), **ҳурпайишди** (урпашти), **ҳурпайтирди** (урпатти), **ҳуркилди** (уркулди) ва б. Ҳатто қадимда **ота**, **она** сўзларини бошидан **ҳ**, айрим ўзлашма сўзларни эса **х** орттириб талаффуз қилувчи қабилалар ҳам бўлган (М.Кошғарий. Девон. I. 68,126- бетлар). Бундай фонетик ҳодиса, хусусан, кенг унлилар билан бошланган қатор ўзлашма сўзларни бошидан **ҳ** қўшиб талаффуз қилиш ўзбек шеваларида ҳозир ҳам мавжуд: **ҳаза** (аза), **ҳайван** (айвон), **ҳақил** (ақл), **ҳарра** (арра), **ҳари** (ари), **ҳаптика** (аптека - дорихона), **ҳарава** (арава), **ҳаптовуз** (автобус), аммо **ҳасса** (арабча: асо) адабий меъёрдир.

Тўғри, Маҳмуд Кошғарий қадимги туркий тилда "**ҳ** қўлланган ҳеч бир сўз йўқ" (Девон. I. 49- бет) ва бу товушни қўллайдиган канжак ва хўтанликларни эса "Биз уларни турклардан деб ҳисобламаймиз, чунки улар туркий сўзларда йўқ товушни киритганлар" деб таъкидлайди (Девон. I. 68-

бет). Аммо "Девон"да М.Кошғарий инкор этаётган канжаклар туркий қабилалардан бири, яъни "бир тоифа турклар" эканлиги қайд этилади (ўша асар, 444- бет). Яна бир ўринда: "Ҳақиқий ҳ ҳарфи асл турк тилларида йўқдир. Фақат **эр аҳлади - одам оҳ урди** гапидагина қўлланади. Шунда ҳам бу сўздаги **ҳ** кўкракдан чиқадиган товушдир" (Девон. III. 129- бет), - дейилади. (Шу ўринда охирги жумлага эътибор беринг: унда мазкур **ҳ** товушининг бошқа бир варианти мавжуд бўлганига ишора сезилади).

Кўринадики, канжак қабиласининг турк эканлиги ҳам инкор этилади, ҳам тасдиқланади, иккинчидан, улар нутқида **ҳ** товуши, яъни "кўкракдан чиқадиган товуш" мавжудлиги аниқ кўрсатилади. Бироқ бу товушнинг фақат биргина сўзда учрайди дейилиши у қадар асосли эмас, чунки, бизнинг кузатишимизча, М.Кошғарий эслатган ва бошидан **ҳ** орттириб талаффуз қилинадиган сўзлардан ташқари, таркибида **ҳ** товуши бўлган ўн бешта сўз учради: **аваҳ** - кўз оғриғи, **жаҳа** - тутантириқ тоши (Девон. I. 48- бет), **теҳчак** - матонинг бир тури (Девон. I. 441- бет), **уҳи** - укки (Девон. I. 48- бет; III. 256- бет), **йаҳ** - шундай, хўп, ҳа; **маҳ** - ма, ол (Девон. I. 128- бет), **ҳуқубари** - маъдан эритиладиган идиш (Девон. III. 261- бет),**маккаҳ** - сиёҳ тури (Девон. III. 430- бет). Булардан ташқари, ҳайвонларга нисбатан қўлланадиган ва таркибида **ҳ** товуши бўлган қатор сўзлар ҳам мавжуд. Булар: **ҳач-ҳач** - молларга нисбатан, **ҳўш-ҳўш** (Девон. I. 312-бет), **ҳеч-ҳеч** - подани қайтаришда, **ҳўч-ҳўч** - эчки подасини ҳайдашда (Девон. II. 326- бет), **таҳ-таҳ** - лочинни чақиришда, **каҳ-каҳ** - итни чақиришда, **чуҳ-чуҳ** - отни юргизишда (Девон. III. 128- бет), **қурриҳ-қурриҳ//қурреҳ-қурреҳ** - тойни чақиришда (Девон. I. 49- бет; III. 242- бет). Шуни ҳам эслатиш жоизки, М.Кошғарийнинг боболари нутқида **амир** каби ўзлашма сўзларни бошидан тил орқа **х** товушини орттириб талаффуз қилиш "кўп учраган" (Девон. I. 136- бет).

М.Кошғарий таркибида **ҳ** товуши бўлган сўзларнинг қадимги туркий тилга хос эмаслигини таъкидлаш мақсадида бундай сўзларни кўпроқ канжак қабиласи тили билан боғласа, баъзи чақириқ-хитоб, яъни ундов сўзларни эса арабчага ўхшаб кетади дейди. Айрим атама ва номларнинг

бирор қабила, халқ тили билан боғланиши табиий, чунки ижтимоий-иқтисодий алоқа, бевосита ёндош ёки аралаш яшаш туфайли бир тилдан иккинчи тилга сўз ўтиши маълум, аммо келгинди қабилалардан саналган канжак ва, хусусан, "туркчани яхши билмайдиган" хўтанликлар (Девон. I.65-бет) тилининг маҳаллий ва кўп сонли туркий қабилалар таркибига сингиб кетиш ўрнига улар тилига фонетик жиҳатдан жиддий таъсир ўтказиб, из қолдириши у қадар ишонарли эмас. Агар улар кўп сонли қабилалардан бўлганда ёки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тарихда муҳим ўрин тутганда эди, бошқа гап эди. Айрим чақириқ-хитоб сўзларининг арабчага ўхшаб кетиши эса тасодифий бўлиши керак, чунки бундай сўзларнинг бир халқдан бошқасига ўтиши учун турли тилли халқлар аралаш ёки бевосита ёндош яшаши ёки эса ўзаро қардош халқлардан бўлиши керак.

М.Кошғарийнинг замондоши Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асарида таркибида **ҳ** товуши бўлган талайгина форсча ва арабча сўзларнинг туркий тиллар луғат қатламига тўла равишда сингиб кетганини кўрамиз. Бу ҳам **ҳ** товушининг, хусусан, ўзбек тилида ривожланиши учун қадимдан фонетик асос бўлганлигига бир ишорадир.

Сўз бошида **х** ва **ҳ** товушларининг ўзаро алмашинуви эса қадимги туркий тилда муҳим белгилардан бўлганидек, ҳозирги қипчоқ тип шева ва тил вакилларида сақланиб қолган.

Биз адабий-тарихий меросимизга қанчалик чуқурроқ ёндашсак, **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)лари билан фарқланувчи сўзларни шунчалик кўп учратамиз. Масалан: **худ** (ҳарбий кийим тури, **ўз**, **ўзи**, чоғ.: гоҳ **худ**, гоҳ **бехуд**) - **Ҳуд** (қадимги пайғамбарлардан бирининг номи), **хад** (ёноқ, юзнинг қизариб турган жойи) - **ҳад** (чегара, чоғ.: **ҳаддан ташқари**, **ҳаддидан ошмоқ**), **хур** (қуёш, офтоб, чоғ.: **хуршид**) - **ҳур** (озод, пари, гўзал; **ҳурмоқ** феълининг ўзаги), **худо** - **ҳудо** (динга оид, тўғри йўл, чоғ.: **ҳуда-беҳуда**), **хола** - **ҳола** (ой, қуёшнинг қўрғонлашуви), **сахо** (сахийлик)-**саҳо** (ҳулкар туркумидаги энг хира юлдуз), **махзун** (хазинада сақланган) - **маҳзун** (хафа, қайғули), **халқ** - **ҳалқ** (томоқ, бўғиз, чоғ.: **ҳалқум**), **хавз** (сувга шўнғиш, чоғ.: **ҳопитмоқ**, Наманган: **ҳопаза//ҳопиза**) - **ҳавз** (бирор нарсанинг, масалан, шипнинг ички қисми), **хавос** (**хос** сўзининг

кўплиги) - **ҳавос** (**ҳосса** сўзининг кўплиги, яъни ҳислар, сезгилар), **хатм** (охир, тамом, тугатмоқ) - **ҳатм** (аруз қоидаларидан бири), **хариф** (куз фасли) - **ҳариф** (рақиб, улфат, шерик), **холи** (бўш, банд бўлмаган) - **холи** (тезда, ҳозироқ) ва б.

Таркибида **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)лари бўлган сўзлар доирасидаги бундай ўхшашлик сўз охирида ёки жарангсиз ундошдан сўнг келган **д** товушининг талаффузда жарангсизлашуви, айрим сўзларнинг эгаликда турланиши, сўз ёки сўз шакли ясалиши асосида ҳам туғилади. Масалан: **хут** (**худ**, чоғ.: **худди//хутти** ўзи) - **ҳут** (чоғ.: **ҳут-ют**), **шахт** (ғайрат, шижоат) - **шаҳт** (**шаҳд**, чоғ.: **шаҳду шакар**), **хит** (ғашлик) - **ҳит** (ҳид, чоғ.: **ҳитсиз<ҳидсиз**), **хомит** (рус: **хомут**) - **Ҳомит** (**Ҳомид**), **хоким** (**хок**, яъни тупроқ, **кул** сўзининг эгаликдаги биринчи шахс бирлик шакли) - **ҳоким**, **хаёли** (**хаёл** сўзининг эгаликдаги учинчи шахс бирлик шакли) - **ҳаёли** (иболи, ор-номусли), **хурма** (идиш) - **ҳурма** (**ҳурмоқ** феълининг иккинчи шахс буйруқ майлининг бирликдаги бўлишсиз шакли) ва б. Бугина эмас, талаффузда тасодифан тўғри келиб қоладиган, яъни аслида ҳар хил, бироқ кишиларнинг саводхонлик даражаси, шева таъсири, турли шарт-шароитда эшитиш, сўз маъносини дарҳол тушуниб етиш-етмаслик оқибатида ҳам баъзи сўзлар ўзаро мос келиб, айниқса, тил ўрганувчилар учун чалкашлик туғилиши мумкин. Масалан: **саллох** (қассоб, қушхонада мол сўювчи мутахассис) - **салоҳ** (тўғрилик, виждонлилик), **ховон**(-ча) (уй-рўзғор буюми) - **ҳавон** (тирагич, уйсозлик атамаси) ва б.

Масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб, биринчи топшириқ уч моддага бўлиб талқин қилинди. Биринчи ҳар бир бандда 30 тадан (жами: 300) сўз берилган бўлиб, нуқталар ўрнига **х** ёки **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчириш ва луғавий маъносини аниқлаш талаб этилади. Маълумки, **ҳ** товушли сўзларнинг аксарияти араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзлардир. Шунинг учун улар билан алоқадор "ўзак"ни билиш топшириқнинг тўғри бажарилишини енгиллаштиради. Масалан, ад. **хос** сўзини **х** билан, **ҳукм** сўзини эса **ҳ** билан ёзиш ўзлаштирилса, улар билан алоқадор бўлган **махсус**, **мутахассис**, **хусус**, **хусусан**, **хусусий**, **хусусият**, каби сўзларни **х** билан,

маҳкама, маҳкум, муҳокама, ҳакам, ҳаким, ҳоким, ҳокимият, ҳукм, ҳукумат каби сўзларни эса **ҳ** билан ёзишни ўзлаштириш нисбатан осонлашади.

Топшириқнинг иккинчи бандида **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)лари билангина фарқланувчи, гоҳо шаклий жиҳатдан бир-бирига ўта яқин олти жуфтдан (жами: 120) сўз берилади ва уларнинг луғавий маъноларини аниқлаш кўзда тутилади. Мақсад ўқувчи-талабаларнинг берилган сўзлар маъносини бир-биридан фарқлаб олишга, бу ҳақдаги тушунчаларнинг улар онгида мустаҳкамланишига эришишдир. Бошқача айтганда, гап **х** ва **ҳ** товушлари ўзбек тилига хос мустақил ундош фонемалар эканлигини, бинобарин, уларни ўзаро алмаштириш мумкин эмаслигини ҳамда бир белги билан ифодалаш тарафдорларининг фикри мутлақо асоссизлигини, **ҳ** товуши фақат тарихан ўзлашма сўзлардагина эмас, балки туб туркий (ўзбекча) сўзлар таркибида ҳам мавжудлигини ўқувчилар онгига етказишдир. Бироқ тилимизда **х** ва **ҳ** товушлари бўлган барча сўзларни қамраб олиш имкони йўқ, чунки, дейлик, биргина "Ўзбек тилининг имло луғати"да (1975), бизнинг ҳисобимиз бўйича, таркибида х ва ҳ товуш(ҳарф)лари бўлган сўзларнинг умумий миқдори 8301 та бўлиб, шундан 4085 таси **х** ли, 4216 таси ҳ ли сўзлардир. Ваҳоланки, мазкур луғатга кирмаган, аммо бошқа турли луғатларда акс этган, шунингдек жонли нутқ ҳамда шеваларда мавжуд, бироқ бирор манбада акс этмаган сўзлар анчагина топилади. Хуллас, адабий тилимиз **х** ва **ҳ** товушли сўзларга шу қадар бойки, уларсиз, айниқса, ёзма адабий тилимизни тасаввур қилиб бўлмайди.

Топшириқларга сўз танлашда бир вариантдаги сўзни бошқасида такрорламасликка ҳаракат қилинди, аммо икки-уч вариантга объект бўла олувчи сўзлар бундан мустаснодир. Масалан, **иншоаллоҳ**, **Моваroуннаҳр** каби сўзлар қўш унлили ҳамда бир хилдаги қўш ундошли сўзлар доирасида ҳам, **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)ли сўзлар доирасида ҳам учраши мумкин.

Топшириқнинг учинчи бандида олдинги тушунчаларни мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Унда берилган жуфтликлар (жами: 10X10=100 та сўз) бир-

бирининг зидди бўлмаса-да, баъзи жиҳатдан, жумладан, бирор унли ёки ундош товушларнинг ортиқ-камлиги, ҳар хиллиги, талаффузда охирги ундошларнинг жарангсизлашуви ёки бирор луғавий-грамматик шакл олиши сабабли ўзаро яқинлик ҳосил қилади (пароним сўзларни эсланг). Ана шу яқинлик ҳам таркибида **х**, **ҳ** товушлари бўлган баъзи сўзларни ўзаро қориштириб юборишга сабаб бўлиши мумкин. Демак, бу модда мазкур икки товушнинг қўлланиш хусусиятларини пухта эгаллашда ўз ўрнига эга. Албатта, лотинча имлога ўтилганда, **х** ва **ҳ** муаммоси ҳарфий ифода жиҳатдан анча енгиллашади, чунки **ҳ** товуши учун **х** шаклидан мутлақо фарқ қилувчи белгиси олинади. Бироқ ҳозирда **х** ва **ҳ** товуш(ҳарф)ларини бир-биридан фарқ қилмаган киши кейинчалик ҳам, дейлик, **хам** ва **ҳам** сўзларини фарқлаб айтиш ва ёзишда қийналиши мумкин.

Иккинчи топшириқ икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда қўш унлили сўзлар, иккинчи қисмда эса қўш ундошли сўзлар имлосини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Топшириқнинг ҳар икки бандида ҳам фан ва техникага, халқ хўжалигининг турли соҳаларига оид 20 тадан (жами: 40x10=400 та) сўз ва атамалар берилади. Ҳар икки турдаги сўзлар ҳам адабий тилимиздаги характерли ҳодисалардан саналади, бироқ ўзбек тили учун, айниқса, унлиларнинг бевосита ёндош келиши тарихан хос эмас. Шунинг учун оддий сўзлашув тилида қўш унлилар кўпинча "бузиб" талаффуз қилинади: ёндош унлилардан бири тушиб қолади ё улар бирлашиб, чўзиқроқ бир унли товушдай эшитилади, ёки эса уларнинг орасида бир ундош (одатда, **й** товуши) орттирилади. Лекин адабий тил сўзларнинг такомилини, бир тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммаси учун бир хилликни талаб қилади. Бинобарин, қўш унлиларнинг ёзувда сақланиши ва шундай талаффуз қилиниши адабий меъёрдир, демак, мазкур ҳодиса ҳам саводхонликнинг таркибий қисми саналади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, собиқ ижтимоий-сиёсий тузум ўзбек адабий тили меъёрини белгилашда тилимизнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олишдан кўра "совет ва интернационал сўзлар" ниқоби остида русча ва рус тили хусусиятларига мосланган сўзларни аслича ёзишга қаратилганди (ўзбек тилида **санатория**, **танка** тарзида

талаффуз қилинадиган сўзларнинг расмий лугатларда **санаторий**, **танк** шаклида берилишини эсланг).

Қўш унлилар тилимиздаги ўзлашма сўзлар хусусияти билан боғлиқ, жумладан, тарихан араб, форс-тожик тилларидан ёки рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар таркибида учрайди. Улар айнан такрорланган (**аа**, **ии** каби) ёки ҳар хил унлиларнинг йиғиндисидан иборат бўлиши (**ао**, **ио** каби) мумкин. Бу топшириқни бажаришда адабий тилдаги олтита унли фонемани **аа**, **аи**, **ао** тарзида жуфтлаш лозим. Шунда жами 36 та жуфтлик ҳосил бўлади ва улардан мосини нуқталар ўрнига қўйиб ёзилади. Масалан, **.. рон**, **мудд..** шакллари тегишли жуфт унлилар қўйилганидан сўнг, **аэрон**, **муддао** сўзлари ҳосил бўлади.

Адабий тилда гоҳо уч унлининг ёндош келиши ҳам кузатилади, лекин ниҳоятда кам учрайди. Бу ҳодиса одатда, **авиа-**, **суи-**, шунингдек **радио-**, **теле-** шаклларининг унли билан бошланган сўзларга қўшилишидан туғилади: **суиистеъмол**, **авиоэкспресс**, **радиоэшиттириш**. Кўринадики, уч унли товушнинг адабий тилимизда ёндош келиши аста-секин ривожланмоқда.

Унлиларнинг ўзбекча (туркий) сўзлар таркибида ёндош келиши маълум сабаблар асосида юз беради. Биринчидан, сандхи ҳолатда, яъни унли товушга тугаган ва унли товуш билан бошланган сўзлардан тузилган айрим қўшма сўзлар (**Хўжаилгор** - қишлоқ, **хўжааҳрори** - ўсимлик) ҳамда биринчи қисми унли билан тугаган изофали бирикмалар таркибида (**жумлаи жаҳон, таржимаи ҳол, онаизор**) учрайди. Бироқ **бора олмоқ** каби феъл+феъл кўринишли қўшма феъллар таркибидаги унлилардан бири жонли тилдагина эмас, балки адабий тилнинг ўзида ҳам мунтазам қўлланавермайди, аниқроғи биринчи унли тушиб қолади, яъни **бора олади** ва **боролади** шаклларида қўлланаверади. Иккинчидан, тарихан ўзлашма **ба-**,**бе-**, **бо-**, **но-** каби унли товушга тугаган олдқўшимчалар (префикслар) унли билан тугаган сўзларга қўшилганда юз беради. Масалан: **беиш**, **беўлчов**, **ноўрин**, **ноизчил**. Бундай ҳодиса **-ки** шакли **нима** сўзига қўшилганда, **нимаики** (жонли тилда **нимайки**) шакли туғилади. Лекин юқоридаги сўзлар таркибида ўзак ва ёрдамчи қисмлар аниқ кўриниб турганн

7958
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

учун ҳар икки гуруҳ сўзлар топшириқларга киритилмади, ҳисоб.

Мазкур топшириқнинг иккинчи бандида таркибида бир хил ундош товуш такрор келадиган сўзларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилган. Бундай сўзларнинг аксарияти ҳам ўзлашмадир. Қўш ундошлар деганда биз икки ундош товушнинг ҳар қандай ёндош келишини эмас, айни бир хил ундош товушнинг ҳозирги туб сўз таркибида такрорланишини (геминат) кўзда тутамиз, масалан, **сс**, **тт**, **бб** каби. Бу ўринда, одатда, нутқ билан боғлиқ бўлган **толлар**, **заводда**, **Самарқанддан**, **элакка** каби ҳодисалар ҳисобга олинмайди, чунки улар ёрдамчи морфемаларнинг "ўзак"ка қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган нутқий шакллардир. Демак, биз кўзда тутган бир хилдаги қўш ундошлар аксарият тарихан ўзлашма сўзлар таркибида учрайди ва ҳозирги кун нуқтаи назаридан туб саналади, масалан, **таассурот**, **мутахассис**, **ассимиляция** каби. Иккинчидан, **й** ундоши такрорида (**йй**) сўнгтиси "й"лашган ҳарфлар билан ифодаланиши сабабли шаклан тўё ҳар хил ундошлар ёндош келгандай туюлади, масалан, **Муҳаё** (Муҳаййо), **муайян** (муаййан) каби. Шунга кўра бундай сўзлар ҳам топшириқларда қайд этилмади.

Қўш ундошларнинг ўзбекча сўзлар таркибида учраши сўзларнинг ясалиши (**қаттиқ**, **ўгилли**, **иссиқ**), ўзгариши (**нонни**, **оққа**), модал маъно ифодаловчи ёки бошқа бирор сўз шакли ясовчи элементнинг қўшилиши (**оппоқ**, **қаламми**, **эккан**, **толлар**, **зўрроқ**, **айттирмоқ**) билан боғлиқ бўлганидан, уларнинг таркибини аниқлаш нисбатан қулайдир. Демак, гап кўпроқ таркиби кенг ва мураккаб бўлган сўзлар имлосини ўзлаштириш ва уларнинг лугавий маъноларини англаб етиш ҳақида боради. Албатта, биз кўзда тутган сўзлардаги қўш ундошлар манба тил нуқтаи назаридан бирор лугавий-грамматик маъно билан боғлиқдир, аммо ўзбек тилида ўша манба маънолари "ўлган" саналади. Тарихан **-ай** қўшимчаси билан ясалган ҳолат феъллари ўзагидаги охирги ундош такрори (**сўрраймоқ**, **ишшаймоқ** каби) оддий ҳодисадир, шунинг учун биз қўш ундошли ўзлашма сўзлардан ясалган айрим феъларнигина ҳисобга олиш билан чекландик.

Мазкур топшириқни бажариш учун ўзбек

имлосидаги ундошлар тартибига суяниш лозим. Маълумки, адабий тилимиздаги 25 ундош фонема 23 та ҳарф (белги) билан ифодаланади. Ана шу 23 та ҳарф (белги) тартиб билан **бб**, **вв** тарзида жуфтлаб борилади-да, ҳосил бўлган жуфтлик нуқталар ўрнига қўйиб кўрилади. Шунда бирор луғавий маъно англашилса, демак, топшириқ тўғри бажарилган бўлади. Масалан, **мука..ал, и..игация** шакллари тегишли жуфт ундошлар қўйилгандан сўнг, **мукаммал**, **ирригация** сўзлари ҳосил бўлади. Аммо ундош товуш(ҳарф)лари туширилганда, бир хил шакл ҳосил қиладиган сўзларни ҳам бермасликка ҳаракат қилинди. Масалан, **алла**, **амма**, **арра**, **асса**; **калла**, **каппа**, **карра**, **касса**, **катта**; **малла**, **масса**, **марра**; **чиллак**, **чиппак**, **читтак** каби сўзлар тушириб қолдирилди, чунки буларнинг топшириқдаги шартли кўринишлари **а..а**, **ка..а**, **ма..а**, **чи..ак** тарзида намоён бўлганидан, қайси сўз кўзда тутилганлиги маълум бўлмай қолади. Аммо ўта характерли сўзлар қавс ичида уларнинг синоними ёки маъноси яқин сўзлар ёрдамида изоҳ билан берилди, масалан, **ма..а** (йиринг), **шар..т** (вазият), **шар..т** (шаръий), **тара..ум** (раҳм қилиш), **тара..ум** (куйлаш) каби.

Хуллас, қўш унли ва қўш ундошларнинг қўлланишини эгаллаш илм ва саводхонлик билан боғлиқ, айни чоғда кишиларнинг маънавий дунёсининг бойишига, ўтмиш маданий меросимиздан баҳраманд бўлишига кўмаклашади, уларни тушуниб ўқишга ва турли соҳалардан хабардор бўлишга ундайди. Агар биз ҳозиргача "эски", "тарихий", "архаик", "диний" каби тамғалар билан чеклаб қўйилган ва қатағон қилинган минглаб сўзлар маъносини англаб етмасак, мустақиллик туфайли кундан-кун кўплаб нашр этилаётган тарихий-маданий меросимиздан тўла-тўкис баҳраманд бўла олмаймиз. Албатта, уларнинг айримларини лугатларсиз, ўтмиш тарихий ва бадиий асарларни ўқимай тушуниш қийин, шу сабабдан биз ўқувчини китоб ўқишга жалб қилиш мақсадида айрим нотаниш сўзларни ҳам киритдик, айни чоғда дунёдаги воқеалардан ҳам бехабар қолмасликни кўзда тутдик. Бу борада биринчи ва иккинчи топшириқлар биргаликда 920 та сўз-ном ва атамаларнинг луғавий маъноларини англаб олишга, имлосини ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирликда жорий ўзбек алифбосини ўзлаштириш мақсадида

920 та сўз-ном ва атамаларнинг луғавий маънолари англаб олишга, имлосини ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирликда жорий ўзбек алифбосини ўзлаштириш мақсадида мазкур топшириқларда берилган сўзларни алифбо тартибига солиш ҳам кўзда тутилди.

Учинчи топшириқ сўз туркумларини аниқлашга бағишланган, шунинг учун матндаги барча сўз-шакллар ҳисобга олинади ва ҳар бир сўзнинг тепасига қайси сўз туркумига оидлиги ёзиб қўйилади.

Сўз туркумларини яхши билиш ва уларни бир-биридан ажрата олиш келгуси мавзуларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга. Негаки, грамматика (морфология ва синтаксис) шу сўзлар асосида иш кўради: агар морфология сўзларнинг нутқда грамматик жиҳатдан ўзгаришини-сўз шаклларини алоҳида-алоҳида олиб ўрганса, синтаксис ана шу шаклларнинг ўзаро бирикиши ва шу бирикиш натижасида туғиладиган гап ёки сўз бирикмаларини, уларнинг турлари, тузилиши, бирикиш йўллари ва воситаларини ўрганади.

Ҳар бир сўз туркуми ўзига хос хусусиятларга эга: улар бир-биридан англатган луғавий маънолари, сўроқлари, якка ҳолда қўлланиш-қўлланмасликлари, гапдаги вазифаси жиҳатдан фарқланади ва маълум гуруҳларга бирлашади. Шу бирлашиш сўз туркумлари гуруҳларини ҳосил қилади. Тилда мавжуд бўлган барча сўзлар дастлаб йирик гуруҳларга, сўнгра у гуруҳлар ўз ичида туркумларга ажратилади. Сўз туркуми сўзларнинг луғавий-грамматик маъно жиҳатдан гуруҳи, яъни тил ва нутқ бирлиги сифатида қаралувчи тўдасидир.

Бирор луғавий маъно англатадиган, бирор сўроққа жавоб бўладиган, якка ҳолда қўллана оладиган ва махсус морфологик белгиларга эга бўлиб, гапда бирор бўлак вазифасида кела оладиган сўзлар **мустақил сўзлар** гуруҳини ташкил қилади.

Мустақил сўзлар шахс ёки нарса-предмет, воқеа-ҳодисанинг номи, атамаси, белгиси, миқдори, тартиби, ишораси, ҳаракати, ҳолати кабиларни билдиради. Мана шундай сўзлар олти туркумга бўлинади: от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш. Буларнинг ҳар бири луғавий маъно

дан), эгалик қўшимчалари (ад. -м, -им, -нг, -инг, -си...), кўплик қўшимчаси (ад. -лар) отга, предмет белгисини қиёслаб ёки камайтириб, кучайтириб кўрсатувчи қўшимчалар (ад. -роқ, -имтил, -имтир, -иш...) сифатга, предметнинг миқдори ёки ўринлашиш-жойлашиш тартибини билдирувчи қўшимчалар (ад.-та,-тадан, -ов, - нчи..) сонга, ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш вақти (замон), шахс-сон каби маънoларни билдирувчи қўшимчалар (ад. -ди, - м, -ман, -к..) феълга хос кўрсаткичлардир, аммо олмош (чог.: алмашмоқ) ўзига хос махсус морфологик белгиларга деярли эга эмас: у от, сифат, сон ўрнида қўлланиб, гапда улар бажарган вазифада келади. Равишлар сифатлар каби даражага эга, бироқ сифат отнинг белгисини билдирса, равиш феълнинг белгисини билдиради.

Булардан ташқари, от, сифат, феъл ва равишлар сўз ясовчи махсус қўшимчаларга ҳам эга, жумладан, -чи, -кор, -зор, -истон, - дон, -им, -соз, -к кабилар от (тракторчи, пахтакор, бедазор, Ўзбекистон, туздон, билим, машинасоз, элак), бе-, но-, -ли, -чан, -иқ, -чоқ кабилар сифат (беғараз, ноўрин, болали, уятчан, очиқ, мақтанчоқ), -а, -ла, -са, -сира, -и кабилар феъл (қонамоқ, бошламоқ, сувсамоқ, уйқусирамоқ, бойимоқ), -ча, -лай, -она, -ларча кабилар равиш (русча, бутунлай, баҳодирона, мардларча) ясайди. Бироқ сон билан олмошлар махсус ясовчи қўшимчаларга эга эмас, шунинг учун уларда сўз ясалиш ҳодисаси йўқ, яъни янги сон, янги олмош ясалмайди. Буларнинг бошқа мустақил сўз туркумларига нисбатан миқдор жиҳатдан "камбағал" лиги ҳам шунда, бироқ бу икки сўз туркумида бошқа ҳодиса мавжуд: сонларда фаол қўлланувчи 22 та сон-сўзларни ўзаро комбинациялаш, олмошларда эса мавҳум - умумлаштириш ҳодисаси амал қилади. Масалан, сонларда, дейлик, саноқ (**триллион** сўзи энди фаоллаша бошлади) 10, 100, 1000 га боргач, яна қуйи сон такрорланиб келаверади: 11, 101, 1001 каби ёки эса мавжуд рақамлардан иккитасини ёнма-ён ёзсак, янги сон ҳосил бўлаверади: 1, 2, 3, 4, 5 ...; 11, 12, 22, 32, 34 ... каби.

Олмошларда мавҳум - умумлаштиришнинг моҳияти шундаки, битта олмош-сўз луғавий маъно жиҳатдан ўнлаб, юзлабгина эмас, балки айни бир вақтда минглаб, миллионлаб, миллиардлаб шахс ёки нарса-ҳодисани

ифодалаб, кўрсатиб кела олади. Масалан, **у**, **шу** олмошлари истаган миқдордаги шахс ёки нарса-предметга нисбатан қўллана олса, **сен** олмоши истаган (миқдордаги) тингловчини ифодалай олади.

Мустақил сўз туркумларининг таснифи ҳақида гап борганда, шуни айтиш керакки, сузларни бир-биридан ажратиб гуруҳларга бўлиш уларни ўзаро қарама-қарши қўйиш эмас, балки бу биринчи галда амалий жиҳатдан тилни ва тил ҳодисаларини, уларнинг моҳияти ва вазифасини тартиб билан, қийналмай, осонроқ ўрганиш учун зарур. Аслида сўзлар ҳаётнинг, борлиқнинг акси, ифодасидир, шунинг учун сифат, сон, олмош, феъл (ва феъл орқали равиш ҳам) от билан бевосита боғлиқдир, яъни, дейлик, "ўрик"деб аталувчи дарахт (от) бор экан, **ёш**, **катта**, **йўғон**, **эски** (сифат); **битта**, **иккита**, **биринчи** (сон); **у**, **бу**, **ўша** (олмош); **ўсмоқ**, **қуримоқ**, **синмоқ**, **кўкармоқ** (феъл) каби сўзларни қўллаш имкони бор.

Ҳар бир мустақил сўз туркуми гапда синтактик жиҳатдан маълум вазифада қўлланишга хосланган бўлади. Масалан, от эга ва тўлдирувчи, сифат ва сон аниқловчи, феъл кесим, равиш ҳол вазифасида келади, олмош эса от, сифат ва сон бажарган вазифаларда қўлланади. Бу - уларнинг асосий вазифаси, аммо мустақил сўз туркумлари нутқда синтактик жиҳатдан ўзига хос бўлмаган вазифада ҳам келади. Бундай ҳодиса сўз туркумларининг кўчиши (конверсия) деб аталади. Бундай ҳодисани тил ҳодисаси ва нутқ ҳодисаси сифатида қараш мумкин. Масалан, тарихан сифат саналган **чол**, **кампир** сўзлари ҳозирда тўлиқ равишда от туркумига ўтган (диахрония ҳодисаси) бўлса, баъзи сифатларнинг от ўрнида қўлланиши нутқ ҳодисаси сифатида қаралади (синхрония ҳодисаси). Мисолларга эътибор беринг: **тунука том**, **дадам - муаллим**; **яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар** (мақол); **ўқиганлар қўл кўтарсин**, **гапирган сен, ҳамма нарса тайёр; русча китоб**, **мингларча одам** ва бошқалар.

Юқоридаги **тунука том** бирикмасида ҳар икки сўз ҳам от, шунга кўра улар **нима**? сўроғига жавоб бўлади, аммо **тунука** сўзи бирикма таркибида сифат ўрнида келганлигидан **қандай**? сўроғига жавоб бўлади, шунинг учун у **тунука** сўзига нисбатан аниқловчи бўлиб келади;

дадам - муаллим жумласида сўнгги сўз шахс оти бўлганлигидан **ким**? сўроғига жавоб бўлади, лекин у эга (дадам) билан шахс-сонда мослашиб (учинчи шахс бирликда), гапда кесим (феъл) вазифасида келаётир. Сўнгги жумладаги **яхши** ва **ёмон** сўзлари аслида сифат бўлганлигидан **қандай**? сўроғига жавоб бўлади-ю, аммо шу ўринда от вазифасида қўлланиб, эга бўлиб келмоқда. Шунга ўхшаш кейинги мисолларда **ўқиган** сифатдоши (феъл) от ўрнида келиб эга, **сен** олмоши ва **тайёр** сифати феъл ўрнида келиб кесим, **ҳамма** (олмош), **русча, мингларча** (равишлар) сифат ўрнида қўлланганидан отга боғланиб, аниқловчи вазифасида келаётир. Бироқ улар аслига кўра от, сифат, феъл, олмош, равиш саналаверади.

Сўзларнинг ўзига хос бўлмаган вазифада келиши фақат гап ичида - нутқ жараёнида юз беради, нутқ тугаши билан яна аслига кўра ўз туркуми доирасига ўтади. Бошқача айтганда, дейлик, **яхшига ёндаш** жумласида **яхши** сифатининг от ўрнида қўлланиши мазкур жумланинг реаллашуви учун сарф бўлган сониялар миқдори билан чекланади. Шуни ҳам эслатиш жоизки, отлашув деганда кўпчилик ҳолларда сифатнинг от ўрнида келиб, от каби келишик, эгалик ва кўплик қўшимчаларини олиб ўзгариши тушунилади (бу ҳодиса грамматик асарларда **субстантивация** деб юритилади), ваҳоланки, отлашув отдан бошқа истаган сўз туркумига хосдир. Иккинчидан, от билан эганинг сўроқларини бир-биридан фарқ қилмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Чиндан ҳам от билан эганинг сўроқлари бир хил, аммо амалда эса отнинг сўроғи тил ҳодисаси бўлса, эганинг сўроғи нутқ ҳодисасидир, яъни отнинг сўроғи луғавий бирликка, луғавий тушунчага, сўзнинг ҳаётдаги қандайдир шахс, нарса-предмет, воқеа-ҳодисани ифодалашига асосланса, эганинг сўроғи эса гапда истаган сўзнинг бош келишикда келиб, бошқа сўзларга нисбатан ҳоким вазият эгаллаши ва кесим билан синтактик алоқага кириб, шахс-сонда бир бутун предикатив бирлик ҳосил қилишига, мослашишига асосланади. Демак, отнинг сўроғи табиий, доимий бўлса, эганинг сўроғи шартли, вақтли хусусиятга эгадир.

Иккинчи гуруҳ сўзлар борки, улар мустақил сўзларга қарама-қарши ўлароқ, луғавий тушунча

англатмайди, якка ҳолда қўлланмайди, бирор сўроққа жавоб бўлмайди ва гап бўлаги вазифасида ҳам келмайди. Бундай сўзлар **ёрдамчи сўзлар** деб юритилади. Улар гапда синтактик вазифа бажаради, яъни аксарият мустақил сўзларнинг ўзаро боғланиши учун хизмат қилади. Ёрдамчи сўзлар анъанавий уч хил: кўмакчилар, боғловчилар ва юкламалар.

Кўмакчи сўзлар гапда от ёки отлашган сўзларни аксарият феъл билан боғлайди (мактаб томон кетмоқ, яхшилар билан юрмоқ, тинчлик учун курашмоқ, аммо **делегатлар учун концерт, ҳамма нарса инсон учун** кабилар тилимизда кўмакчиларнинг қўлланиш доирасининг кенгайганлигини кўрсатувчи янги ҳодисалардандир), боғловчилар эса гапнинг бир хил бўлакларини ёки қўшма гап таркибидаги бир типдаги содда гапларни ҳамда бош гап билан эргаш гапни ўзаро боғлайди (**китоб** ва **дафтар** - ўқув қуроли; **ҳозир қиш фасли**, бироқ **ҳаво совуқ эмас**; **Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ**, чунки **у мустақил давлат**). Боғловчиларни тушириб қолдириш ёки эса вазифа жиҳатдан ўзига тенг бошқа грамматик восита билан алмаштириш мумкин (**олма ва ўрик//олмаю ўрик//олма билан ўрик//олма, ўрик** - ёз меваси), кўмакчиларни эса тушириб қолдириш мумкин эмас: уларни келишик қўшимчалари билангина алмаштириш мумкин (почта **орқали** жўнатмоқ//почта**дан** жўнатмоқ, қўл **билан** термоқ //қўлда термоқ).

Кўмакчилар асл луғавий маъносини йўқотган мустақил сўзлар ҳисобига кенгайиб борувчи сўзлардир. Бу ҳодиса, айниқса, ўрин ва пайт тушунчасини ифодаловчи сўзлар доирасида кўпроқ учрайди. Уларнинг эгалик ҳамда келишик қўшимчалари билан бирликда қўлланиши грамматик таҳлилда бир оз қийинчилик туғдириши мумкин. Бундай чоғда кўмакчиларнинг мустақил сўзларни ўзаро боғлаш учун қўлланган-қўлланмаганига, луғавий маъносининг йўқолган-йўқолмаганига эътибор бериш лозим. Агар бирор сўз кўмакчи вазифасида қўлланган бўлса, уни келишик қўшимчаси билан алмаштириш аниқроғи кўмакчидаги келишик қўшимчасининг ўзини қолдириш мумкин: **Дорилфунун қошида//дорилфунунда** ошхона бор, **бир соат ичида//бир соатда** бориб келмоқ

Иккинчидан, ундан олдинги сўз келишик қўшимчасини олган бўлса-ю, аммо у сўнгги сўз билан кўмакчисиз грамматик алоқага кира олмаса, уни ташлаш мумкин эмас. Мисолларни чоғиштиринг: **Мен олдин келдим - мен ҳаммадан олдин келдим, бу ерлар илгари пахтазор эди - сен биздан илгари келибсан.**

Мисоллардаги **олдин** ва **илгари** сўзлари биринчи гапларда асл луғавий маъносида қўлланган, шунинг учун **қачон**? сўроғига жавоб бўлса, кейинги гапларда эса кўмакчи вазифасида қўлланган. Афтидан, рус тилининг таъсирида бўлса керак, **мактаб орқасида нима бор, уй ичида ўтирмоқ, театр ёнидан ўтмоқ** каби ўринларда **орқасида, ичида, ёнидан** сўзларини кўмакчи деб қараш мавжуд. Аслида уларни мустақил сўз деб қараш маъқул, чунки уларда асл луғавий маъно йўқолган эмас, шунинг учун мазкур сўзлар ҳам ва улардан олдинги сўзлар ҳам алоҳида сўроққа жавоб бўла олади. Демак, бундай сўзларни тўғридан-тўғри кўмакчи деб қарашдан кўра кўмакчи вазифасида ҳам қўллана оладиган сўзлар деб қараш маъқул. Иккинчидан, бирор сўзни кўмакчи дейишдан бурун ундан олдинги сўздан англашилган объектда сўнгги сўз-кўмакчининг маъносидан англашилган белгининг бор-йўқлигига ҳам эътибор бериш керак. Дейлик, **мактаб**, **уй, сумка** каби сўзлар ўрин белгисига эга, аммо **соат, ҳафта, ой** каби сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас, бинобарин, **бир соат ичида** (чог.: бир соатда) билан **уй ичида** кабиларни тенг деб қарамаслик керак.

Юкламалар гап ёки унинг бирор бўлагига таъкид, сўроқ, кучайтирув, айирув каби маъноларни киритади (айтдим-ку, китоб борми, келди-да, шугина.). Юкламалар ҳам баъзан боғловчи вазифасида кела олади (бир кўриндию қайтиб келмади; китоб**ми**, дафтар**ми** оламан-да: китоб ё дафтар//ё китоб, ё дафтар оламан маъносида). Юкламалар шаклан икки хил бўлади: сўзга тенг юкламалар яъни **сўз-юкламалар** (ҳатто, наҳотки...) ва қўшимчага тенг-қўшимчасимон юкламалар, яъни **аффикс-юкламалар** (-ми, -чи, -а, -ку, -я...).Сўнгги тур юкламалар одатдаги қўшимчаларга ўхшаб сўзга қўшилиб ҳам ёзилади (шуми, келибоқ...), сўздан чизиқча билан айириб ҳам ёзилади (сен-чи, айтдим-ку...), шунинг учун сўзларни туркумларга

ажратишда қўшимчасимон юкламаларни назардан қочирмаслик керак. Масалан, **китобми** шакли турдош от ва сўроқ юкламасидан иборат, бинобарин, бундай мисолларни от дебгина чекланиб қолмаслик лозим.

Модомики, ҳар қандай юклама сўз деб қаралар экан, у ҳолда ўша **китобми** сўзини икки сўздан иборат бўлган қўшма сўз деб қарашга тўғри келади. Бироқ унда битта луғавий тушунча мавжудлигидан ва бу нутқ ҳодисаси бўлганлигидан содда сўз саналади. Аслида ҳар қандай қўшимчасимон юкламани чизиқча билан айириб ёзиш маъқулроқ эди, аммо қўшимчасимон юкламаларни алоҳида олганда олдидан чизиқча билан ёзиш (-ми, -ку...) ҳам, ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёки чизиқча билан ажратиб ёзиш ҳам (бизми, шугина; сен-чи, мен-а...) сўз деб аталувчи ҳодиса табиатига мос эмас. Дарҳақиқат, юкламаларни ёрдамчи сўз деб қараш шартли характерга эга, чунки уларнинг вазифаси мустақил сўз ёки гапларни ўзаро боғлаш эмас (бу айрам юкламаларнинг иккиламчи вазифасидир), балки нутқда турли модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилишдир (айрим асарларда юкламаларни модал сўзлар билан бирликда қарашга эътибор беринг). Демак , юкламаларни сўз деб қараш ҳам рус тилшунослигининг таъсири бўлиш керак. Юкламаларни сўз деб қарар эканмиз, ҳар қандай юкламани одатдаги сўзлар каби ҳеч бир воситаларсиз ёзишни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир, масалан, **ми, ку** каби.

Тилимизда мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг бирортасига айнан мос келмайдиган сўзлар ҳам мавжуд. Бундай сўзларни уч гуруҳга ва айни чоғда уч туркумга бўлишади: модал сўзлар, ундов сўзлар ва тақлид сўзлар. Буларнинг характерли томони шундаки, айниқса, сўнгги икки тур сўзлар ва тақлид сўзлар. Буларнинг характерли томони шундаки, айниқса, сўнгги икки тур сўзларнинг ҳосил бўлиши ва қўлланиши бевосита нутқ жараёни, нутқ юз бераётган шароит ва ундаги объект билан сўзловчи-шахс орасида юз берган муносабат билан боғлиқ. Жумладан, ундов сўзлар кишининг ташқи муҳит таъсири натижасида туғиладиган ҳис-ҳаяжонини, шу таъсирга жавобини - хурсандлик, мамнунлик, севинч, шодлик, хафалик, ачиниш, афсусланиш, жирканиш, норозилик каби

маъноларни билдирса (эх, оҳ, оббо, бай-бай, балли...), таклид сўзлар эса кишининг кўрув ва эшитув аъзоларининг ҳаётдаги мавжуд нарса -ҳодисанинг ҳаракати, нури ва овоз-товушини қабул қилиш даражасига боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган сўзлардир (ялт, йилт, қарс, қирс ...).Шунинг учун айни бир ҳаракат, ҳолат, нур, овоз, товуш бир неча хил ном билан аталаверади. Масалан, тунда юлдуз ёки чироқнинг шуъласини биров "ялт" деб атаса (нарсани аниқ, тўлиқ кўриш), биров "йилт" деб атайди (нарсани ўртача кўриш), яна бири милт деб атаса (нарсани зўрга, ҳира кўриш), кўзи ожиз одам булардан бирортасини айта олмайди. Шунга ўхшаш эшитилган айни бир товуш-овозни биров "қарс" деб атаса (товушни тўлиқ, аниқ ва яқиндан эшитиш), биров "қирс" деб атайди (товушни паст, кучсиз ва узоқдан эшитиш), қулоги гунг ёки эшитмаган одам бу ҳақда ҳеч нарса дея олмайди. Демак, бундай сўзларнинг ҳосил бўлиши шартли характерга эгадир.

Тақлид сўзларнинг яна бир хусусияти шундаки, нарса-ҳодисанинг ҳаракати, ҳолати ёки шуъласини кўриш, товуш-овозни эшитиш даражасини ифодалашда унлилар алоҳида ўрин тутади. Агар кўриш ва эшитиш жараёни нарса-ҳодисанинг ҳаракати, ҳолати, нури ва товуш-овозни тўлиқ, аниқ, бутунича қамраб олса, кенг, очиқ унлилар, агар қисман, аранг, ярим-ёрти қамраб олса, тор, юқори унлилар қўлланади. Мисолларни чоғиштиринг: **ялт - ялт-ялт - йилт, қарс - қарс-қарс - қирс, шалоп - шалоп-шалоп - шилп, баг - биг** ва б. Агар кўриш ва эшитиш жараёни нарса-ҳодисаларнинг турли даражадаги ҳаракати, ҳолати, шуъласи ва товушини бирликда қамраб олса, такрорнинг иккинчи қисмида **у** унлиси қўлланади; **тақ-туқ, қарс-қурс, қасир-қусур, тарс-турс, гарч-гурч** ва б. Бундай чоғда кўплик, умумлаштириш маъноси ифодаланади. Тақлид сўзларнинг бошқа бир белгиси мустақил сўзлар каби қўллана олиш ва улардан феъл ясала олишидир. Масалан: **дук - дук** овоз, **дув-дув** ган, **дукилламоқ** , **биғилламоқ** каби.

Модал сўзлар сўзловчининг гапда ифодаланган фикрга муносабатини - фикрнинг аниқлиги, ноаниқлиги, унга ишониши ёки ишонмаслиги, тахмини, гумонсираши каби маъноларни билдиради (албатта, ҳақиқатан, эҳтимол, дарвоқе, афтидан ...). Модал сўзлар ҳам ўз лугавий

маъносини йўқотган сўзлардир, агар шу маъно йўқолмаган бўлса, модал сўз саналмайди. Дейлик. **сўзсиз** , **табиий** сўзлари модал сўзлар доирасига ўтган бўлса, гапдан англашилган бутун фикрга муносабатни билдиради ва гапдаги бошқа бўлаклар билан грамматик алоқага кирмайди, шунинг учун гапда вергул билан ажратилган бўлади. Агар мустақил сўз сифатида қўлланган бўлса, гапдаги бошқа сўзлар билан грамматик алоқага кириб, бирор синтактик вазифада келган бўлади. Масалан: **Табиий,** Мустақиллик азалий орзумиз эди ва Ўзбекистоннинг **табиий** шароити пахта учун жуда қулай. Кўринадики, **табиий** сўзи биринчи гапда модал сўз, иккинчи гапда эса аниқловчидир.

Хуллас, ўзбек тилида мавжуд бўлган барча сўзлар уч катта гуруҳга ва ўн икки туркумга бўлинади. Бироқ биринчи гуруҳ (мустақил сўзлар) билан иккинчи гуруҳ (ёрдамчи сўзлар) сўзларни умумлаштириб номлашда ҳам, туркумларга ажратишда ҳам барча манбаларда якдиллик бор-у, аммо учинчи гуруҳ сўзлар борасида анча мулоҳазали ўринлар мавжуд. Биринчидан, модал, ундов ва таклид сўзларни бирлаштириб, умумлаштириб ифодаловчи ягона атама йўқ: улар алоҳида гуруҳ деб ҳам, туркум деб ҳам қаралаверади, иккинчидан, модал сўзлар гоҳо юкламалар билан бирликда қаралса (албатта, улар орасида ўзаро яқинлик бор, гоҳо "эсдан ҳам чиқиб қолади", шунингдек уни ёрдамчи сўзлар қаторига ҳам киритиб қўйилади. Биз учинчи гуруҳ сўзларни шартли равишда "алоҳида сўзлар"деб аташни маъқул кўрдик, чунки шунда **мустақил сўзлар**, **ёрдамчи сўзлар** ва **алоҳида сўзлар** деган умумлаштирувчи ном тугилади.

Ҳар бир сўз туркумининг маъно жиҳатдан ички бўлиниши, таърифи, сўроқлари, синтактик вазифаси кабилар ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун тавсия этилган адабиётларга мурожаат қилиниши ёки ҳар ким ўзида мавжуд бўлган асарлардан ўқиб ўзлаштириши лозим. Топшириқ бажарилгач, лексикологиядан берилган қўшимча саволга ёзма жавоб тайёрланади.

Тўртинчи топшириқ сўзларнинг морфологик таркиби - маъноли қисмларини аниқлашга бағишланган. Сўзларнинг маъноли қисмларини аниқлаш тил ҳодисаларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Сўзлар тил ва нутқ бирлиги сифатида морфологик

жиҳатдан икки қисмга бўлинади: луғавий тушунча англатиб, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган қисм ва ўзи ҳа қўлланмайдиган, реал маъно англатмайдиган, аммо сўзга қўшилганда бирор луғавий-грамматик ёки модал маъно ифодаланиши учун хизмат қиладиган қисм.Масалан **билимлилар** сўзи бил-им-ли-лар тарзида тўртта маъноли қисмга бўлинади. Булардан бил- қисми **билмоқ** феълининг иккинчи шахс бирликдаги буйруқ шакли сифатида алоҳида қўллангани ҳолда, қолган -им, -ли, -лар қисмлари эса бундай хусусиятга эга эмас, чунки уларнинг қандай маъно англатиши шу ҳолда маълум бўлмайди - сўнгги шакллар англатадиган маъно ўзлари қўшилган қисм орқали ойдинлашади.

Кўринадики, юқорида қайд этилган барча қисмлар ҳам бирор маънони англатади-ю, бироқ биринчи қисм ифодалаган маънони бевосита шу қисмнинг ўзидан англаганимиз ҳолда, қолган қисмлар: -им, -ли ва -лар қўшимчалари ифодалаган маъноларни эса бавосита, яъни ўзлари қўшилган қисмнинг маъноси орқали англаймиз: -им шакли маъноси бил- ўзаги орқали, -ли маъноси билим- шакли орқали, -лар маъноси эса билимли- қисми орқали маълум бўлади. Шунинг учун бил- **асосий** (ёки етакчи) **морфема** , -им, -ли ва -лар шакллари эса **ёрдамчи морфема** дейилади. Асосий морфема сўзнинг ўзагига тенг келса, ёрдамчи морфема қўшимчага тенг келади, шунга кўра асосий қисм **ўзак морфема** , ёрдамчи қисм **аффиксал морфема** деб юритилади. Бироқ расмий манбаларда айрим сўзларни маъноли қисмларга бўлишда, хусусан, талабаларни ўйлантирадиган ўринлар учраб туради. Шу муносабат билан қуйида бу борадаги баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топамиз.

Сўзларни маъноли қисмларга - морфемаларга ажратиш сўзнинг шаклий кўринишига эмас, балки бирор маъно англашилишига асосланади. Шу жиҳатдан қараганда, сўзнинг қисмлари шакл ва маъно жиҳатдан ўзаро тенг келиши ҳам, тенг келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, **деҳқончилик** сўзини шаклий жиҳатдан **деҳқон-чи-лик** тарзида қисмларга ажратиш мумкин, бироқ нутқимизда **деҳқончи** - шакли қўлланмаганлиги (шу шаклдаги тил бирлиги йўқлиги) ва ундан аниқ бир маъно англашилмаганлигидан: **деҳқон** ва **деҳқончилик**

шаклларигина мавжудлиги учун -чи ва -лик қисмларини бирликда, яъни -чилик шаклида бир бутун қўшимча деб қарашга тўғри келади. Бинобарин, **деҳқончилик** сўзи реал маъно жиҳатдан икки қисмдан: деҳқон- ва -чилик қисмларидан иборат. Қуйидагиларга ҳам диққат қилинг: **бандачилик, богдорчилик, миннатдорчилик, тирикчилик, серобчилик, қимматчилик, улфатчилик.**

Ваҳоланки, **балиқчилик** каби сўзларда -чи ва -лик қўшимчалари айрим-айрим ҳолда мустақил вазифа бажаради ва улар **балиқ-чи-лик** тарзида қисмларга бўлинади, чунки **балиқ, балиқчи** ва **балиқчилик** шакллари ўзича лугавий маъно англата олади. Шунга ўхшаш **ёгингарчилик** сўзи шаклан ёг-ин-гар-чи-лик тарзида морфемаларга бўлинади-ю, аммо ёг-, ёгин- шакллари алоҳида қўллангани ҳолда, ёгингар-, ёгингарчи- шакллари алоҳида қўлланмайди, гарчи -гар, -чи ва -лик шакллари бошқа ўринларда, жумладан, **даъвогар, ёлгончи, болалик** каби сўзларда, махсус ясовчи қўшимча вазифасини бажарса ҳам. Қуйидагиларга ҳам қаранг: **исрофгарчилик, бемазагарчилик, серобгарчилик, одамгарчилик, намгарчилик, меҳмондорчилик, ўсимлик, ўсимта, ёқимли, ёқимсиз** ва б. Демак, сўзларни морфемаларга ажратишда икки хил ёндашиш мумкин: соф шаклий жиҳатдан ва маъно жиҳатдан, бироқ морфема ҳақидаги мавжуд назарияга асосланадиган бўлсак, уни тилимизда мавжуд бўлган ҳар қандай лугавий бирликка нисбатан татбиқ қилавермаслик керак, деб ўйлаймиз. Айниқса, тарихан бошқа тилларда ясалиб, шаклланиб, бизга тайёр ҳолда ўтган ҳар қандай сўзни ўзбек тили далили сифатида морфемаларга бўлиш жоиз эмас. Дейлик, ўзбекча **ишчи, болали** сўзлари билан ўзлашма **актриса, акмеист** сўзининг актр- қисмини, **акмеист** сўзларини бир хилда қисмларга бўлиб бўлмайди. Акс ҳолда сўнгги сўзларнинг актр-, акме- қисмларидан аник лугавий маъно англамаймиз, аммо этимологик таҳлил, ҳусусан, манба тилда қўлланиши ва қисмларга бўлиниши бошқа ҳодиса.

Маълум бўладики, сўзларни морфемаларга ажратиш икки жиҳатдан амалга оширилиши мумкин: тарихий-этимологик жиҳатдан ва ҳозирда англатган маъноси жиҳатдан. Биринчи ҳолатда сўзнинг қадимги шакли, "дастлабки" тузилиши кўзда тутилади ва маъноси ҳам шу

қадимги шаклга асосланади, иккинчи ҳолатда сўзнинг ҳозирги шакли ва ундан англашилган маъноси жиҳатдан қисмларга ажратилади. Модомики, сўзни морфемаларга ажратиш ҳозирги кунда англатган маъносига асосланар экан, демак, морфема деб қаралган ўзак қисмнинг маъноси йўқолмаслиги керак. Бундай чоғда, албатта, сўзнинг қадимги шакли ва маъноси ҳозирги шакли ва маъносига тенг келмаслиги табиий.

Бу нарса ҳозирда бирор ясовчи қўшимча билангина қўлланадиган ва шу холатда бирор луғавий маъно англатадиган тарихан ўзлашма сўзларда яққол кўринади. Масалан, **маданий, сиёсий, сиёсат, идеал, механика, фашизм** каби сўзлар манба тил, яъни этимологик нуқтаи назардан **мадан-ий, сиёс-ий, сиёс-ат, иде-ал, механ-ика** тарзида морфемаларга бўлинса-да, ҳозирги замон ўқувчиси онгида ўзак деб қаралган **мадан-** (арабча: **шаҳар** тушунчаси билан боғлиқ), **сиёс-** (арабча: давлат ёки ҳукмрон синфнинг бошқарув усули, чог.: форсча сиёсаттоҳ: жазо майдони), **иде-**(юнонча идея - ғоя), **механ-** (юнонча: mechane - қурол, қурилма) қисмларининг маъноси мутлақо ноаниқ, баъзиларининг фонетик таркиби ҳам ўзгарган. ҳатто шаклан -изм, -ист қўшимчалари билан қўлланувчи **фашизм, фашист** сўзлари манба тилда ҳам бир бутун тарзда қаралиши қайд этилган, жумладан, "Словарь иностранных слов" (М., 1954) асарида итальянча **fascismo**, **fascista** деб кўрсатилган. Бироқ "Ўзбек тили морфем луғати"да (Т., 1977) юқорида қайд этилган барча сўзлар икки қисмга - ўзак ва ёрдамчи морфемага ажратиб берилган.

Ваҳоланки, **миллат, миллий, камомад, мешкоб, такомил** каби сўзлар бир бутун сўз сифатида қаралган. Шундай экан, нега **маданий, табиий, сиёсий, сиёсат, механик** каби сўзларни ҳам амалий жиҳатдан бир бутун деб қараш мумкин эмас, гарчи ўлар таркибидаги ёрдамчи морфемалар яққол кўриниб турса ҳам. Қатор арабча сўзлар бошида келган а-, ма-, му- ва сўз охирида келган -ат, -от, -т каби унсурлар аслида махсус қўшимча эканлиги маълум, аммо улар ўзбек тили нуқтаи назаридан қўшимча саналмайди, яъни ўзақдан ажратиб қаралмайди, чунки ўқувчи онгида уларнинг реал маъноси англашилмайди. Мисолларга эътибор беринг **мадраса**, **мударрис** (чог.:

дарс), **мукаммал, такомил** (чоғ.: камол, комил); **акобир, такобир, такаббур, мутакаббир** (чоғ.: кабир, кибор); **омонат, баракат, тарбият, жамият; абёт** (чоғ.: байт); **мактаб, мактуб, китобат** (чоғ.: **китоб, котиб**) ва б.

Бинобарин, сўзларни морфемаларга ажратишда ҳозирги шакл билан маъно бирлиги йўқоладиган бўлса, у ҳолда сўзни бир бутун деб қараш керак. Жумладан, қуйидаги сўзларни ўзаро қиёслаб кўринг: **капитализм** ва **фашизм**, **социалист** ва **фашист, инсоний** ва **рубоий.** Шу ўринда ўзак морфемаларни нутқий қўлланиш жиҳатдан **турғун ўзак** (бевосита ўзича, қўшимчасиз қўллана олувчи: бошланмоқ, бошлиқ, бошқарма, бебош, бошчи, бошқарув; кўрмоқ, кўрсатмоқ, кўргазма, кўринмоқ, кўрилмоқ, кўриш, кўрилмаслик каби сўзларнинг бош- ва кўр- қисмлари) ва **боғлиқ ўзак** (бавосита қўлланувчи, яъни сўнгги қўшимчасиз қўлланмайдиган, ўзича маъно англатмайдиган: тирик ва тирилмоқ, қизил ва қизармоқ, семиз ва семирмоқ, тебранмоқ ва тебратмоқ, ёнмоқ ва ёқмоқ, уйғонмоқ ва уйғотмоқ (чоғ.. уйғоқ), ушалмоқ ва ушатмоқ(чоғ.: ушоқ - нон ушоғи), увалмоқ ва уватмоқ (чоғ.: увоқ), уялмоқ ва уят, овунмоқ ва овутмоқ, йиқилмоқ ва йиқитмоқ, юпанмоқ ва юпатмоқ ва б.

Сўнгги гуруҳ сўзларнинг қўшимчалари ва уларнинг вазифалари айнан кўриниб турса-да, аммо ҳозирда ўзак қисми уларсиз қўлланмайди ва аниқ бир маъно англашилмайди, хусусан, юқоридаги сўзларнинг тири-, қиз-, семи-, тебра-, ё-, уйғо-, уша-, ува -, уя-, ову-, йиқ-, юпа- кабиларнинг маъноларини ҳозирги замон ўқувчиси этимологик таҳлилларсиз тушуниб етмайди.

Тўғри, тегишли грамматик асарларда **боғлиқ ўзак** атамаси мавжуд, бироқ уларда мазкур атама остида ўзак билан қўшимча чегараси жиддий ўзгаришга учрамаган, улар нисбатан ажралиб турадиган, ҳатто ўзак айрим қўллана оладиган сўзлар ҳам тушунилаверади. Масалан, эпчил, эпла, боргим, кўргиси, кўргилик, ўсимта, ёқимли ва б.

Сўзларни тил бирлиги ва нутқ бирлиги сифатида таҳлил қилиш мумкин. Масалан, **ер** сўзи тил бирлиги сифатида биргина ўзакдан иборат, аммо уни нутқ бирлиги сифатида морфемаларга "бўлиш" мумкин. Жумладан, **ер ҳайдалди** жумласида **ер** сўзи иккита грамматик маънога, яъни асосий, луғавий маъносидан ташқари, бош келишик

ва бирлик сон маъноларига эга бўлган, бироқ ана шу маъноларни ифодаловчи грамматик кўрсаткич йўқлигидан ўзак сифатида қолаверади. Иккинчидан, сўзларни морфемаларга ажратишда турли хил морфемалар ўртасида ўзаро шаклий ўхшашлик туғилиб қолса (омонимия ҳодисасини эсланг), шаклий ўхшаш элементларга маъно жиҳатдан ёндашиш керак. Агар улар ўртасида маъно жиҳатдан боғланиш бўлса, морфемага ажратиш тўғри, агар маънода боғланиш бўлмаса, морфемага ажратиш нотўғри бўлиб чиқади. Масалан, **ўқимоқ** феълининг ўзаги **ўқ** сўзининг учинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчасини олган шаклига ўхшаш, яъни **ўқи - ва ўқи** шакллари ўзаро шаклан ўхшаш. Бироқ сўнгги сўз **ўқ-и** тарзида икки қисмга бўлинади, шу ташқи ўхшашлик асосида ўқи-шаклини ҳам икки қисмга бўлиб қўймаслик керак. Чунки **ўқимоқ** ва **ўқ** сўзлари ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, чоғиштиринг: ўқи - ўқувчи ва ўқ - ўқчи.

Ниҳоят, айни бир сўзни морфемаларга ажратиш ҳам, бўғинларга ажратиш ҳам мумкин, натижада ҳар икки ҳодиса бир-бирига мос келиб қолиш ҳоллари учрайди: ий-га, ий-да, ий-лар. Бироқ, юқорида кўрганимиздек, сўзни морфемаларга ажратишда маъно ҳисобга олинса, бўғинга ажратишда унли ҳисобга олинади: бир унли бир бўғин ҳосил қилаверади. Шунинг учун сўзлар бир сатрга ёзилгани маъқул, акс ҳолда сўзнинг маъноли қисмларини аажратиш мураккаблашиб қолади. Қуйидагиларга эътибор беринг: **борилади** : бор-ил-а-ди ва бо-ри-ла-ди, **севинчларим:** сев-ин-ч-лар-им ва се-винч-ла-рим.

Амалий жиҳатдан сўзларни маъноли қисмларга - морфемаларга ажратишда сўзнинг охиридан - ўнгддан чапга қараб таҳлил қилиш маъқул. Бу усул, айниқса, кўп морфемали сўзлар учун характер лидир. Масалан, охирги бир бутун қўшимча деб қаралган қисм ташланганда, сўзнинг қолган қисми алоҳида қўлланса ва ундан бирор лугавий, грамматик ёки модал маъно англашилса, демак, тоширик тўғри бажарилган бўлади. Сўзнинг қолган қисми ҳам шу тартибда таҳлил қилинади.

Айтайлик, **ёзувчиларга** сўзини таҳлил қилишда тартиб билан дастлаб -га қисмини ташлаймиз, қолган қисми **ёзувчилар** маълум касбдаги шахсларнинг кўплигини билдиради, сўнгра -лар қисмини ташласак, қолган **ёзувчи** қисми шахс отини билдиради, ундан -чи қисмини ташласак,

қолган **ёзув** қисми иш-ҳаракат номини билдиради ва, нихоят, -ув қисмини ташласақ, қолган **ёз** қисми бир бутун сўз сифатида иккинчи шахс бирликда буйрук маъносини билдиради, демак, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қўллана олади ва ажратилган -га, -лар, -чи, -ув қисмлари бошқа сўзларда ҳам мавжуд. Аммо қолган **ёз** шаклини маъноли қисмларга бўлиш имкони йўқ, акс ҳолда фонетик таҳлилга ўтиб кетилади.

Шундай қилиб, морфема сўзнинг маъноли энг кичик қисмидир. Бироқ нуфузли адабиётларда морфема "сўзнинг энг кичик маъноли қисмидир" деган таъриф кўпроқ учрайди. Бунинг натижасида "кичиклик" белгиси бир бутун сўзнинг қисмларига эмас, балки унинг маъносига тегишли бўлиб қолади. Ваҳоланки, сўзни морфемаларга бўлишда, бизнингча, сўзнинг маъноси эмас, балки бирор маънога эга бўлган қисмлари эътиборга олинади. Агар ёрдамчи морфемалар асосдан ажратиб олинса, уларнинг нутқдаги реал маънолари йўқолади.

Албатта, юқоридаги таъриф биринчи галда мустақил ҳамда ўзак ва қандайдир қўшимчадан иборат бўлган сўзларга нисбатан татбиқ қилинади, ёрдамчи сўзлар эса қандай шаклда бўлмасин, бу қоидадан истисно этилади. Чунки уларнинг на фақат қисмлари, балки бир бутун ҳолатда ҳам ўз луғавий маъносини йўқотган сўзлардир. Шунинг учун **билан, сингари, каби, сари** ва бошқалар морфемавий таҳлил қилинмайди. Иккинчидан, морфемалар худди фонемалар каби тил бирлиги сифатида қаралади, чунки морфема морфлар, яъни форма(шакл)лар йиғиндиси демакдир. Дейлик, жўналиш келишиги қўшимчаси нутқда (ўрни билан ёзма адабий тил манбаларида ҳам) -га, -ка, -қа, -ға, -а, -я каби бир неча шаклда намоён бўлади ва булар **алломорфлар** (қиёс.: аллофонлар) деб юритилади. Демак, морфема нутқда реаллашувчи алломорфлар йиғиндисини акс эттирувчи ягона бирликдир.

Ёрдамчи (аффиксал) морфемаларни маъно ва вазифа жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб қараш одат эди, бироқ сўнгги йилларда босқичли тасниф юз берди, яъни дастлаб икки гуруҳга бўлиш: **сўз ясовчилар** ва **шакл ясовчилар**, сўнгра шакл ясовчиларни ўз навбатида **категориал** ва **нокатегориал** турларга ажратиш бошланди. Аммо,

бизнингча, ўзбек тилидан мутахассислик берилмайдиган филологик соҳаларда аввалги тасниф талабалар учун бирмунча қулай ва тушунарлироқ кўринади, шунинг учун қўшимчаларни одатдагича уч гуруҳгаа бўлиш лозим топилди:

а) сўз ясовчи қўшимчалар;

б) сўз ўзгартирувчи қўшимчалар;

в) шакл ясовчи қўшимчалар.

Аслини олганда, **сўз ўзгартирувчилар** атамаси баҳс талаб ҳодиса, бироқ айни чоғда **шакл ясовчилар** атамаси ҳам мукаммал эмас, чунки ҳар қандай қўшимча ҳам сўзнинг бирор шаклини ҳосил қилади, дейлик: **иш, ишчи, ишчилар, ишни, ишим** ўзига хос алоҳида-алоҳида шакллардир.

Сўз ясовчи ҳўшимчалар тилда янги сўз ҳосил ҳилади, бинобарин, тил луғат қатламининг бойиши учун хизмат қилувчи воситалардандир. Улар сўзнинг луғавий маъносини ўзгартиради ва янги тушунча ифодалайдиган луғавий бирлик яратади. Бундай ҳодиса тўртта мустақил сўз туркуми доирасида учрайди, яъни от, сифат, феъл ва равиш ясалишида қўлланадиган ясовчи қўшимчалардир. Масалан, -чи, -к, -им, -каш, -кор, -зор,-боз, -бон, -оқ кабилар от ясовчи (кўнчи, курак, билим, чизмакаш, пахтакор, бедазор, дорбоз, дарвозабон, ётоқ); -ли, -чан, -чоқ, ба-, бе-, но-, сер - кабилар сифат ясовчи (мевали, уятчан, мақтанчоқ, бадавлат, беномус, носоғлом, серҳаракат); -а, -ла, -са, -сира,-ар, -ай, -и кабилар феъл ясовчи (қонамоқ, эркаламоқ, сувсамоқ, уйқусирамоқ, кўкармоқ, камаймоқ, бойимоқ);-ча, -ан,-лай,-она, -ларча кабилар равиш ясовчи (форсча, тамоман, тириклай, мардона, дўстларча) қўшимчалар саналади.

Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар нутқ билан боғлиқ бўлиб, гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши, сўз бирикмаси ва гапларнинг ҳосил бўлиши учун хизмат қилувчи грамматик воситалардир. Булар отлардаги келишик, эгалик ва феъллардаги шахс-сон, замон ва майл қўшимчаларидир. Бундай қўшимчалар гапда синтактик вазифа бажарувчи, яъни грамматик маъно ифодаловчи воситалардир. Масалан: **менинг уйим, сенинг аканг; далага бормоқ, уйда ўтирмоқ; мен ўқидим, биз ўқидик** ва б.

Шуни айтиш керакки, феъллардаги шахс-сон, замон ва майл қўшимчалари ҳамиша бир-бирини тақозо қиладиган ва бир вақтда мавжуд бўладиган ҳодисаларни ифодалайди.

Айрим манбаларда, дейлик, ўтган замон маъносини ифодаловчи -ди кўрсаткичи шакл ясовчи деб қаралади. Бироқ унинг умуман шакл ясашини инкор этмаган ҳолда, таъкидлаш лозимки, ўша -ди кўрсаткичи, масалан, **автобус келди** жумласида замон тушунчасини ифодалаш билан бирликда аниқлик майли билан учинчи шахс бирлик маъносини ҳам ифодалайди. Шунинг учун эга билан кесим муносабатини шакллантириб, фикрни якунлашга, гап ҳосил бўлишига ёрдам беради. Ёки **мен ўқий //борай** кабилардаги -(а)й каби буйруқ майли қўшимчаси ҳам гапни шакллантирувчи грамматик воситадир.

Маълумки, гап соф грамматик ҳодисадир, ваҳоланки, бўлишсизлик, равишдош, эркалаш-кичрайтириш, кўплик, сонлардаги турли қўшимчалар ва бошқалар, гарчи нутқий ҳодиса бўлса-да, грамматик жиҳатдан аниқ бир сўзни қатъий талаб қилмайди, яъни грамматик вазифа бажармайди (мисолларга диққат қилинг: китоб ўқи - китоб ўқима), феъллардаги даража, ҳаракат номи, инфинитив қўшимчалари эса ўзак-негиз маъносини ўзгартирмаса-да тил бирлиги сифатида луғатларда акс эттирилади: **ювинмоқ, ювилмоқ, ювдирмоқ, ювишмоқ, ювиш, ёзув, кўрсатув**. Нутқда ҳатто эгалик қўшимчалари ҳам модал маъно ифодалай олади, аммо бу билан улар шакл ясовчи саналмайди. Масалан, катталар ёшларга, дейлик, "Қизим, касса очиқми?" деб мурожаат қилганда ёки уларни "Ҳа, боласи тушмагур!" деб койиганда, грамматик жиҳатдан эгалик маъноси ифодаланмайди.

Шакл ясовчи қўшимчалар, юқоридаги қўшимчаларнинг акси ўлароқ, сўзнинг луғавий маъносини ўзгартирмайди ҳам, сўзларни ўзаро боғламайди ҳам, балки сўзнинг луғавий маъносига ҳар хил қўшимча ва модал маънолар киритади. Булар отлардаги кўплик, ҳурмат (-лар), эркалаш-кичрайтириш, тингловчини ўзига ва ўзини унга яқин олиш (-ча, -хон, -жон, -ой), сифатлардаги даража, белгини кучайтириб ёки камайтириб кўрсатиш (-роқ, -ич, -иш, -(и)мтир), сонлардаги чама, жамлик, доналик, тартиб, тақсим маъноларини ифодаловчи (-тача, -ов, -ала, -та, -тадан, -(и)нчи), феъллардаги бўлишсизлик (-ма), сифатдош (-ган ..., -(а)р ...), равишдош (-гач, -б...), даража (нисбат)

қўшимчала-ри (-т, -н, -тир, -дир...), гумон олмошларини ҳосил қилувчи -дир, алла- кабилар шакл ясовчи қўшимчалар саналади.

Ёрдамчи морфемалар ҳозирги тузилиши жиҳатдан **содда** (битта қўшимчадан иборат: -к, -ин, -да, -м, -лар, -ла...) ва **қўшма** (икки ва ундан ортиқ қўшимчалар йиғиндисидан иборат бўлиб, бир бутун ҳолда бирор луғавий-грамматик ёки модал маъно ифодалайди: -моқда, -моқчи, -чилик, -гарчилик, -даги, -лилик...), тарихий-этимологик жиҳатдан **ўзбекча**, яъни туркий (-чи, -ик, -м, ли...) ва **ўзлашма** (бе-, но-, -ан, -вий, -ий, -ал, -ист, -изм...), сўзга қўшилиш ўрни жиҳатдан эса **олдқўшимча** (префикс), **оралиқ қўшимча** (инфикс: бу ўзбек тилида йўқ даражада) ва **ортқўшимча** (суффикс) каби турларга бўлинади.

Ўзбек тилида белгини кучайтириб кўрсатувчи қўшимчасимон шаклларни ҳисобга олмаганда, олдқўшимчаларнинг ҳаммаси ўзлашмадир, аниқроғи форсча-тожикчадир. Ортқўшимчалар ўзақдан сўнг қўшиладиган ҳар қандай қўшимчадир. Булар ўзбек тили манбаларида **суффикс** деб юритилса-да, аслида, дейлик, рус тилидаги суффиксга айнан тенг эмас. Шу жиҳатдан ўзбекча **ортқўшимча** атамаси маъқул туюлади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида **оралиқ қўшимчалар** (инфикс) ҳинд-оврўпо тилларига хос ва ўзбек тилида йўқ деб қаралади. Бу фикрни биз мутлақо инкор этмаймиз, чунки инфикс флектив тилларга хос ҳодиса. Аммо ўзбек тилида, гарчи флектив тилларга хос инфикс характерига айнан мос келмаса-да, шундай қўшимчалар борки, уларсиз сўз на луғавий, на грамматик жиҳатдан шаклланади. Бу ўринда биз -н- ва -ни- элементларини кўзда тутамиз. Булар, одатда, унли билан тугаган кўрсатиш олмошлари доирасида учрайди. -н- элементи **бу**, **у**, **шу**, **ўша** олмошларига -га, -да, -дан, -дай, -дек, -ча, -чалик, -дақа қўшимчалари қўшилганда учрайди. Шу қўшимчаларни олган олмошларни морфемаларга ажратишда ўзакни ҳозирги кун нуқтаи назаридан **бун**, **ун**, **шун**, **ўшан** тарзида қараш амалий жиҳатдан тўғри эмас, чунки бундай "ўзак" лар нутқимизда қўлланмайди.

Шунингдек -ни- элементи ҳам мазкур олмошлар

доирасида кузатилади, аммо бу ҳодиса ана шу олмошлар эгалик қўшимчалари билан турланганда учрайди: **буним**, **бунинг**, **буниси** каби. Кўринадики, бундай чоғда юқоридаги олмошлар отлашган бўлади. Юзаки қараганда, **бунинг**, **шунинг** кабилар мазкур олмошларнинг қаратқич келишиги қўшимчасини олган шаклига ўхшайди, бироқ олмошларнинг юқоридаги шакли гапда эга вазифасида келса, сўнгги шакли эса қаратқич аниқловчи вазифасида келади, масалан: **бунинг нима** ва **бунинг ярми** каби. Қуйидагиларга ҳам эътибор беринг: **қайсиниси**, **қайсиси** (Т.Малик), шеваларда: **наригиниси**, **наргилиси**, аммо **ичинда**, **ичина** кабилардаги **н** товуши фонетик ҳодисадир.

Энди юқорида эслатилган элементлар тарихан ана шу олмошлар таркибидаги **л** товуши билан боғланадими-йўқми ёки бошқа бир ҳодисанинг қолдиғими - бу этимо-логик-тадқиқот вазифасидир. Биз эса уни ўзбек тили далиллари асосида флектив тиллардаги инфиксга айнан мос келмаслигини ҳисобга олган ҳолда, **оралиқ қўшимча** деб атасак, ҳеч нима ютқизмасак керак ёки дейлик, **бу** ҳам ўзак, **бун**- ҳам ўзак десак, ўринсиз савол туғилмайдими? Масалан, "Ўзбек тили морфем луғати"да мазкур олмошларнинг тегишли қўшимчаларни олган шаклларини морфемаларга ажратишда уч хил ҳолатни кўрамиз: а) **унақа**, **унақанги**, б) **ўша/н/дай**, **ўша/н/ча**, в) **бун/дай**, **бун/ча**, **ун/дай**, **ун/га-бун/га**, **шун/ақа**, **шун/дай**, **шун/ча** ва б.

Шуни ҳам эслатиш керакки, ундош билан бошланувчи айрим қўшимчалар ундош билан тугаган сўзларга бевосита қўшила олмайди. Бундай чоғда мазкур қўшимчаларнинг унли билан бошланувчи варианти қўлланади. Ана шу вариант бошидаги унли ҳам тарихан асос билан қўшимчани бирлаштирувчи, сўзни шакллантирувчи восита вазифасини бажаради. Масалан: **уй+и+м**, **уй+и+нг**, **уй+и+миз**, **уй+и+нгиз**, **бор+а+й**, аммо **бола+м**, **бола+нг**, **бола+миз**, **бола+нгиз**, **ишла+й**. Эҳтимол, равишдошнинг -а, -иб шакллари, сўз ясовчи - й, -р кабиларнинг унлили вариантлари ҳам юқоридаги ҳодиса билан боғлаанса ажаб эмас: **бориб+б**, **бор+а+ман**, **бор+а+диган**, **кам+а+й** (чоғ.: қора+й), **тор+а+й**, **киз+а+р** (чоғ,:

қизил, қизимоқ). Балким, -(а)р сифатдошини ҳам назардан соқит қилмаслик керакдир: **бор+а+р** ва **ўқи+р**. Дарвоқе, сифатлардан феъл ясовчи -й қўшимчаси тарихан -р шаклидан туғилганлиги маълум. Масалан: Хазон япроғи янглиг гул юзунг ҳажрида **сарғардим** (Бобур). Бугина эмас, равишдошнинг -й шакли сўзни шакллантирувчи орттирма товуш сифатида сўнгги даврларда қатъийлашганга ўхшайди. Масалан, З.М.Бобур шеърларида бу борада икки хил ҳолат мавжуд:

Қолгон кўнглумни **олгасен** бот, Олғон назарингни **солгасен** бот.

Ва айни чоғда бўлишсизликда: Ҳар ишда шитоб **қилмагайсен**, Бу тавр итоб **қилмағайсен**.

Хуллас, далиллар ўзбек тилида ўзига хос оралиқ қўшимчалар тарихан мавжудлигини кўрсатади. Бинобарин, бир тил далиллари асосида яратилган таъриф ва атамаларни бошқа тилга ўринли-ўринсиз татбиқ қилиш ижобий ҳодиса эмас, чунки бундай чоғда биз истасак-истамасак, ягона тил яратиш назарияси эсга тушади. Агар ўзбек тилшунослиги ҳам оврўпо тилшунослиги каби бир неча асрлар мобайнида изчил ва мунтазам ривожланиб келганда эди, биз бошқача ҳодисанинг гувоҳи бўлар эдик.

Маълумки, нутқда товуш ўзгаришлари - фонетик ўзгаришлар юз бериб туради. Бу ҳодиса морфемалар таркибида ҳам кўзга ташланади. Фонетик ўзгариш натижасида морфемалар шаклан ўзгаради,лекин бу ўзгариш сўзнинг туб луғавий маъносига таъсир этмаслиги мумкин. Мисолларга эътибор беринг: **оқга - оққа, боғга-боққа; элак - элаги, ўғил - ўғли, қўшиқ - қўшиғи; меннинг - менинг, сенни - сени; бир - битта, икки - иккови//иккаласи**. Бу ҳодиса баъзан сўз ясалишида ҳам учрайди: **улуг - улгай, оғиз - оғзаки, сариг - сарғай, паст - пасай, суст - сусай**. Мазкур жуфтликларнинг фонетик ўзгаришга учраган сўнгги шаклларини морфемаларга ажратишда ўзак ва қўшимча ўқувчи тасаввурида деярли аниқ сезилиб туради, дейлик, **улг** - шакли ўзакни тушунишга халал бермайди.

Шу сабабдан сўзларни морфемаларга ажратишда фонетик ўзгаришларга, морфемалар ўртасидаги шаклий

ўхшашликларга (омонимия ҳодисасини эсланг) эътибор бериш, айниқса, сўзларни морфемаларга ажратиш билан бўғинларга ажратишни қориштириб юбормаслик керак. Масалан, **ўқувчи** сўзи **ўқу-в-чи** (ўқи-в-чи) тарзида уч морфемага, **билагим**, **қайноқ** сўзлари (билак-им, қайна->қайноқ) сўзлари билаг-им, **қайно-қ** тарзида икки морфемага бўлинади, бўғинга эса улар **ў-қув-чи**, **би-лагим**, **қай-ноқ** тарзида бўлинади. Бу ўринда **в** товушидан олдин келган **и** товушининг лабланган **у** товушига, **в** ҳамда **қ** товушларидан олдин келган **а** товушининг лабланган **о** товушига, унли билан бошланган эгалик қўшимчаларидан олдин келган **к** товушининг **г** товушига, **қ** товушининг **г** товушига айланиши, иккинчи ёпиқ бўғиндаги қисқа **и**, у унлиларнинг эгаликда, **мен**, **сен** олмошларининг қаратқич ва тушум келишикларида турланганда бир **н** товушининг, шунингдек айрим сўз ясовчи ва шакл ясовчилар қўшилганда, охирги ундош товушнинг тушиб қолиши кабилар адабий меъёр саналади. Дарвоқе, оғзаки нутқда **билаким**, **қайнақ** кабилар ҳам учраб туради.

Морфемалар таркибидаги фонетик ўзгариш тарихан қўшма сўзларнинг иккинчи қисмида кўпроқ учрайди. Масалан, **кўкат**, **йўқотмоқ**, **йўқолмоқ**, **сабзавот** каби сўзлар таркибидаги ёрдамчи морфемалар: -ат, -от, -ол, -вот шакллари бир бутун сўздан иборат, яъни **кўк+ўт - кўкўт - кўкат**: сингармонизм қонунига кўра тил оҳангдошлиги асосида " қаттиқ" ўзак-сўз тил олди товушларидан иборат бўлган қўшимчага айланган. Шундай ўзгариш **йўқолмоқ** ва **йўқотмоқ** сўзлари таркибида ҳам юз берган: **бўлмоқ** ва **этмоқ** феъллари қаттиқ ўзакка мослашган. Сўнгги **сабзавот** сўзида, бизнингча, **кўкат** сўзидаги ўзгариш юз берган. Бу сўз луғатларда форсча-тожикча деб кўрсатилса-да, бизнингча, сўзнинг биринчи қисмигина ўзлашма бўлиб, охирги - вот қисми ўзбекча, яъни **ўт** сўзининг кенгайган шаклидир. Фарқ шундаки, ўзбек тилида икки унлининг ёндош келмаслиги қонунига кўра икки сўз ўртасида **в** ундоши орттирилган ва унинг таъсирида тил орқа лабланган **ў** товуши қуйи даража лабланган кенг **о** унлисига ўтган: **сабза+ўт сабзаўт - сабзавот.**

Бу ерда яна бир ҳодиса намоён бўлмоқда: от-сўздан

ҳосил бўлган қўшимчалар от ясамоқда: **кўкат, сабзавот**; феъл-сўздан ҳосил бўлган қўшимчалар эса феъл ясамоқда: **йўқолмоқ, йўқотмоқ**, чоғ.: бўшатмоқ. Қарангки, мустақил феъл-сўзлар қўшимчага айланса-да, ўтимли-ўтимсизликни сақлаган.

Топшириқни бажаришда морфемаларнинг турини бир-биридан ажратиб кўрсатиш лозим. Бунинг учун асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи морфема остига икки чизиқ чизилади. Морфемаларни бир-биридан ё тик чизиқ билан, ёки чизиқча билан ажратиш мумкин: **тер/им/чи/лар/га** ёки **тер-им-чи-лар-га**. Бу борада янглишмаслик учун морфемаларга бўлинувчи ҳар бир сўзни дастлаб қораламада ишлаб олиш маъқул. Сўзлар морфемаларга ажратиб бўлингач, бирор хусусияти талаб қилинган қўшимчалар устига тавсия этилган шартли белгилар қўйиб чиқилади. Дарвоқе, сўзларни морфемаларга ажратишда ҳар бир мустақил сўзнинг мавжуд, реал шаклини ҳисобга олиш етарли. Масалан, **китоб ўқимоқ** бирикмасида **китоб** сўзи бирлик ва тушум келишигида, бироқ ана шу сон ва келишик белгилари мавжуд эмас, шунинг учун **китоб** сўзини қолдириб кетиш ёки ўзак морфема сифатида белгилаб қўйиш мумкин.

Бешинчи топшириқ гапда от ёки отлашган сўзларнинг грамматик маъноларини аниқлашни кўзда тутади.

Маълумки, от тил луғат қатламининг асосий қисмини ташкил қилади. Унинг муҳим грамматик белгиси англана бўйича келишик, эгалик ва кўплик категорияларига эгалигидир. Мазкур категориялар сўзга тегишли грамматик кўрсаткичларнинг қўшилиши орқали намоён бўлади. Сўзларнинг нутқ жараёнида ўзаро боғланиш учун грамматик жиҳатдан ташқи ўзгариши грамматик маънонинг ифодасидир. Грамматик маъно умумлашма, мавҳум характерга эга бўлса, грамматик кўрсаткич ана шу умумлашма маънонинг аниқ кўринишидир. Грамматик маъно сўзнинг лугавий-семантик маъносига нутқ жараёнида қўшиладиган иккиламчи, қўшимча маънодир. Масалан, **олма гуллади** жумласида **олма** сўзининг лугавий маъноси меванинг бир турини билдириш бўлса, **гуллади** сўзининг лугавий маъноси иш-ҳаракатнинг бир

кўринишини ифодалашдир. Бундай маъноларни ифодаловчи сўзлар тил бирлиги сифатида бизнинг хотирамизда сақланади, бироқ нутқда шу маъноларнинг ўзигина ифодаланиб қолмайди, балки сўзларнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўладиган маънолар ҳам қўшилади. Ана шу **олма** сўзи келтирилган жумлада морфологик жиҳатдан бош келишик ва учинчи шахс бирлик сон маъноларига, **гуллади** сўзи эса учинчи шахс, бирлик ва яқин (аниқ) ўтган замон ҳамда аниқлик (ижро) майли маъноларига эгадир. Мазкур маънолар юқоридаги сўзларнинг грамматик маъноларидир. Бундан ташқари, ҳар икки сўзнинг шахс ва сон жиҳатдан ўзаро бирикиши натижасида гап ҳосил бўлган ва шу ўринда **олма** сўзи эга вазифасида, **гуллади** сўзи кесим вазифасида келган.

От тил бирлиги сифатида турғун ҳолатга эга бўлса, от бўлмаган сўзларнинг отлашуви динамик характерга эга, яъни отдан бошқа сўзларнинг отлашуви (бу ҳодиса **субстантивация** деб юритилади) нутқ жараёнида юз берувчи ҳодисадир. Бундай чоғда отдан бошқа ҳар қандай сўз от каби келишик, эгалик ва кўплик қўшимчаларини олиб, ким?, нима? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Отлашган ҳар қандай сўз гапда от каби эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи, шунингдек ундалма вазифаларида келади.

Ўзбек тилида олтита келишик (бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш) ҳамда уч шахс ва икки сонга эга бўлган эгалик категорияси мавжуд. Келишик ва эгалик қўшимчалари нутқда икки сўзнинг ўзаро боғланиши учун хизмат қилади, лекин ҳар бир келишик ва эгалик ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, қаратқич келишиги билан эгалик ҳамиша бир-бирини тақозо қилади, шунинг учун уларнинг бирисиз иккинчисини аниқлаш мумкин (мисолларни чоғиштиринг: **мактаб боғи** ва **бизнинг мактаб**).

Қаратқич билан эгалик қўшимчалари икки от ёки отлашган сўзларнинг ўзаро грамматик муносабатини билдиради, яъни ўзаро боғлайди (боланинг ўйинчоғи, кўрганнинг гапи, одамнинг яхшиси, кўпларнинг бири) ва улар ифодаланиш жиҳатдан қуйидаги кўринишда бўлади: от + от, от + отлашган сўз, отлашган сўз + от, отлашган

сўз + отлашган сўз. Мисоллардан кўринадики, гоҳо келишик қўшимчаси ҳам, эгалик қўшимчаси ҳам қўлланмаслиги мумкин. Бундай чоғда келишик қўшимчаси қўлланмаган бўлса, қаратқич белгисини олган сўзга мурожаат қилинади.

Нутқда қаратқич келишиги қўшимчасигина эмас, балки шу келишикда келган сўз ҳам кўпинча тушиб қолади, бироқ эгалик қўшимчаси қаратқич келишигида келган сўзнинг ишораси бўлганлигидан, у орқали гапда реал қўлланмаган қаратқич келишигидаги сўзни аниқлаш мумкин. Масалан, **акам келди** , **боғимиз катта** каби ўринларда -м қўшимчаси **менинг** , -имиз қўшимчаси эса **бизнинг** сўзларини кўрсатиб турибди. Эгалик ва қаратқич кўрсаткичларининг нутқда тушиб қолиши, одатда, учинчи шахс доирасида кузатилади: қаратқич белгисининг тушиши учинчи шахс бирлик ва кўпликда учрайди (инсон фарзанди, болалар боғчаси), эгалик белгисининг тушиши эса учинчи шахс кўпликда учрайди: **бизнинг оила** , **бизнинг Ватан** .

Қаратқич келишигининг кўрсаткичи қўлланган бўлса, **белгили қаратқич** ва қўлланмаган бўлса **белгисиз қаратқич** дейилади. Худди шу фикрни эгалик қўшимчаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин: **белгили эгалик** ва **белгисиз эгалик** .

Агар ҳар икки тур қўшимча қўлланмаган бўлса, сўзнинг синтактик вазифаси ва луғавий маъносида ўзгариш юз беради, чоғиштиринг: **пахта терим** ва **буғдой ранг** . Қаратқич келишигининг қўлланмаган кўриниши шаклан бош келишикка мос келади, бироқ бундай "бош" келишикдаги сўз билан грамматик муносабатга киришган сўз эгалик қўшимчасини олган бўлса, белгисиз қаратқич, агар кесим билан шахс-сонда мослашган бўлса, чиндан ҳам бош келишикда келган бўлади. Шунинг учун биринчи ҳолатда қаратқич аниқловчи, иккинчи ҳолатда эса эга вазифасида келади. Келишик белгиси қўлланса, объектнинг аниқлиги, таъкидлаш, уқтириш, қарашлилик, қўлланмаса хослик, умумийлик маъноси ифодаланади: **китобнинг баҳоси** ва **пахта даласи** .

Тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари от ёки отлашган сўзларнинг феъл билан боғланиши учун хизмат қилади, бироқ тушум

келишигидаги сўз ўтимли феъл билан боғланса, қолган келишиклардаги сўзлар эса ўтимсиз феъл билан боғланади (уйни ясатмоқ, боққа бормоқ, залда ўтирмоқ, даладан келмоқ). Тушум келишиги ҳам қаратқич келишиги каби белгили ва белгисиз қўлланади ва шунга кўра **белгили тушум** ва **белгисиз тушум** дейилади. Биринчи ҳолатда сўздан англашилган нарса-ҳодисанинг аниқлиги, унинг тингловчи билан сўзловчига олдиндан маълумлиги, бир турдаги объектлардан бирини ажратиб, айириб кўрсатиш маънолари, иккинчи ҳолатда эса умумийлик, жамлик, нарса-ҳодисаларни ажратмай аташ маъноси ифодаланади. Масалан, **китобни ўқи** ва **китоб ўқи** . Биринчи мисолда тингловчининг қўлидаги, мавжуд ва иккала томонга маълум бўлган китобни ўқишга буйруқ, ҳаракатни таъкидлаш (бажариладиган амал), иккинчи мисолда эса қандайлигидан қатъи назар, умуман китоб ўқишга, бекор юрмасликка, билим олишга ундаш (иш-ҳаракатнинг бажарилиши тингловчининг хоҳишига боғлиқ) маъноси ифодаланади (чет тиллардаги аниқ ва ноаниқ артиклларни эсланг).

Одатда, адабий тилда қаратқич келишиги -нинг ва тушум келишиги -ни белгилари орқали ифодаланади, бироқ жонли тилда (гоҳо ёзма манбаларда ҳам) ҳар икки келишик кўпинча биргина -ни шакли орқали ифодаланади. Бундай чоғда шу шаклни олган сўз билан грамматик алоқага киришган сўзга эътибор берилади. Агар ўша сўз от ёки эгалик қўшимчасини олиб отлашган бўлса, олдинги сўз қаратқич келишигида бўлади ва -нинг ёзилади, агар сўнгги сўз ўтимли феъл бўлса, олдинги сўз тушум келишигида бўлади ва -ни ёзилади. Иккинчидан, баъзан ҳар икки келишик ёзма манбаларда, хусусан, шеърий асарларда қисқарган -н шаклида ҳам учрайди: **кўз нурин тўкиб** , **ўз халқин бойлиги** каби.

Келишик қўшимчасининг тушиши жўналиш келишиги доирасида ҳам учрайди. Бундай чоғда сўзнинг охирги бўғинида фонетик ўзгариш бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Биринчи ҳолатда охирги ундошда кучсизланиш, тушиш, унли товушда чўзилиш каби ҳодисалар юз беради: Кет десанг, **Қашқар кетай** ... (қўшиқдан); **бозор бормоқ** , **кино : кетмоқ** .

Ўрин-пайт келишиги қўшимчасининг тушиши, одатда, пайт маъносини билдирувчи сўзларда учрайди,

лекин юқоридаги фонетик ўзгаришлар сезилмайди: Деҳқон бўлсанг, **куз ҳайда** , **куз ҳайдамасанг** , юз ҳайда (мақол). Далага **баҳор борамиз** . Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин **қиш ёги** келолмас (З.М.Бобур).

Белгисиз қўлланган тушум ва жўналиш келишикларини аниқлашда шу келишиклардаги сўзларни бошқариб келаётган феъларнинг луғавий маъносига, хусусан, ўтимли-ўтимсизлигига эътибор берилади. Агар феъл ўтимли бўлса, иш-ҳаракатнинг объектга бевосита ўтишини билдириб, ким(лар)ни?, нима(лар)ни? ва қаер(лар)ни? сўроқларидан бирига жавоб бўлувчи сўзни талаб қилади. Бундай чоғда бошқарилувчи сўз тушум келишигида бўлади. Агар феъл ўтимсиз бўлса, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, пайти, бошланиш нуқтаси, йўналиш томонини билдириб, қачон?, қаерга?, қаерда?, қаердан? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлувчи сўзни талаб қилади. Жумладан, феъл иш-ҳаракатнинг бирор томонга йўналишини билдирганда, у билан грамматик алоқага кирган сўз жўналиш келишигида бўлади.

Келишиклар белгисиз ифодаланганда, қуршовдаги сўзларнинг луғавий-семантик маъноларига ҳамда улардаги грамматик кўрсаткичларнинг қандай вазифа бажаришига ҳам эътибор берилади. Жумладан, келишик ва эгалик қўшимчалари ўз маъносини йўқотган бўлса, грамматик вазифа бажармайди: улар ё модал маъно ифодалайди, ёки ясовчи воситага айланган бўлади. Масалан: **тез//тезда// тездан** етиб бормоқ, **ёппасига** тўйга чақирмоқ, далани **кўндаланга** ҳайдамоқ, **бирданига** савол бермоқ, **соат бирга** етиб келмоқ - акаси билан **бирга** бормоқ; машина **бирдан** тўхтаб қолди-соат **бирдан** ошди; мен **кунига** ишга бораман - мажлис **жума кунига** белгиланди.

Эгалик қўшимчалари ҳам грамматик вазифа бажаради, ҳам бирор шахс ёки предмет, нарса-ҳодисанинг уч шахсдан бирига тегишлилигини, мансубликни, қарашлиликни билдиради. Бунда уч шахс (биринчи, иккинчи ва учинчи шахс) ва икки сон (бирлик ва кўплик) мавжуд, аммо бундаги сон тушунчасини отлардаги сон категорияси билан боғлиқ бўлган сон тушунчасидан фарқлаш лозим. Отлардаги сон тушунчаси шахс ёки нарса-предметнинг якка ёки миқдоран кўплигини билдирса, эгаликдаги сон эса қаратувчи-қаралмиш маъноси билан боғлиқ бўлган сонни билдиради.

Грамматик шакл жиҳатдан отлардаги кўплик -лар кўрсаткичи орқали, бирлик эса ана шу кўрсаткичнинг шаклан қўлланмаганлиги билан ифодаланади, эгалиқдаги шахс ва сон эса сўзнинг унли ёки ундош товушга тугашига қараб, бирликда -(и)м, -(и)нг, -и//-си, кўпликда -(и)миз, -(и)нгиз, -лар-и кўрсаткичлари орқали ифодаланади: **болам , уйим ; боланг , уйинг ; боласи , уйи ; боламиз , уйимиз ; болангиз , уйингиз ; болалари , уйлари** . Бу жиҳатдан -лар қўшимчасининг икки ҳодисада иштирок этишини кўрамиз, лекин ҳар икки ҳолатда ҳам грамматик вазифа бажаришдан кўра кўпроқ семантик вазифа бажаради. Ва чиндан ҳам у ўзбек тилида рус тилидаги каби вазифа бажармайди, яъни **птицы поют** , **новые книги** , **дороги открыты** каби боғланишда иштирок этмайди. -лар қўшимчаси на ҳоким сўзнинг, на тобе сўзнинг грамматик белгиси эмас. Шунинг учун у тобе сўзга ҳам, ҳоким сўзга ҳам якка ҳолда қўшилаверади: **ҳосилдор ерлар** (чоғ.: плодородные земли), **ерларни ҳайдаш** , **ерлар ҳайдалди** . Ҳозирги замон ўзбек адабий тили учун **ерлар ҳайдалдилар** каби ҳолат характерли эмас.

Гапнинг эгаси инсон тушунчасини билдирувчи сўзлардан бўлганда, кесимнинг кўплик қўшимчасини олишини ҳам қатъий грамматик ҳодиса дейиш қийин, шу сабабдан кесимнинг кўпликда қўлланиши факультатив характерга эга: **болалар келдилар//болалар келди** . Аммо эски ўзбек тилида биринчи ҳолат устун бўлса, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида эса иккинчи ҳолат устунлик қилади. Мисолларга эътибор беринг: **Алар** манъ қилиб **айттилар ким** ...(А.Навоий). Ҳар ерда борғон-кўрган **навкарларим йиғилдилар** (З.М.Бобур) ва **Жувонлари ўқийди** ялла, **Келинлари айтади** алла. Пазандаси ёпади ширмон, **Қарилари** кутади меҳмон (Ҳ.Олимжон). Айни чоғда -лар эски ўзбек тилида улуғ кишиларни ҳурматлаш учун фаол қўлланади: **Ул ҳазрат** табассум қилиб **айттиларким** ... (А.Навоий).

Эга инсон тушунчасини ифодаламайдиган сўзлардан бўлганда, кесимнинг кўпликда бўлиши, масалан, Улуғ мотамга бепарво қолишни истамагандек, осмондан **булутлар** ҳам дувдув **томчилар қуйдилар** (Ойбек. "Навоий" романи) каби гап қурилиши ҳозирги адабий тилимиз учун сунъий туюлади. Рус тилида тобе сўзнинг бирлик ёки кўпликда бўлиши, албатта, ҳоким

сўзнинг қайси сонда бўлишига боғлиқ: **большой город - большие города**, **новая книга - новые книги**, **широкое море - широкие моря**. Шу жиҳатдан қараганда, от уч хил грамматик категорияга эга деб қараш, бизнингча, рус тили грамматик қурилишига хос ҳодисани ўзбек тилига татбиқ қилишдан келиб чиққанга ўхшайди. Тўғри, -лар от туркумининг белгиси, аммо уни грамматик категориялар доирасидан кўра мо ,ал маъно ифодаловчи воситалар доирасида қараш ме эқул. Шунга ўхшаш отнинг келишик қўшимчалари билан ўзгаришинигина турланиш деб қарашни ҳам рус тилидан кўчирма деб биламиз. Эҳтимол, рус тилида ҳам ўзбек тилидаги каби сўзнинг эгалик қўшимчаларини элиб, шахс-сонда ўзгариш ҳодисаси бўлганда эди, тур аниш бошқачароқ номланган бўлар эди. Демоқчимизки, турланиш ҳодисасини рус тилидаги каби фақат келишиклар доираси билан чекламаслик керак.

Хуллас, гапда қўлланган от (агар у бошқа сўз ўрнида қўлланмаган ва ўзига хос вазифа бажармаган бўлса) ёки отлашган сўз олти келишикдан, икки сондан, агар эгалик қўшимчасини олган бўлса, шу эгалик категориясига хос бўлган икки сон ва уч шахсдан бирида қўлланган бўл ди.

Олтинчи топшириқ феълнинг грамматик хусусиятларини аниқлашга бағишланган. Маълумки, феъл хилма-хил луғавий-грамматик белгиларга эга. Унинг асосий хусусияти тусланишдир. Тусланиш нутқ ҳодисаси сифатида айни бир вақтда шахс, сон, замон, майл каби грамматик маъноларни ифодалайди. Ҳаракат ёки ҳолат, ўтимли-ўтимсизлик, шунингдек даража (нисбат) феълнинг доимий, луғавий белгиси бўлганидан тусланишга боғлиқ эмас, аммо бўлишли-бўлишсизлик ҳам феълга хос ҳодиса бўлса-да, бошқача хусусиятга эга: феълнинг тусланган-тусланмаган ҳар қандай шакли табиатан бўлишлилик маъносини ифодалайди (бораман, боргансиз... ва бормоқ, бориш, борган, бориб, боргач, боргунча...), бўлишсизлик маъносининг ифодаланиши учун эса нутқда феъл шакллари таркибида махсус бўлишсизлик белгиси (-ма) қўлланиши лозим. Кўринадики, бўлишли-бўлишсизлик луғавий-грамматик ҳодиса сифатида намоён бўлади (бўлишсизлик маъносининг бошқа воситалар орқали ифодаланиши алоҳида ҳодиса).

Феъл нутқда, яъни гапда тусланган ва тусланмаган

шаклда қўлланади. Масалан, **ўқидим, ўқийсан** , **ўқиб эдик** кабилар феълнинг тусланган шакли бўлиб, уларда феълга хос шахс, сон, замон ва майл каби грамматик маънолар ўз аксини топади. Тусланган феъллар аксарият фикрни якунлайди, хулосалайди, шунинг учун гапда кесим вазифасида келади. Тусланган феълларда учта шахс (биринчи шахс - сўзловчи, иккинчи шахс - тингловчи, учинчи шахс - ўзга) ва иккита сон (бирлик ва кўплик) мавжуд бўлиб, улар замон ва майл маънолари билан узвий боғлиқ ҳолда реаллашади. Масалан, **ўқидим** сўзи биринчи шахс, бирлик, (яқин) аниқ ўтган замон, аниқлик майли ва бўлишлилик маъноларига эга. Демак, тусланиш феълнинг шахс, сон, замон ва майл қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.

Феълнинг бундай грамматик маънолари махсус грамматик кўрсаткичлар, яъни тусловчи қўшимчалар ёрдамида ифодаланади ва улар уч турга бўлинади: а) биринчи тур тусловчилар: -м, -к, -нг, -нгиз, -ди, -ди(лар); б) иккинчи тур тусловчилар: -ман, -миз, -сан, -сиз, -ди, -ди(лар); в) учинчи тур тусловчилар: -ай(ин), -й(ин), -(а)йлик, -(гин), -(и)нгиз, -(и)нглар, -син, -синлар. Булар феълнинг бевосита ўзагига қўшилиши (ўқиди, келсин, ишлай), сифатдош ва равишдош қўшимчаларидан сўнг келиши (бораман, ўқибсан, ишлайди) мумкин, тусловчиларнинг тўлиқ -ман, -миз каби шакллари эса кесим вазифасида келган ҳар қандай сўзга қўшилаверади: ўқувчиман, ўқувчисиз каби.

Феъл замонлари иш-ҳаракатнинг бажарилиш жараёни билан нутқ содир бўлиш жараёнининг бир-бирига дуч келиши асосида белгиланади. Шу жиҳатдан феъл замонлари уч катта гуруҳга бўлинади: **ўтган замон** , **ҳозирги замон** ва **келаси замон** .

Ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг умуман нутқдан олдин бажарилганини ифодалайди ва қуйидагича турларга бўлинади:

1) **яқин (аниқ) ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқдан сал олдин ҳамда аниқ бажарилганини билдиради. Бунда сўзловчи (кенг маънода) иш-ҳаракатни бевосита бажарувчи, унинг фаол иштирокчиси, гувоҳи бўлади. Ясалиши: феъл асоси + -ди + шахс-сон қўшимчалари: бордим, бординг, борди, бордик...

2) **узоқ ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқдан

анча олдин юз берганини, ҳатто эсдан чиқиш даражасига боргани, маълум вақтдан сўнг эсга келиши каби маъноларни ифодалайди. Ясалиши: а) феъл асоси + -ган (-кан, -қан) сифатдоши + шахс-сон қўшимчалари, б) феъл асоси + -ган(- кан, -қан) сифатдоши + тўлиқсиз феълнинг **эди** (экан) шакли + шахс-сон қўшимчалари: борганман, боргансиз; борган эдим, борган эдинг; борган эканмиз, борган экан...

3) **ўтган замон ҳикоя феъли** иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганини ҳикоя қилиш маъносини ифодалайди. Ясалиши: феъл асоси + -(и)б равишдоши + тўлиқсиз феълнинг **эди** шакли + шахс-сон қўшимчалари: бориб эдик, бориб эдингиз, ўқиб эдим, ўқиб эди...

4) **ўтган замон эшитилганлик феъли** иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганини бировдан эшитганлик маъносини ифодалайди. Ясалиши: феъл асоси + (и)б равишдоши + шахс-сон қўшимчалари: айтибман, айтибди, тўлабмиз, тўлабсан...

Изоҳ:

1. **Ётмоқ, турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ** феъларининг юқоридагича тусланган шакли ҳозирги замон давом феъли маъносини ҳам ифодалайди: ишлаб юрибди, ўқиб юрибман.

2. Эшитилганлик маъноси феъл асоси + -ган сифатдоши + тўлиқсиз феълнинг **эмиш** шакли + шахс-сон қўшимчалари орқали ҳам ифодаланади: кўрган эмишман, кўрган эмишсан, сўккан эмишсиз... Чоғ.: Сиз ҳам урушда бўлган экансиз.

5) **ўтган замон давом феъли** иш-ҳаракатнинг ўтган замонда узоқ давом этгани, такрорлангани каби маъноларни ифодалайди. Ясалиши: феъл асоси + -(а)р сифатдоши + тўлиқсиз феълнинг **эди** шакли + шахс-сон қўшимчалари: борар эдим, борар эдингиз, яшар эдик, яшар эди...

Изоҳ:

Ўтган замон давом феъли шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида келганда, иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилиши қатъийлиги, лекин ноиложликдан бажарилмай қолганлиги ёки бирор сабаб билан ба жарилганлиги каби маънолар ифодаланади: Ёмғир ёғмаганда, **бозорга борар эдим.** Имтиҳон бўлса,

кинога бормас эдим.

6) **ўтган замон мақсад феъли** иш-ҳаракатни ўтган замонда бажариш мақсад қилингани, зиммага олингани каби маъноларни ифодалайди. Ясалиши: а) феъл асоси + -моқчи шакли + тўлиқсиз феълнинг **эди** шакли + шахс-сон қўшимчалари, б) феъл асоси + -а//-й равишдоши + -диган сифатдоши + тўлиқсиз феълнинг **эди** шакли + шахс-сон қўшимчалари: бормоқчи эдим, бормоқчи эдингиз, ўқимоқчи эдик; кўрадиган эдинг, кўрадиган эди, ўқийдиган эдик, ўқийдиган эдилар ...

Ҳозирги замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқдан олдин бошлангани, нутқ жараёни пайтида давом этаётгани ва нутқдан кейин ҳам маълум муддат давом этиши, умумлаштириб айтганда, иш-ҳаракатнинг бажарилиш жараёни билан нутқнинг содир бўлиш жараёнининг ўзаро дуч келиши, шунингдек нутқдан бир оз кейин бажарилиши каби маъноларни ифодалайди. Турлари:

1) **ҳозирги замон давом феъли.** Ясалиши: а) феъл асоси + -(а)яп- шакли + шахс-сон қўшимчалари, б) феъл асоси + -(а) равишдоши + -ётиб шакли + шахс-сон қўшимчалари, в) феъл асоси + -(а) равишдоши + -ётир шакли + шахс-сон қўшимчалари, г) феъл асоси + -моқда шакли + шахс-сон қўшимчалари: бораяпман, ишлаяпсан; бораётибмиз, ишлаётибсиз; бораётирсан, ишлаётирмиз; бормоқдаман, бормоқда...

2) **ҳозирги-келаси замон феъли** . Ясалиши: феъл асоси +-а//-й равишдоши + шахс-сон қўшимчалари: бораман, борасан, ишлайди, ишлаймиз...

Келаси замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқдан анча кейин қатъий бажарилиши, уни бажаришни мақсад қилиб олиш, бажариш зарурлиги ёки гумонлиги каби маъноларни ифодалайди. Унинг асосий турлари:

1) **келаси замон гумон феъли.** Ясалиши: феъл асоси + -(а)р сифатдоши + шахс-сон қўшимчалари борарман, борарсиз, ишлармиз, ишларсан...

2) **келаси замон мақсад феъли** . Ясалиши: феъл асоси + -моқчи шакли + шахс-сон қўшимчалари: бормоқчиман, бормоқчисиз, ишламоқчимиз, ишламоқчи...

3) **келаси замон лозимлик феъли** . Ясалиши: феъл асоси + -а//-й равишдоши + -диган сифатдоши + шахс-сон қўшимчалари: борадиганман, борадиган, ўқийдиганмиз, ўқийдигансан...

Изоҳ:

1. Юқоридагилардан кўринадики, яқин ўтган замон, узоқ ўтган замон, ўтган замон ҳикоя, ўтган замон давом, ўтган замон мақсад феъллари ҳамда ҳозирги замон давом феълининг -(а)ётир, -моқда қўшимчалари воситасида ясалган кўринишлари учинчи шахсда шаклан махсус кўрсаткичга эга эмас, шунинг учун учинчи шахс белгисини "О"кўрсаткич деб аташади. Бироқ, бизнингча, шахс, сон, замон ва майл маънолари бирбирини тақозо қилувчи, ўзаро боғлиқ бўлган грамматик ҳодисалар эканлиги туфайли, -ди кўрсаткичини амалий жиҳатдан учинчи шахс белгиси десак ўринсиз бўлмас. Бу фикрни, биринчидан, эга билан кесимнинг ўзаро синтактик муносабати учинчи шахсда ана шу кўрсаткич орқали юзага келиши (баҳор келди,пахта очилди), иккинчидан, ўтган замон эшитилганлик ва ҳозирги-келаси замон феъллари билан ҳозирги замон давом феълининг -ётиб шаклининг учинчи шахси -ди орқали ҳосил бўлиши (ўқибди, борибди, ўқийди, боради, бораётибди, ўқиётибди, чоғ.: ўқибман, ўқибсан, борамиз, борасиз, бораётибман, ўқиётибсиз), шунингдек ҳозирги замон давом феълининг -ятти кўрсаткичи таркибидаги -ти қисми аслида -ди шакли билан боғлиқлиги қувватлайди. Демак, -ди кўрсаткичи айни бир вақтда шахс, сон, замон ва майл маъноларини бирликда ифодаловчи грамматик воситадир, аммо юқоридаги ўринларда -лар қўшимчасининг учинчи шахсда қўлланиши шарт эмас.

2. Феъл замонларининг кўчиши алоҳида ҳодиса, аммо баъзан феълнинг луғавий маъноси, сўз маъноларининг кўчиши, гапни ташкил қилувчи сўзларнинг бирбирига муносабати, нутқ содир бўлаётган шарт-шароит туфайли феъл замонларининг чегараси ўзгариб, бир замон доирасида бошқа замон маъноси ифодаланиш ҳоллари учраб туради. Мисолларга диққат қилинг:1. Мен ҳозир бораман - мен ёзда бораман. 2. (Врач:) Чарчабсиз, дам олинг.3.Кўзимни очсам, уйда ётибман - шу ерда дам олиб ётибман.4. Билмай, мен ҳам борибман. 5. Мен IX синфда ўқийман - мактабни битириб, заводда ишлайман.

Юқоридаги мисолларда феъларнинг ҳозирги-келаси замон шакли келаси замон маъносини (биринчи мисол), ўтган замон эшитилганлик феъли шакли узоқ ўтган замон

(иккинчи мисол) ва ўтган замон ҳикоя феъллари маъно-ларини(учинчи ва тўртинчи мисоллар) ,ҳозирги- келаси замон шакли (бешинчи мисол) ҳозирги замон давом ҳамда келаси замон маъноларини ифодаламоқда.

Майл феълнинг грамматик категорияларидан бири бўлиб, феълдан англашилган иш-ҳаракат билан субъект ўртасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини билдиради. Майлнинг асосий турлари:

а) **аниқлик** (ижро) **майли** иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида бажарилиш-бажарилмаслигини аник ифодалайди: бордим, боргансиз, бораяпти; кўрмайди, кўрмабсиз, кўрмаяпсан...

б) **буйруқ-истак майли**. Ҳар қандай феълнинг -моқ қўшимчасидан қолган қисми буйруқ маъносини ифодалайди. Бу буйруқ иккинчи шахс бирлик маъносини билдиради, қолган барча шахс, сон ва бошқа маънолар ана шу феъл асосига турли хил кўрсаткичлар қўшилиши орқали ифодаланади. Демак, буйруқ дастлаб бирлик сондаги иккинчи шахсга берилади ва у орқали феъл асосига -син шаклини қўшиш орқали учинчи шахсга берилади. Кўринадики, иккинчи шахс иккита буйрук олади: ўзига берилган буйруқни бевосита бажаради, учинчи шахсга берилган буйруқни бажарувчига етказишда воситачи бўлади: **ўқи** ва **ўқисин**.

Биринчи шахс амалда ўзига ўзи буйрук беролмайди (айтай, ўқий). Буйруқ майлининг биринчи шахс шаклларида орзу-истак, илтимос, ялиниш, ёлвориш, маслаҳат каби маънолар ифодаланади, ҳатто буйрук майлининг иккинчи шахсида ҳам буйруқдан ташқари ялиниш, ёлвориш, илтимос, маслаҳат, таъкид, уқтириш, даъват маънолари ифодаланади. Бу майлнинг буйруқ-истак майли деб аталиши ҳам шундан.

Бу майлда турли маъноларнинг ифодаланиши сабаби шундаки, буйруқ беришнинг ижтимоий томони ҳам бор: сўзловчи бировга буйруқ бериш учун ундан ёш жиҳатдан катта ёки ҳаётда тутган ўрни, мавқе, вазифаси жиҳатдан тингловчига нисбатан юқори бўлиши керак. Жумладан, бола одоб нуқтаи назаридан ўз ота-онасига ўзидан катта энг яқин қариндош-уруғлари, умуман, ёши улуғ ҳар қандай кишига, буйруқ беролмайди: буларга

берилган буйруқ ялиниш, ёлвориш, ҳурмат, илтимос маънолари да бўлади. Масалан: Акажон//жон ака, мени ҳайвонот боғига олиб боринг.

Шарт майли буйруқ майлининг иккинчи шахс бирлик шаклига -са қўшимчасини орттириш орқали ҳосил бўлиб, бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши бошқа бир иш-ҳаракатнинг бажарилишига боғлиқ эканини билдиради: борса, борсам, борсак... Шу билан бирликда, маслаҳат, истак маънолари ни ҳам ифодалайди. Бу ҳодиса -са шаклини олган феъл мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда юз беради: Шу китобни менга берсангиз. Аниқ шарт маъноси шарт эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланади: Декан рухсат берса, уйга бориб келмоқчиман. Шарт маъноси бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланади.

Изоҳ:

Биз юқорида феъл замонлари ва майлларининг аксарият бўлишли шаклларини қайд этдик. Агар шу шакллар - ма қўшимчасини олса, уларнинг бўлишсиз шакллари ҳосил бўлади. Бу борадаги муҳим белги келаси замон гумон феълининг бўлишсиз шаклида -р сифатдошининг -с билан алмашишидир: борар - бормас, ўқир - ўқимас.

Феълнинг тусланмаган шаклларида шахс-сон, замон ва майл тушунчалари реал, бевосита ифодаланмайди, бироқ даража (нисбат), ўтимли-ўтимсизлик, ҳаракат ёки ҳолатнинг ифодаланиши йўқолмайди, чунки бундай белгилар, юқорида айтилганидек, феълнинг доимий белгисидир. Феълнинг тусланмаган шакллари мавжуд адабиётларда **функционал шакллар** деб юритилади, аммо феълнинг ҳар қандай кўриниши гапда маълум вазифада қўлланади, яъни бирор "функция" бажаради. Аслида бундай шакллар феълнинг гапда бошқа сўз туркумларига хос вазифа бажаёришга хосланган шаклларидир. Булар: **сифатдош**, **равишдош**, **ҳаракат номи** ва **инфинитив**, яъни **феълнинг ноаниқ шакли**. Сўнгги икки шакл тўғридан-тўғри **ҳаракат номи** деб ҳам юритилади, ваҳоланки, ҳаракат номида от тушунчаси устун бўлса, инфинитивда ҳаракат тушунчаси устундир.

Сифатдош феълнинг сифатга ёндашган шакли бўлиб, гапда сифатга хос белгиларни олади: сифат каби қандай? сўроғига жавоб бўлади, отдан олдин келиб сифатловчи-аниқловчи вазифасини бажаради (**кўрар** кўз, **ювилган** кўйлак), отлашганда эга ва тўлдирувчи бўлиб келади (**ўқиган** ўзар, **билганини** айтди, **айтганига** кўнди). Сифатдошларда замон тушунчаси ҳам мавжуд. Шунга кўра улар уч турга бўлинади: а) ўтган замон сифатдоши: ад. -ган, -кан, -қан, б) ҳозирги замон сифатдоши: -ётган, в) келаси замон сифатдоши: -диган, -(а)р, -(а)жак, -гуси... Мисоллар: **олган, олаётган**, **оладиган**, **олар...** Кўринадики, сифатдошларнинг тусланиши от типидаги сўзларнинг тусланиши кабидир ва, хусусан, учинчи шахсда махсус тусловчи қўшимчаларнинг қўлланиши шарт эмас.

Равишдошлар феълнинг равишга хос белгиларга эга бўлган шакли бўлиб, равиш каби пайт, мақсад, ҳолат маъноларини ифодалайди ва гапда ҳол вазифасида келади. Шунга кўра равишдошлар уч турга бўлинади: а) ҳолат равишдошлари: -(и)ғ, -(а)й, б) пайт равишдошлари: -гач, -гунча, в) мақсад равишдоши: -гани. Мисоллар: **кулиб** гапирди, **қидира-қидира** чарчади; **тонг отгунча** ўтирди; ҳамма **келгач**, дарс бошланади; **кўргани** келди. Ҳолат равишдошлари туслана олади, шунинг учун -(и)б равишдош шакли ўтган замон равишдоши, -а, -й шакллари ҳозирги-келаси замон равишдоши деб ҳам юритилади: **борибман**, **борибмиз, борибди**; **ишлайман**, **ишлайсан**, **ишлайди**, **бораман**, **борасиз** каби. Равишдошнинг қолган шакллари тусланмайди. Равишдошлар тусланмаган ҳолда эргаш гапнинг кесими ҳам бўлиб кела олади: Қор **ёғиб**, излар босилди. Оразин **ёпқоч**, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш... (А.Навоий). Ёмғир **тингунча**, кутиб ўтирдик.

Феълнинг ҳаракат номи билан ноаниқ шакли от ўрнида қўлланишга хосланган. Ҳаракат номи -(и)ш ва -(у)в ёрдамида ҳосил бўлади ва гапда эга, тўлдирувчи ва қаратқич-аниқловчи вазифасида келади: **ўқиш** бошланди, **ўқув** режаси; **қўш ҳайдамоқ - бормоқ -келмоқ**, **хамир қилмоқ - жон бермоқ** (мақол). Баъзи ҳаракат номлари киши онгида от тасаввурини туғдиради, масалан, **ўқиш**, **сайлов**, **кенгаш**, **йиғилиш**, **ўтириш** кабилар шундай характерга эга. Шуни ҳам унутмаслик керакки, гоҳо нутқда тусланган жуфт феъллар ҳам отлашади: **кирди-чиқдини** тўхтатинг,

борди-келдимиз бор каби. Бундай чоғда сўзнинг луғавий маъносида ўзгариш юз беради. Масалан, **олди-берди** маҳсулот алмашув, **олди-сотди** савдо-сотиқ, **кирди-чиқди** кишилар ўртасидаги муносабат, **қўйди-чиқди** оила бузилиши маъноларини англатади, чоғ.: тоғам "кўч-кўч"да кетиб қолган.

Топшириқни бажаришда матнда учраган ҳар бир тусланган феъл ҳисобга олинади ва ёнига шахс-сон, замон, майл, бўлишли-бўлишсизлик маънолари ҳамда гапдаги вазифаси ёзиб қўйилади.

Еттинчи топшириқ ўзбек тилининг фонетик хусусиятларига бағишланган. Бунда берилган сўзлар фонетик таҳлил қилинади. Фонетик таҳлилда сўздаги барча товушлар (ҳарфлар) ҳисобга олинади ва ҳар бирига фонетик характеристика берилади. Бу борада бир товушни ифодаловчи ҳарфлар бирикмасига (**нг** ва **шч**) ва икки товушни ифодаловчи ҳарфларга (**е**, **ё**, **ю**, **я**) алоҳида эътибор бериш, товуш билан ҳарф муносабатини тўғри англаш керак ва бунинг учун тавсия этилган адабиётлардаги нутқ товушлари жадвалларидан фойдаланиш лозим. Айни чоғда товуш билан фонемани фарқлай билиш керак.

Фонема тил ҳодисаси, шунинг учун у хотирада сақланади, ёд олинади ва товушга нисбатан миқдоран оз бўлади, бироқ ўқув-ўқитув, таълим, қисқаси, ёзув ишлари эса фонемаларга асосланади. Товуш нутқ ҳодисаси, шунинг учун у талаффуз қилинади, эшитилади. Айни бир фонема нутқда бир неча хил вариантда намоён бўлади ва улар **аллофонлар** деб юритилади. Демак, фонема ўзаро яқин ва нисбатан ўхшаш бўлган бир неча аллофонларнинг йиғиндисини ифодаловчи бирликдир.

Фонемалар, аниқроғи нутқ товушлари дастлаб унли ва ундошларга ажратилади. Ўзбек тилида олтита унли (**а**, **о**, **и**, **у**, **э**, **ў**) ва йигирма бешта ундош фонема бор, бироқ ундош фонемаларни ифодаловчи ҳарфлар йигирма учтадир. Унлилар ўз навбатида пайдо бўлиш ўрнига (тилнинг ётиқ ҳаракатига) кўра, оғизнинг очилиш даражасига (тилнинг кўтарилиш-тик ҳаракатига) ҳамда лабларнинг иштирокига кўра тасниф қилинади. Биринчи таснифга кўра унлилар иккига: **тил олди** (**а**, **и**, **э**) ва **тил**

орқа (о, у, ў), иккинчи таснифга кўра учга: **тор**, айни чоғда **юқори** (и, у), **ўрта** (э, ў) ва **қуйи**, айни чоғда **кенг** (а, о), лабларнинг иштирокига кўра эса иккига: **лабланган** (о, у, ў) ва **лабланмаган** (а, и, э) каби турларга бўлинади. Топшириқнинг бажарилиши: масалан, **а** - унли, тил олди, кенг (қуйи) ва лабланмаган.

Ундошлар ҳам уч жиҳатдан тасниф қилинади: а) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра, б) пайдо бўлиш (артикуляция) ўрнига кўра, в) ҳосил бўлиш (артикуляция) усулига кўра. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундошлар дастлаб икки турга бўлинади: **шовқинлилар** (жаранглилар: **б**, **г**, **д**... ва жарангсизлар: **п**, **к**, **т**...) ва **сонорлар** (м, н, л ...). Ундошлар артикуляция (пайдо бўлиш) ўрнига кўра уч гуруҳга бўлинади: **лаб ундошлари** (**б**, **м**, **п**, **ф**), **тил ундошлари** (тил олди: **д**, **т**, **з**, **с**..., тил ўрта: **й**, тил орқа: **к**, **г**, **нг**, чуқур тил орқа: **қ**, **ғ**, **х**) ва **бўғиз ундоши** (ҳ). Ундошлар артикуляция (пайдо бўлиш) усулига кўра ҳам уч гуруҳга бўлинади: **портловчилар** (**б**, **п**, **т**...), **сирғалувчилар** (**з**, **с**, **ф**...) ва **портловчи-сирғалувчилар** (н, **р**..).

Топшириқ қуйидагича бажарилади: масалан **б** - ундош, жарангли, лаб-лаб, портловчи; **с** - ундош, жарангсиз, тил олди, сирғалувчи; **н** - ундош, жарангли, бурун сонори, тил олди, портловчи-сирғалувчи. Бундан ташқари, ундошларни таркибига кўра **соф** (б, д, с...) ва **қорғ шиқ** (ж ц) деб ажратиш ҳам мавжуд. Бу ва бошқа белгилар ҳақида батафсил маълумот тегишли адабиётлардан ўқиб ўзлаштирилади.

Нутқда товушлар айрим-айрим эмас, балки бирликда, бир бутун бирлик сифатида талаффуз қилинади. Бунинг натижасида ҳар хил товуш ўзгаришлари юз беради ва бундай ўзгаришлар **фонетик ўзгаришлар** деб юритилади. Фонетик ўзгаришлар ё ёндош келган товушларнинг бир-бирига таъсиридан, ёки ҳар бир тилнинг ўзига хос ички хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда туғилади. Ёндош товушларнинг бир-бирига таъсиридан туғиладиган ўзгаришлар **комбинатор ўзгаришлар,** тилнинг ўз ички қонунларига мос равишда сўз бошида, ўртасида ва охирида туғиладиган ўзгаришлар **позицион ўзгаришлар** деб аталади. Комбнатор ўзгаришлар уч турли бўлади:

ассимиляция, диссимиляция ва **метатеза.**

Ассимиляция (ўхшашлик, мослашиш) ҳодисасида ёндош товушларнинг бир-бирига айнан ёки қисман ўхшашлиги юз беради. Ассимиляция ўзгариш йўналишига қараб **олд**(прогрессив) **ассимиляия** ва **орт** (регрессив) **ассимиляция**, ўзгариш натижасига кўра эса **тўлиқ** ва **тўлиқсиз** ассимиляция каби турларга бўлинади (**айтди - айтти**: тўлиқ, олд ассимияция, **бирта - битта**: тўлиқ, орт ассимиляция; **мазкур - маскур**: тўлиқсиз, орт ассимиляция, **ишга - ишка**: тўлиқсиз, олд ассимиляция). Бунда ё сўнгги товуш ўзидан олдинги товушнинг, ёки олдинги товуш ўзидан кейинги товушнинг таъсирига учрайди. Шунга қараб ўзгариш ё олдинги, ё сўнгги товушда юз беради.

Диссимиляция (ноўхшашлик, ажралиш) ассимиляциянинг акси бўлиб, бунда сўз таркибидаги ўхшаш товушлардан бири бошқа товушга айланади. Масалан: **зарар - зарал//залал**, **зарур - зарил, нодон - лодон**, **бирорта - биронта**, **коридор - колидор**, **кассир - . астир**; **Аброр - Аброл**, **Аҳрор - Аҳрол**, **Сарвар - Салвар** . Диссимиляция қисман бўлиши ҳам мумкин: **мабодо - нобода**.

Борди-ю, ёндош товушлар ўрин алмашса, метатеза ҳодисаси туғилади: **тупроқ - турпоқ**, **шапра - шарпа**, **супра - сурпа**, **дарё - дайра**, **ёмғир - ёғмир** каби. Ассимиляция билан метатеза ҳодисаси диссимиляция каби ноёндош (дистакт) товушлар доирасида ҳам юз бериши мумкин. Масалан: **соч - чоч**, **Салтанат - Санталат**, чоғ.: андижон шевасида: **чучунди - тушунди**.

Тилнинг ўз ички қонуниятлари асосида туғиладиган фонетик ўзгаришлар қатор сабаблар билан боғлиқ, жумладан, урғунинг кўчиши, сўз ясалиши, турланиши, сўзларнинг ёндош келиши, айрим ундошларнинг сўз охирида ва унлилар орасида ўз хусусиятини сақламаслиги, бир бўғинда икки-уч ундошнинг ёндош келмаслиги ёки сўзнинг икки-уч ундош билан бошланмаслиги, шунингдек икки унлининг ёндош келмаслиги (буни иккинчи топшириқда ҳам кўрган эдик) сабабли сўз бошида, ўртасида ва охирида юз беради. Бунинг натижасида сўз таркибидаги бирор товуш тушади,

бошқа товушга айланади ёки товуш ортади. Бундай товуш ўзгаришлари, айниқса, ўзлашма сўзлар учун характерлидир. Мисоллар: **сон - сана, ёш - яша, онг - англа, от - ата; улуғ - улғай, паст - пасай, сариқ - сарғай; қайна - қайноқ, тара - тароқ; сайла - сайлов, ўқи - ўқув; ўғил - ўғли, кўнгил - кўнгли, бурун - бурни, элак - элаги, билак - билаги; баробар - баравар, обод - овот, мактаб - мактап, фарзанд - парзант, гўшт - гўш, дашт- даш; стол - истол//устол, рус - ўрис, церковь - черков; штраф - иштарап, танк - танка, банк - бонка, натижа - натинжа, доимо - дойимо радио - радийо , автобус - ҳаптовуз, маориф - мо:рип ва б.**

Фонетик ўзгаришга учраган сўзларнинг аксарияти сўзлашув нутқи учун хос бўлса, айримлари адабий тил манбаларида ҳам акс этади (бирта - битта, икки+ов - икков, царь - чор, ёғмир - ёмғир, пудрат - подряд, патнис - поднос ва б.). Бундай ҳодисалар ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун тавсия этилган адабиётларга мурожаат қилинади ва фонетик таҳлилдан сўнг ўша адабиётлар асосида берилган қўшимча саволга ёзма жавоб тайёрланади,

Саккизинчи топшириқда берилган мисолдаги сўзларнинг ўзаро синтактик алоқаси, бирикиши ишлаб чиқилади. Маълумки, сўзларнинг ўзаро муносабатидан ё сўз бирикмаси ёки гап ҳосил бўлади. Сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг эргашиш (тобеланиш) йўли билан бирикишидан туғилади. Эргашишда синтактик алоқага кирувчи сўзлардан бири, кенг маънода, аниқловчилик вазифасини бажарса, бири эса бошқаси томонидан аниқланади. Бунда аниқланаётган сўз ҳоким (бош), аниқлаётган сўз тобе (эргаш) сўз саналади. Тобе (эргаш) сўз, одатда, олдин келади. Масалан, **янги китоб** бирикмасида биринчи сўз тобе, иккинчи сўз ҳоким сўздир.

Тобе сўз кўпинча морфологик кўрсаткичларга эга бўлади. Масалан, келишик қўшимчаларини олган (келишик қўшимчаларининг тушиб қолиши бошқа масала) ёки ку́макчилар билан келган сўзлар тобе сўз саналади: қаратқич келишигида келган ҳар қандай сўз от ёки отлашган сўзга нисбатан, тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва

чиқиш келишикларидан бирининг кўрсаткичини олган ёки кўмакчилар билан келган сўзлар эса аксарият феъл шаклларига нисбатан тобе саналади. Тобе сўзда морфологик кўрсаткич бўлмаса, тобелик тартиб орқали аниқланади. Бундай чоғда сифат ёки сифат вазифасида келган сўзлар отга нисбатан (чиройли бино, биринчи мактаб, бешта китоб, айтилган сўз, ўзбекча луғат, ғишт кўприк, ғир-ғир шамол, ўша бола, ҳар одам), равиш ёки равиш вазифасида келган сўзлар феъла нисбатан (тез юрмоқ эрталаб бормоқ, яхши гапирмоқ, югуриб келмоқ, айтгани бормоқ, қидириб топмоқ, минг марта айтмоқ, учтадан бермоқ, ҳеч бормади) тобе бўлади. Ўз навбатида ҳоким сўз тобе сўзга, аксинча, тобе сўз ҳоким сўзга айланиши ҳам мумкин. Бундай чоғда нисбий ҳоким-тобелик юз беради. Мисолларни чоғиштиринг: **китоб олмоқ - янги китоб олмоқ, катта кўча - катта кўчада ўйнамоқ**. Бу ўринда **китоб** ва **кўчада** сўзлари ўзлари боғланган феъла нисбатан тобе, аммо айни чоғда аниқловчи бўлиб келаётган **янги** ва **катта** сўзларига нисбатан ҳоким саналади.

Сўзларнинг тобеланиши уч хил кўринишга эга: **мослашув**, **бошқарув** ва **битишув**. Қаратувчи билан қаралмиш (қаратқич келишиги қўшимчасини олган сўз билан эгалик қўшимчасини олган сўз) ўзаро шахс-сонда мослашув йўли билан боғланади (бизнинг боғимиз, чорва моллари). Бундай ҳодиса эга билан кесим доирасида ҳам учрайди (мен айтдим, биз ўқидик, сен борасан). Бошқарувда от ёки отлашган сўзлар кўмакчи ёки тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидан бири орқали ҳоким сўзга боғланади (бет**га** айтмоқ, билган**ни** қилмоқ, беш**ни** беш**га** қўшмоқ, радио **орқали** гапирмоқ, ҳамма**дан** эпчил, Рустам **каби** зўр, боғ**да** сайр қилмоқ). Бошқарув грамматик воситаларнинг турига қараб **келишикли бошқарув** ва **кўмакчили бошқарув**, ҳоким сўзнинг қайси сўз туркумидан бўлишига қараб **феъл бошқарув** (юқоридаги мисолларга қаранг) ва **сифат** (гоҳо бошқа сўзлар ҳам) **бошқарувга** бўлинади (отдан **баланд**, итдан **паст**, ҳаммадан **чаққон**). Битишувда тобе сўз ҳоким сўз билан грамматик воситаларсиз тартиб ва оҳанг орқали боғланади (чаққон бола, катта ҳовли, тез ишламоқ, шошилиб юрмоқ). Бошқарувда тўлдирувчи билан ҳол,

битишувда эса сифатловчи-аниқловчи билан ҳол ҳоким сўзга бирикади.

Сўзларнинг ўзаро бирикишидан туғиладиган бирикмаларга турли нуқтаи назардан ёндашилади, жумладан, ҳоким сўзнинг қайси сўз туркумидан бўлишига кўра, тобе сўзнинг синтактик вазифасига кўра ҳамда нутқда қўлланиш, яъни ҳосил бўлишига кўра турларга бўлинади. Биринчи ҳолатда бирикмалар **отли бирикма** (кенг майдон, ўнта китоб, иккинчи синф, ўша бола, ўзбекча кураш, кўринган нарса, дув-дув гап), **феълли бирикма** (уй қурмоқ, ишдан келмоқ, дарс тайёрлаш, шошилиб келган, эгасига етгунча, орқасига қарамай, дарёдан кечув, ишга борадиган, тинчлик учун курашмоқ, ишга бориб), **сифатли бирикма** (мендан катта, тошдан қаттиқ, ўтга чидамли, гапга чечан), **равишли бирикма** (овоздан тез, ишга чаққон, ҳаммадан зўр) каби турларга бўлинади.

Кўринадики, бундай бирикмаларда ҳоким сўз от, феъл ва унинг турли шакллари, сифат, равишлардан бўлади.

Тобе сўзнинг синтактик вазифасига қараб **аниқловчили бирикма** (**тўғри** кўча, **асфальт** йўл, **бу** одам, **ўқиган** киши, **учинчи** бригада), **тўлдирувчили бирикма** (**кўпга** кенгаш, **ўз** билганингни қил, **почта орқали** жўнатмоқ, **қариялар билан** маслаҳатлашиб) ва **ҳолли бирикма** (**тез** юрмоқ, **жўрттага** сўрамоқ, **эрталаб** келмоқ, **ўқигани** кетмоқ) каби турларга бўлинади.

Ниҳоят, бирикмалар нутқда қўлланишига қараб **турғун бирикма** (тили узун, учига чиққан, тегирмондан тирик чиқмоқ) ва **эркин бирикмаларга** бўлинади (юқорида келтирилган мисолларга қаранг).

Эркин бирикма таркибидаги истаган сўзни бошқа бирор сўз билан алмаштириш (катта шаҳар, катта дарё - чиройли шаҳар, кенг дарё) ёки ўринларини ўзгартириш (кенг дала ва дала - кенг) мумкин бўлса, турғун бирикмаларда эса бундай ҳодиса мумкин эмас, чунки улар тил бирлиги сифатида хотирада сақланади ва нутқда тайёр ҳолда қўлланади. Булар иборалар, яъни фразеологик бирликлар бўлиб, луғавий маъно жиҳатдан бир сўзга тенг келади. Масалан: **енг ичида** - пинҳона, зимдан, яширин,

боши осмонда - хурсанд, шод, **тўнини тескари киймоқ** - аччиқланмоқ ва б.

Булардан ташқари, бирикмалар тузилиш жиҳатдан ҳам тасниф қилинади. Бунда бирикмалар **содда** ва **мураккаб** турларга ажратилади. Содда бирикмалар икки мустақил сўздан ташкил топса (мисоллар юқорида), мураккаб бирикмалар эса уч ва ундан ортиқ мустақил сўзлардан ташкил топади: **кенг экранли телевизор, кўп болали аёл, мен айтган гап** каби.

Сўзларнинг ҳоким-тобелигини кўрсатишда тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказилади ва унинг устига тобеланиш усуллари ва бирикманинг номлари ёзиб қўйилади:

далада ишламоқ, чаққон қиз каби.

Тўққизинчи топшириқ гап бўлакларини аниқлашга бағишланган. Гап бўлаги бўлиш учун сўзлар гапда маълум сўроққа жавоб бўлиши ва бирор вазифада келиши керак. Гап таркибида қўлланган сўзларни дастлаб икки гуруҳга бўлиш мумкин: грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган сўзлар ва мазкур сўзлар билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар. Гапда грамматик жиҳатдан ўзаро бириккан сўзлар фикр ифодалашдаги мавқега қараб, икки катта гуруҳга бўлинади: **бош бўлаклар** ва **иккинчи даражали бўлаклар**.

Бош бўлаклар - эга ва кесим ўзаро предикатив алоқага кириб, гапнинг асосини, ядросини ташкил қилади, сўзловчининг мақсади, фикри шулар орқали реаллашади. Шунинг учун гапда улардан камида бири иштирок этиши керак (гап бўлак ҳақида бормоқда, бўлакларга бўлинмайдиган бир таркибли гаплар бошқа масала). Иккинчи даражали бўлаклар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) гапда ифодаланаётган фикрни тўлдириш, нутқ жараёнида иштирок этаётган, хабар берилаётган объектни аниқроқ тавсифлаш - унинг белгиларини кўрсатиш, иш-ҳаракат-

нинг юз бериш ҳолати, пайти, ўрни, мақсади, сабаби, даражаси, миқдори каби белгиларни аниқлаш учун хизмат қилади.

Маълумки, эга, одатда, от билан, кесим эса феъл билан ифодаланади. Бу асосий ҳолат. Аммо эга бўлиш учун ҳамиша от, кесим бўлиш учун феъл бўлиши шарт эмас: отдан бошқа ҳар қандай сўз отлашиб эга бўла олганидек, феъл дан бошқа сўзлар кесим бўлиб кела олади. Эга гапда бошқа бўлакларга нисбатан мутлақ ҳоким вазиятдаги бўлак бўлиб, унинг асосий грамматик белгиси бош келишикда келишдир, айни чоғда у кесим билан грамматик муносабатда бўлади. Акс ҳолда бош келишикда келган ҳар қандай сўзни эга деб бўлмайди. Мисолларни чоғиштиринг: **Сиз халқимизнинг ардоқли фарзандисиз** ва **Сиз айтган толлар кесилиб кетган.** Биринчи гапда эга **сиз,** иккинчи гапда **толлар** сўзларидир,

Кесим эга ҳақидаги ҳукмни билдирувчи, фикрни якунловчи бўлакдир. У ифодаланиш жиҳатидан **от кесим** (мен **талабаман,** далалар - **кўм-кўк**) ва **феъл кесим** (**бораман**, дарс **бошланди**),тузилиш жиҳатдан эса **содда кесим** ва **таркибли кесимга** бўлинади. Содда кесим биргина сўз билан, таркибли кесим шаклан икки ва ундан ортиқ сўз билан ифодаланади (ёмғир **ёга бошлади,** мен **кўриб келган эдим,** пахта **техника ўсимлигидир**).

Аниқловчи гапда от билан ифодаланган бўлакнинг белги-хусусиятини, тўлдирувчи иш-ҳаракатнинг бажарилишида иштирок этувчи, восита бўлувчи объектни, ҳол эса феъл билан ифодаланган бўлакдан (аксарият кесимдан, баъзан бошқа бирор бўлакдан ҳам) англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатларни билдиради. Буларнинг ҳар бири ўз ичида айрим-айрим турларга бўлинади. Аниқловчи: сифатловчи-аниқловчи, қаратувчи-аниқловчи ва изоҳловчи;тўлдирувчи: воситасиз ва воситали; ҳол: равиш ҳоли, пайт ҳоли, ўрин ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, даража миқдор ҳоли.

Сифатловчи-аниқловчи сифат ёки сифат ўрнида келган сўз билан, қаратувчи-аниқловчи қаратқич келишиги қўшимчасини олган от ёки отлашган сўз билан ифодаланади. Буларнинг гапдаги ўрни деярли қатъий:

сифатловчи + сифатланмиш, қаратувчи + қаралмиш тарзида жойлашади. Мисоллар: а) кенг пахтазор, тарбиявий ишлар, темир дарвоза, бешинчи бўлим, беш киши, бу бола, оқар сув, чопилган ер, олди-қочди гаплар, дук-дук овоз; б) бизнинг халқимиз, унинг китоби, мактаб мудири, ёшларнинг нияти, билганларнинг айтиши, ўннинг ярми ва б.

Изоҳловчилар вазифа жиҳатдан аниқловчиларга тенг келади, шунинг учун улар аниқловчиларнинг бир тури деб қаралади. Буларнинг одатдаги аниқловчилардан фарки шундаки, агар одатдаги аниқловчилар, биринчидан, истаган мустақил сўз туркуми, жумладан, феълнинг турли шакллари, ҳатто тақлид сўзлар билан ҳам ифодаланса, изоҳловчилар аксарият от билан, баъзан киши характерини билдирувчи сифатлар билан ифодаланади (сўнгги ҳолатда кўпинча лақаб, тахаллус билдирувчи сўзлар бўлади). Иккинчидан, одатдаги аниқловчиларнинг гапдаги ўрни муқим бўлса (уларнинг ўринлари алмашса, гапдаги вазифаси ҳам ўзгаради: аниқловчи + аниқланмиш > эга + кесим), изоҳловчиларнинг ўрни эса эркин. Шунинг учун одатдаги аниқловчилар ҳоким сўзсиз қўлланмайди, изоҳловчилар эса, аксинча, изоҳланмиш сўзсиз ҳам қўллана олади. Изоҳловчи объектнинг иккиламчи номи, шунинг учун у билан изоҳланмиш бир-бирини изоҳлаш, аниқлаш хусусиятига эга. Шунга кўра улардан бирини қўллаш мумкин. Масалан: **Жўра темирчи** қаерда//**темирчи Жўра** қаерда//**Жўра** қаерда//**темирчи** қаерда?

Изоҳловчилар маъно жиҳатдан қариндошлик, амал, турли унвон, лақаб, тахаллус, касб, ҳунар, миллат, ҳолат, жинс каби тушунчаларни ифодалайди. Мисоллар: **профессор** Бўронов, **доцент** Пўлатов, **ректор** Солиев, **майор** Болтаев, Карим **новвой,** Саломат **опа,** Алишер **Навоий,** Вали **қоровул, уйгур** йигит, **қиз** бола, Солия **кампир, чол** киши ва б. Мисоллардан кўринадики, изоҳловчилар киши номлари билан боғлиқ ва бунда, одатда, от отни аниқлайди. Натижада айни бир шахс бир вақтда бир неча ном билан юритилади ва шу йўл билан бир шахс бошқа шахслардан ажратилади.

Изоҳловчилар икки ва ундан ортиқ бўлиб, уюшиб келиши ҳам мумкин. Масалан: **университет ректори,**

профессор, филология фанлари доктори, хизмат кўрсатган фан арбоби, Навоий мукофоти совриндори Аҳмаджон Ғаниев маъруза қилди.

Тўлдирувчи - грамматик атама, амалда эса у объект, нарса-предмет, шахс ёки воқеа-ҳодисадир. Тўлдирувчи феъл билан ифодаланган ҳоким бўлакка бошқарув йўли билан боғланувчи иккинчи даражали бўлак бўлиб, юқорида эслатилганидек, икки турли бўлади: воситасиз тўлдирувчи ва воситали тўлдирувчи.

Воситасиз тўлдирувчи иш-ҳаракатни бевосита қабул қилувчи объектни билдириб, тушум келишигида келган от ёки отлашган сўз билан ифодаланади ва **кимни?, нимани?, қаерни**? сўроқларига жавоб бўлади ҳамда ўтимли феъл билан боғланади. Масалан: **дўстларни кутиб олмоқ, Тошкентни кўрмоқ, суҳбат ўтказмоқ, кир ювмоқ**. Воситали тўлдирувчи иш-ҳаракатни бавосита қабул қилувчи, яъни амалнинг бажарилишида восита бўлувчи объектни билдириб, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларидан бирида келган ёки кўмакчи билан қўлланган от ёки отлашган сўзлар орқали ифодаланади ва кўпинча ўтимсиз феъл билан боғланади. Масалан: **болага қарамоқ, дарсдан қолмоқ, машинада кетмоқ; болалар учун олмоқ, қўл билан термоқ** ва б.

Ҳол равиш, равишдош ва равиш ўрнида келган, шунингдек кўмакчи билан қўлланган ёки жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидан бирининг кўрсаткичини олган сўзлар билан ифодаланади. Мисоллар: **тез юрмоқ, яхши ўқимоқ, кулиб қарамоқ, завқ билан ўйнамоқ** (равиш ҳоли); **эрталаб бормоқ, ёзда келмоқ, кун бўйи ётмоқ** (пайт ҳоли); **мактабга бормоқ, уйда ўтирмоқ, шаҳардан келмоқ, нари турмоқ** (ўрин ҳоли); **уялганидан қизармоқ, ночор ишламоқ** (сабаб ҳоли); **кўриш учун бормоқ, кўргани келмоқ, жўрттага сўрамоқ** (мақсад ҳоли); **кўп ўйламоқ, оз сўзламоқ, анча ўтирмоқ** (даража-миқдор ҳоли).

Кўринадики, кўмакчилар билан ўрин келишиклари воситали тўлдирувчининг ҳам, ҳолнинг ҳам ифодалаиншида иштирок этади, бироқ мазкур кўрсаткичларни олган сўзлар тўлдирувчи вазифасида келса, **кимга?, нимага?, кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?, ким билан?, нима билан**? каби сўроқларга жавоб

бўлади, ҳол вазифасида келганда эса **қаерга?, қаерда?, қаердан?, қандай?, қачон**? каби сўроқларга жавоб бўлади. Баъзан воситали тўлдирувчи билан ҳолни бир-биридан ажратишда сўзнинг луғавий маъносига эътибор беришга ҳам тўғри келади

Гапда, олдин эслатилганидек, юқорида қайд этилган бўлаклардан ташқари, улар билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бўлаклар ҳам иштирок этади. Бундай бўлаклар: **ундалма, кириш** ва **изоҳлама** (анъанавий **ажратилган**) **бўлаклар.** Буларни **грамматик бўлакларга** зид равишда **семантик бўлаклар** деб аташ мумкин, чунки мазкур бўлаклар гапга ёки ўзи оид бўлган бўлакка семантик жиҳатдан боғланади.

Ундалма бош келишикда келган от ёки отлашган сўз билан ифодаланиб, сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиради. Кўринадики, ундалма ифодаланиш жиҳатдан эгага ўхшаб кетади, аммо эга кесим билан синтактик алоқада бўлса, ундалма гап билан мазмуний алоқада бўлади. Масалан: **Азиз меҳмонлар,** бемалол гаплашиб ўтиринглар. **Ғанишер,** сен ўқи. Ундалма, одатда, бадиий адабиётда инсондан бошқа нарса-предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қўлланиши мумкин, аммо сўзловчи уни шахс - тингловчи сифатида фараз қилади. Шунинг учун уларга худди кишиларга мурожаат қилгандек муносабатда бўлади: **Эй қуёш,** кўрсат юзинг, тундан бағир қонланмасин (С.Абдулла). Жавоб бериб кўр-чи, **номард табиат,** Бунчалик гўзални нечун яратдинг?! Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад, Нечун яратдинг-у, ўтларга отдинг! (Ҳ.Олимжон).

Кириш бўлаклар сўзловчининг ифодаланаётган фикрга турлича муносабатини, жумладан, сўзловчининг гапдан англашилган фикрга ишониш-ишонмаслиги, гумонсираши, тахмини, фикрнинг манбаи, тартиби каби маъноларни, шунингдек ҳис-туйғу билан боғлиқ ҳолатларни ифодалайди ва кўпинча модал сўзлар билан ифодаланади: **Албатта,** бораман. **Хайрият,** ёмғир тинди. **Айтишларича,** отага ҳамма ҳашарга боради. **Афсус,** мен боролмадим.

Ундалма билан кириш бўлакларнинг гапдаги ўрни

эркин: улар гап бошида, ўртасида, охирида келаверади ва ёзувда гапнинг бошқа бўлакларидан аксарият вергул билан ажратилган бўлади.

Ўзбек тили синтаксисининг баҳсли масалаларидан бири ажратилган бўлаклар масаласидир. Гап шундаки, анъанавий **ажратилган бўлаклар** атамаси на грамматик, на ҳодисанинг семантик ифодаси эмас, балки гапдан ажралган, умуман гап ва алоқаси бўлмаган ҳодиса деган тушунчани англатади, бинобарин, улар шу номдаги бўлакнинг вазифасини аниқ ифода этмайди. Бундай бўлакларнинг асосий вазифаси ўзи тобе бўлган бўлакдан кейин келиб,унинг маъносини изоҳлаш йўли билан аниқлаш, конкретлаштириш, тушунтириш, маънони бўрттириш, таъкидлаш учун хизмат қилишдир, чунки олдин маъноси кенг, умумий, мавҳум сўз, тингловчи (ўқувчи) учун ноаниқ бўлган нарса-ҳодиса ёки шахснинг номи айтилади, сўнгра унга аниқлик киритилади, изоҳ берилади. Шунинг учун уларни **изоҳлама бўлаклар** деб аташ ҳодисани анча аниқ акс эттиради. Демак, гап мавжуд атамани бошқаси билан алмаштиришдангина иборат эмас, балки баҳсли масалага аниқлик киритишдир.

Изоҳлама бўлаклар гапнинг истаган бўлагига оид бўла олади ва гапнинг қайси бўлагига тобелигига қараб, беш гуруҳга бўлинади: **изоҳлама эга, изоҳлама кесим, изоҳлама тўлдирувчи, изоҳлама аниқловчи** ва **изоҳлама ҳол.**

Изоҳлама эга гапнинг эгасига оид бўлиб, уни изоҳлайди, маъносига аниқлик киритади ва у билан сонда кўпинча мослашади: **Мен, Расулов Баҳодир,** 1940 йил 10 майда туғилганман. **Биз,зиёлилар**, халққа хизмат қилишда бошқаларга ўрнак бўлайлик. Изоҳлама кесим ўзи тобе бўлган кесимнинг маъносини изоҳлайди, аммо кесим фикрни якунловчи бўлак бўлганлигидан, изоҳлама кесим кўпинча ўзи тобе бўлган бўлакнинг маъносини тўлиқ ифодалаш учун гап шаклида бўлади. Масалан: Низомжон **унақа эмас, соддалигидан, тўғрилигидан дадасига чап беролмасди** (С.Аҳмад).Кўйлагининг елкалари **оппоқ, яъни тернинг шўри тепиб чиққан** (А.Мухтор). Бу бола - **водийдан, Қўқондан**.

Изоҳлама тўлдирувчи ўзи тобе бўлган тўлдирувчини изоҳлайди, унинг маъносини ойдинлаштиради ва у билан грамматик жиҳатдан бир хил шаклда бўлади: Мен **Ҳафизага - қизимга** гапираётибман (А.Қаҳҳор). Бояги **совғани, расмни** сенга ким берди? Модомики, одам бир марта яшар экан, умрбод **бир киши билан -ўз севгилиси билан** яшаши зарур (Ҳ.Ғулом).

Изоҳлама аниқловчи ўзи тобе бўлган бўлакнинг белгисини, унга хос хусусиятни таъкидлаб ва ҳоким бўлакдан англашилган шахс, нарса-предмет ва воқеа-ҳодисани ўз жинсидаги бошқа объектлардан айириб кўрсатади: **Қоровул бошлиғи, барваста лейтенант,** буларни объектларга бўлди **(Ҳ.Ғулом). Сен, индамас**, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Қаратқич келишигида келган аниқловчига тегишли бўлган изоҳлама аниқловчи ўзи тобе бўлган бўлак билан бир хил грамматик кўрсаткични олади: **Бояги йигитнинг, Авазнинг,** қўли гул экан (П.Қодиров). **Қўшнимизнинг, Ғулом аканинг**, ўғли ҳали ёш.

Изоҳлама ҳоллар ўзи тобе бўлган ҳолнинг маъносини конкретлаштиради, унга аниқлик киритади. Айниқса, ўрин ҳолига тобе бўлган изоҳлама ҳоллар ҳоким бўлак билан грамматик жиҳатдан бир хил шаклга эга бўлади. Масалан: **У отасиникига, Чўлбобоникига,** қараб кетди **(Ҳ.Ғулом).Ҳу ана шу жойда, тахта кўприкнинг остида,** кичик бир булоқ бор (А.Қаҳҳор). **Қаердандир, олисдан, ётоқхонанинг ортидаги кафедан** енгил куй ва лапар эшитилар эди (О.Ёқубов).

Мисоллардан кўринадики, бир қатор ўринларда изоҳлама бўлакнинг изоҳланмиш бўлак билан грамматик жиҳатдан бир хил шаклда бўлиши ҳам уларни анъанавий " ажратилган бўлак" номи билан аташ ноўринлигини кўрсатади. Демак, улар гапдан ажратилмаган, балки вазифа жиҳатдан кенг маънода аниқловчиларга ўхшаб кетади. Уларнинг оддий аниқловчилардан фарқи шундаки, агар одатдаги аниқловчилар аниқланмишдан олдин келса, изоҳлама бўлаклар эса ўзи тобе бўлган бўлакдан сўнг келади, агар оддий аниқловчи от билан ифодаланган аниқланмишнинг белгисини билдириб, у билан оҳанг жиҳатдан бирликда талаффуз қилинса,

изоҳлама бўлаклар изоҳланувчи бўлакнинг маъносини конкретлаштиради ва ундан махсус пауза орқали айрим талаффуз қилинади. Ниҳоят, оддий аниқловчиларнинг қўлланиши аниқланмишнинг гапда қандай вазифада келишига боғлиқ эмас (аниқланмиш гапда истаган бўлак вазифасида кела олади), изоҳлама бўлакнинг қандай шакл ва вазифада қўлланиши аксарият ҳоким бўлакнинг гапдаги вазифасига, унинг грамматик шаклланишига боғлиқ.

Юқорида қайд этилган бўлакларнинг ҳаммаси бир сўз билангина эмас, балки сўз бирикмалари, мураккаб бирликлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: **Ўн беш дақиқадан сўнг** (пайт ҳоли) ... ўрнидан турди (А.Қаҳҳор). Дарровда **жавоб бериб қўйди** (таркибли кесим). Ҳурматли отахонлар .., **фабрика қурилиши ҳақида** (воситали тўлдирувчи) бирор янгилик бермайсизми?(А.Мухтор). **Дўст келиб, душман кетар** кундир бу кун, ёр-ёр (қўшиқдан). **Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган** (аниқловчилар) гаплар. Сойда, **қўш ёнғоқнинг тагида** (изоҳлама ҳол), оппоқ қорга кўмилиб узоқ турди (О.Ёқубов) ва бошқалар.

Ниҳоят, гапнинг барча бўлаклари уюшиб келганидек, изоҳлама бўлак ва ундалмалар ҳам уюшиб кела олади. Масалан: Бу кулги ва ҳазиллар аксарият яна ўша эски дардни - **ҳижрон доғи, висол орзусини** (изоҳлама тўлдирувчи) қўзғатди (О.Ёқубов). **Ҳурматли отахонлар ва онахонлар, ака-укалар, опа-сингиллар** (уюшган ундалмалар), бугун биз... каби.

Синтактик таҳлилда бош ва иккинчи даражали бўлакларнинг остини одатдагича чизиқдан ташқари, кесим ва иккинчи даражали бўлакларнинг турларини, шунингдек ундалма, кириш ҳамда изоҳлама бўлакларнинг номларини ҳам ёзиб қўйиш керак.

Ўнинчи топшириқ, асосан, қўшма гаплар ва уларнинг турларини аниқлашни кўзда тутади. Бу топшириқни бажаришда ҳар бир талаба назарий фикрларни анча пухта эгаллаган бўлиши керак, чунки ҳар қайси вариантда тавсия этилган бадиий адабиётдан берилган мавзуга оид мисолларни мустақил равишда топиб ёзиш талаб қилинади (мисоллар миқдори айтилган).

Албатта, талабаларга қулайлик туғдириш мақсадида қуйида маълум даражада топшириқ бўйича назарий тушунча берилади, бироқ қўйилган масалани кенгроқ ёритиш учун имкониятимиз чекланган, бинобарин, тавсия қилинган адабиётларга ҳам мурожаат қилиш зарур.

Гаплар, одатда, икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро грамматик, семантик ва оҳанг жиҳатдан бирикишидан ташкил топиб, фикр баён қилиш, шунингдек ҳис-ҳаяжонни ифодалаш учун хизмат қилади. Гап бир сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Гапнинг муҳим белгиларидан бири предикациядир, яъни нутқ объекти ёки унинг бирор белгиси ҳақида ҳукм ифодалашдир. Айни чоғда гапда объектив борлиққа муносабат - тасдиқ, инкор, гумон, зарурлик, мумкинлик каби маънолар ҳам ифодаланади. Мисоллар: Пахта - техника ўсимлиги. Далалар кўм-кўк. Бугун ҳаво совуқ эмас. Аҳмаджон сал туриб келиб қолар. Машинадан фойдаланса бўлади. Уйни ҳамиша озода тутиш керак.

Гаплар турли нуқтаи назардан тасниф қилинади, жумладан: ифода мақсадига кўра, ҳис-ҳаяжон ифодаланишига (эмоционалликка) кўра, бош бўлакларнинг мавжудлигига кўра, зарур бўлакларнинг иштирокига кўра, тузилишига кўра, ҳукмнинг тасдиқ ёки инкор этилишига кўра.

Гаплар ифода мақсадига (тилнинг асосий алоқа қуроли сифатида намоён бўлиши) кўра **дарак, сўроқ** ва **буйруқ,** ҳис-ҳаяжон ифодаланишига кўра **ундов** (эмоционал) ва **ноэмоционал** гаплар, тузилишига кўра **содда ва қўшма**, бош бўлакларнинг махсус сўзлар билан реал ифодаланишига кўра **икки таркибли** ва **бир таркибли,** зарур бўлакларнинг иштирокига кўра **тўлиқ** ва **тўлиқсиз**, ҳукмнинг тасдиқ ёки инкор этилишига кўра **бўлишли (тасдиқ) ва бўлишсиз (инкор) гаплар** каби турларга бўлинади.

Биз топшириқ талабидан келиб чиқиб, қуйида гапларнинг тузилиш ҳамда бош бўлакларнинг мавжудлиги жиҳатдан турлари ҳақидагина тўхтаб ўтамиз.

Гапда бош бўлакларнинг ҳар бири грамматик

жиҳатдан ифодаланиши ҳам, улардан бирининг ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра гаплар (содда, айрим олинган гаплар кўзда тутилади) иккига бўлинади: икки таркибли гаплар ва бир таркибли гаплар. Агар гапда эга ва кесим грамматик жиҳатдан махсус сўзлар билан ифодаланган, моддий жиҳатдан реаллашган бўлса, икки таркибли гаплар дейилади: **Ўзбекистон** (эга) **- мустақил давлат** (кесим). **Пахталар** (эга) **очилди** (кесим). Агар гапда бош бўлаклардан бири - эга ёки кесим мавжуд бўлмаса, яъни улардан бири грамматик жиҳатдан ифодаланмаган бўлса, бир таркибли гаплар дейилади. Бундай гапларда иштирок этувчи сўзлар бирликда ё эга таркибини, ёки кесим таркибини ташкил қилади. Масалан: а) **Эрта баҳор** (эга таркибидан иборат бўлган гап). Далалар ям-яшил майса ўтлар билан қопланган; б) **Кўп ўйла , оз сўзла** (мақол). **Ҳозир етиб бораман** (кесим таркибидан иборат бўлган гаплар).

Ўрни билан бир таркибли гаплар икки таркибли гапларга, аксинча, икки таркибли гаплар бир таркибли гапларга айланиши мумкин. Икки таркибли гапларда бажарувчи шахсни таъкидлаш,бошқалардан айириб кўрсатиш, амални бажаришни ўз зиммасига олиш ёки унинг бажарилишига тўла ишонч каби маънолар ифодаланади, бир таркибли гапларда эса умумийлик, иш-ҳаракатнинг бажарилишига маълум даражада бефарқ қараш, мавҳумлик каби маънолар ифодаланади. Мисолларни чоғиштиринг: **бордим - мен бордим , айтаман - мен айтаман** . Ўзбек (туркий) тилида эганинг тушишига кесимдаги шахс-сон қўшимчаси ҳам ёрдам беради, эътибор беринг: **ўқидим - я читал , ўқидинг - ты читал.**

Кесим таркибидан иборат бўлган бир таркибли гаплар тўрт хил: **шахси аниқ , шахси ноаниқ , шахси умумлашган** ва **шахссиз гаплар** .

Шахси аниқ гапларда кесимдаги шахс-сон қўшимчаси эгани яққол кўрсатиб туради - шу қўшимча орқали эганинг қайси шахс ва сонда эканлигини аниқлаш мумкин: Сизга, албатта ёрдам бераман (эга: **мен**). Олдин режани бажаринг, сўнг хабар беринг (эга: **сиз**). Тўйга бориб келдик (эга: **биз**). Шахси аниқ гапларнинг эгаси

грамматик жиҳатдан кўпинча биринчи ва иккинчи шахсларга тўғри келади.

Шахси ноаниқ гапларда эга грамматик жиҳатдан аксарият иккинчи шахс кўпликда бўлади, аммо шу эгани қўллаб, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини аниқ айтиб бўлмайди: Қуш эдим, **қанотимни қайирдилар** , гул эдим, **булбулимдан айирдилар** (Ҳ. Ҳакимзода). Бу гапда эга: **улар** , лекин шу эга **Улар ким** ? жумласида реал қўлланган эгага айнан тенг эмас, чунки сўнгги гапдаги эга нутқ жараёнида мавжуд бўлган ёки эга олинган аниқ шахслар ифодасидир. Буларнинг кесими кўпроқ биргалик даража феълларидан бўлади: **ишга олишди** , **аризани қабул қилишди** .

Шахси умумлашган гапларда эга аксарият грамматик жиҳатдан иккинчи шахс бирликда бўлади, аммо бундай гаплар мазмунан ҳаммага қаратилган, яъни шахс жиҳатдан умумлашган бўлади. Бугина эмас: уларнинг кўпчилиги замон ва макон жиҳатдан чегараланмаган, яъни умумийликка эга бўлиб, уларнинг қачон шаклланганини айтиб ҳам, қўлланиш ҳудудини аниқ чегаралаб ҳам бўлмайди. Бу жиҳатдан, айниқса, мақоллар характерлидир: **Санамай саккиз дема . Нима эксанг, шуни ўрасан . Етти ўлчаб бир кес** .

Ҳар учала гапда ҳам эгани топиш мумкин, шунинг учун улар **эгаси топиладиган гаплар** деб ҳам юритилади, аммо бундан эгани қўйиш керак деган фикр чиқмайди: эганинг қўлланиш-қўлланмаслиги маълум услубий хусусиятлар билан боғлиқ.

Шахссиз гаплар эгасиз гаплардир. Уларда эгани қўллаб ҳам, топиб ҳам бўлмайди, шунинг учун улар **эгаси топилмайдиган гаплар** деб юритилади: **Ойни этак билан ёпиб бўлмас** (мақол). **Тезроқ бориш керак . Бугун қаерга борилади** ? Малаксан ё башар, ё ҳуру ғилмонсан, **билиб бўлмас** , **Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас** (Машраб).

Юқоридаги гапларнинг акси ўлароқ айрим гапларда кесим қўлланмайди: уларда қўлланган айрим сўз ёки сўзлар бирликда эга таркибини ташкил қилади. Бундай гаплар **атов** (номинатив, чоғ.: ном) **гаплар** деб

юритилади. Атов гаплар борлиқдаги нарса-предмет, воқеа-ҳодиса, шунингдек шахсларнинг номини аташ ва ҳозирги замонда - нутқ жараёнида мавжудлигини тасдиқлаш, шунингдек уларни эслаш учун қўлланади. Бироқ улар аксарият ёлғиз қўлланмайди: улардан сўнг шу атов гапдан (сўздан) англашилган нарса-ҳодисага хос белгилар ва улар билан боғлиқ ҳодисаларни ифодаловчи гап ёки гаплар қўлланади. Масалан:**Навбаҳор** . Очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар-ўртоқлар (Муқимий). **Қўқон . 1985 йил , қиш фасли , шамол . " Ҳазрат даҳмаси" деб аталган мадрасада Муқимий яшаётган ҳужра** . Ўчоқда ўт ёнмоқда. Муқимий ёзиб тугатган шеърини... ўқиб бермоқда (С.Абдулла).

Атов гаплар гапга хос оҳанг билан талаффуз қилинади, шу билан улар оддий сўзлардан фарқланади ва ёзувда гап охирида кўпинча нуқта қўйилади. Мисолларни чоғиштиринг: **қор , саҳро , ўрмон , кеча ...** ва **Ўрмон . Қор . Узоқда шовқин .** Ўқ овозлари эшитилади (Уйғун).

Гаплар иккинчи даражали бўлакларнинг иштирокига кўра **содда йиғиқ** ва **содда ёйиқ** деб икки турга бўлинади. Агар гап бош бўлакларнинг ўзидангина иборат бўлса, содда йиғиқ гап, бош бўлаклардан ташқари иккинчи даражали бўлаклар ҳам иштирок этган бўлса, содда ёйиқ гап дейилади. Масалан: Пахта очилди ва пахта қийғос очилди.

Булардан ташқари, бўлакларга бўлинмайдиган бир таркибли гаплар ҳам мавжуд. Бундай гапларнинг бири сўз-гаплар бўлиб, улар кўпроқ диалогларда учрайди. Масалан: **Хўп . Майли . Йўқ . Марҳамат . Тўғри . Нима? А ?** каби.

Маълумки, мавжуд кўпчилик дарслик, қўлланма ва илмий манбаларда таъкидланганидек, қўшма гаплар " икки ва ундан ортиқ содда гаплардан" ташкил топади. Улар грамматик, семантик ва оҳанг жиҳатдан бир бутун бўлиб, анъанага кўра, уч турга бўлинади: **боғланган қўшма гаплар, эргашган** (тўғриси: **эргаш гапли**) **қўшма гаплар** ва **боғловчисиз қўшма гаплар.**

Агар биз юқоридаги таъриф, тасниф, ҳодисани

номлаш ва амалий таҳлилга эътибор берсак, қўшма гаплар хусусида бир қатор муаммолар борлиги кўзга ташланади. Аввало, юқоридаги таснифдан синчков ўқувчида қўшма гапларнинг бошқа тури йўқми деган савол туғилади. Иккинчидан, қўшма гапларнинг мазкур турлари аксарият икки содда гапдан иборат бўлган қўшма гаплар асосида ёритилади. Бироқ ана шу гаплар таҳлилидан сўнг қўшма гапларнинг "уч ва ундан ортиқ содда гаплардан иборат бўлган" тури - мураккаб қўшма гаплар (айрим манбаларда "период" деб ҳам юритилади.) баён қилинади, сўнгра қўшма гап синтаксиси бобида юқоридаги гапларнинг давоми сифатида кўчирма гаплар ўрин олади.

Лекин сўнгги тур гапларнинг юқорида қайд этилган қўшма гапларнинг бирортасига алоқаси бор-йўқлиги мавжуд таснифда реал акс этмаган. Демак, таъриф кенг-у, тасниф тор. Модомики, дейлик, кўчирма гап (унинг қандай гап тарзида бўлишидан қатъи назар) ўзи якка ҳолда қўлланмай, муаллиф гапини тақозо қилар, у билан биргаликда мавжуд бўлар экан, демак, кўчирма гап ҳам қўшма гаплар таснифида акс этиши керак (чоғиштиринг: кўчирма гапли қўшма гап). Агар масалага чуқурроқ ёндашсак, қўшма гаплар билан боғлиқ айрим ҳодисаларни содда гап баҳсида ҳам кўрамиз. Шу муносабат билан биз қуйида баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Эҳтимол, бу билан мавжуд анъана андак "бузилар", аммо бизнинг мақсадимиз ўқувчини баҳсга чорлаш, муаммони ҳал этишда фаол иштирок этишга ундаш, берилган узоқ муддатли давр мобайнида имкон қадар мустақил фикр айтиш кўникмасини вужудга келтиришга қаратилгандир. Ахир, мазкур мустақил ишлардан талабаларгина эмас, балки истаган киши фойдаланиши, қўшма гап синтаксисига оид айрим масалаларни махсус илмий иш даражасига кўтариши мумкин.

Юқоридаги таснифдан кўринадики, қўшма гаплар турини белгилашда, бизнингча, асосан грамматик хусусиятлар ҳисобга олинган кўринади. Ваҳоланки, қўшма гапларни ҳам содда гаплар каби турли жиҳатдан тасниф қилиш мумкин, жумладан, қўшма гапни ҳосил қилувчи содда гапларнинг сони жиҳатдан, боғловчи воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг тури жиҳатдан, содда гапларнинг

ўзаро муносабати жиҳатдан.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг миқдори, яъни тузилиш жиҳатдан дастлаб икки турга бўлинади: **оддий қўшма гаплар** ва **мураккаб қўшма гаплар.** Оддий қўшма гаплар икки содда гапдан ташкил топса, мураккаб қўшма гаплар уч ва ундан ортиқ содда гаплардан ташкил топади. Мисолларга эътибор беринг: Қиш бошланди, бироқ совуқ унчалик баланд эмас. Қиш бошланган бўлса-да, совуқ унчалик баланд эмас. Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади (мақол) ва Мустақилликка эришилди-ю, кўзимиз очилиб, оқ-қорани ажрата бошладик. Бир эшитдимки, қочибди деб; бир эшитдимки, қўлга тушибди деб (А.Қаҳҳор).

Аёнки, қўшма гаплар содда гаплар каби бир бутун, яхлит бирликдан иборат, аммо шу бирликнинг бир турини " боғланган қўшма гап" ва бирини " эргашган қўшма гап" деб аташ қўшма гаплар моҳиятини очиб беролмайди. Аслида бу икки атама таркибида аниқловчи вазифасида келаётган **боғланган ва эргашган** сўзлари қўшма гапларнинг ўзига нисбатан эмас, балки улар таркибидаги содда гапларга нисбатан қўлланиши керак эди. Ҳақиқатда эса мазкур атамалар бир бутун қўшма гапни бошқа бир объектга - гапга боғлиқ қилиб қўяди, яъни улардан бири қўшма гапни қандайдир ноаниқ объектга " боғланган" деб қараса, бири " эргашган" деб қарайди.

Афтидан, бундай ноаниқликлар ўзбек тили материалларини оврўпо ва рус тилшунослиги андозаларига мослаштириш, аниқроғи таржима оқибати бўлса керак. Аслида қўшма гап қандайдир " н" гапга боғланмайди ҳам, эргашмайди ҳам (улар бир бутун матннинг - нутқнинг бир қисми эканлиги бошқа масала), балки қўшма гапни ташкил қилувчи қисмлар - қўшма гап таркибидаги содда гапларгина бирида ўзаро **тенглашиш** йўли билан боғланса, бирида қисмларнинг бири бошқасига **тобеланиш , эргашиш** йўли билан боғланади. Аммо ҳар икки тур қўшма гап аъзолари боғловчисиз қўшма гап аъзоларига зид равишда ўзаро махсус лексик-грамматик воситалар: бир ўринда тенг боғловчилар ва шулар ўрнида келган воситалар орқали боғланса, бир ўринда эса эргаштирувчи боғловчилар ва шулар ўрнида келган воситалар орқали боғланади. Ана шу

воситаларнинг бор-йўқлигига қараб, қўшма гаплар икки гуруҳга бўлинади: **боғловчили қўшма гаплар** ва **боғловчисиз қўшма гаплар***.

Боғловчили қўшма гаплар боғловчи воситаларнинг вазифаси ва турига қараб, ўз ичида иккига бўлинади: **тенг боғловчили қўшма гаплар** ва **эргаштирувчи боғловчили қўшма гаплар.** Айни чоғда мазкур қўшма гаплар ўз таркибидаги содда гапларнинг ўзаро муносабатига кўра ҳам икки турга бўлинади: **тенг аъзоли қўшма гаплар** ва **тобе аъзоли қўшма гаплар** . Бу ўринда биринчи тур қўшма гаплар одатдаги **боғланган қўшма гапларга** тенг келса, иккинчи тур қўшма гаплар эса **эргаш гапли қўшма гапларга** тенг келади. Шунинг учун сўнгги тур қўшма гаплар тўғридан-тўғри **эргаш гапли қўшма гаплар** деб юритилаверади.

Тенг аъзоли қўшма гап қисмлари ўзаро **тенг боғловчилар** (ва, ҳамда, аммо, лекин, ё - ё...) ёки шулар ўрнида келган воситалар (-у, -ю, -да, -ми, на - на...) орқали боғланади: Навдаларни безаб ғунчалар Тонгда айтди ҳаёт отини **Ва** шаббода қурғур илк саҳар Олиб кетди гулнинг тотини (Ҳ.Олимжон). Одамга андиша керак, **лекин** ундан ҳам илгарироқ инсоф керак (А.Қаҳҳор). Эшик ғирч этиб очилди- **ю** , рухсат сўраб Дарвешали кирди (Ойбек).

Эргаш гапли қўшма гаплар таркибида бош гап ва эргаш гап бўлади (чоғиштиринг: бош сўз ва эргаш сўз), шунинг учун уларнинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма гаплар **эргаш гапли қўшма гаплар** деб юритилади. Бош гап нисбатан мустақилликка эга, унинг бош бўлаклари грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган бўлади ва эргаш гапга нисбатан ҳоким саналади. Баъзан эргаш гапнинг бош бўлаклари ҳам грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган бўлади,, бироқ мазмунан бош гапга эргашган бўлади.

Эргаш гап билан бош гапни бир-биридан фарқлаш ҳамда эргаш гап турларини ва шулар асосида эргаш гапли

***Боғловчи** атамаси икки маънода ишлатилади: а) сўз туркумларидан бири маносида. б) икки гапни бириктирувчи грамматик восита маносида.

қўшма гап турларини аниқлашда бош ва эргаш гаплардан англашилган ҳаётий воқеа-ҳодиса ва нарса-предметларнинг ўзаро муносабатига, улар таркибида қўлланган нисбий сўзларга, эргаш гапнинг кесимидаги морфологик кўрсаткичларга ҳамда боғловчиларнинг турига эътибор берилади.

Биринчидан, эргаш гап бош гап билан **эргаштирувчи боғловчилар** (чунки, шунинг учун, негаки, токи, -ки, -ким, гўё...) ва шулар ўрнида келган турли морфологик воситалар (-ми, -ку,-са-да, -са ҳам, -гач, -гунча, -(и)б, -масдан, -май, -(и)ши билан, -ганда, -син деб, -ган сари, -ганда ҳам...) орқали боғланади. Иккинчидан, айни чоғда бош гап билан эргаш гап таркибида уларни бир-бирига бириктириб турувчи махсус сўзлар ҳам қўлланади, жумладан, эргаш гап таркибида сўроқ олмошлари, бош гап таркибида эса кўрсатиш ва ўзлик олмошлари қўлланади. Айниқса, сўроқ олмошлари ўз луғавий маъноларини йўқотиб, нисбий сўзга айланган бўлади ва эргаш гап билан бош гапни ўзаро бириктиришга хизмат қилади, гўё эргаш гапда сўроқ маъноси ифодалангандек, бош гапда эса уларга мос ҳолда кўрсатиш олмошлари ва шулар асосида ҳосил бўлган сўзлар ёки улар иштирок этган бирликлар ҳамда ўзлик олмоши жавоб тариқасида қўлланганде бўлади. Масалан, эргаш гап таркибида **ким** , **кимки** , **кимда - ким** , **қанча** , **қанчалик** , **нечоғлик** , **қай даражада** , **қандай** , **қайси** , **қаерга** (- **да** , - дан) каби сўзлар, бош гап таркибида эса шуларга мос ҳолда **у** , **шу** , **ўша** , **шундай** , **шунақа** , **шунча** , **шу қадар** , **шунчалик** , **чунон** каби сўзлар, шунингдек **ўзи** олмоши қўлланади. Мисоллар: **Шундай** одамлар бор**ки** , **улар** ҳаётларини халқ хизматига бағишлайдилар (П.Турсун). Меҳнат **қанчалик** қийин бўлса , самараси **шунчалик** ширин бўлади (С.Аҳмад). **Ҳар киши ким** бировга қозғай чоҳ, Тушкай ул чоҳ уза **ўзи** ногоҳ (А.Навоий). Кўз **қаерда** бўлса , меҳр ҳам **шу ерда** бўлади. Баъзан юқорида эслатилган воситаларнинг бири ёки барчаси тушиб қолиши ҳам мумкин: **Агар** эл қилмади ҳимоят санга, ўзингдан керакдир шикоят санга (А.Навоий). Одамлар бор - ҳайвонни ҳам ўргатар қўлга, Одамлар бор - ўз боласин сололмас йўлга (С.Акбарий).

Бош гап билан эргаш гапнинг жойлашиш ўрни

қатъий эмас: луғавий ва грамматик воситаларнинг турига ва хусусиятига қараб, гоҳ эргаш гап, гоҳ бош гап олдин ёки кейин келаверади. Худди бош гаплар каби кесими грамматик жиҳатдан шаклланган эргаш гаплар бош гап билан -ки, -ку, -ми, **чунки** кабилар воситасида боғланган бўлса, бош гап олдин, **шунинг учун** воситасида боғланган бўлса, эргаш гап олдин келади. Масалан: Анвар охирги мисрани айтолмай қолди, **чунки** қофия топиш қийин эди (А.Қодирий). Ориф ака кўтарган мавзу чуқурроқ эди, **шунинг учун** кўпчилик индамай ўтирди (А.Мухтор). Унутмангки , эртага ҳисоботингиз эшитилади ва б.

Эргаш гапларнинг кесими -гач, -гунча, -ганда, -(а)р -мас, -май, -масдан, -(и)б кабилар воситасида шаклланган бўлса, эргаш гап олдин, бош гап кейин келади, бироқ бундай чоғда эргаш гапнинг кесими ўз эгаси билан грамматик жиҳатдан шахс-сонда мослашмайди, балки истаган шахс-сонда келаверади. Масалан: **Мен** (//сен, у, биз, сиз, улар) **келганда,** дарс бошланган эди ёки **Сиз**(// мен, сен, биз, акам, меҳмонлар, Аҳмаджон) кели**б** , уйимиз гавжум бўлиб кетди. Баъзан -ганда, -гунча шаклларининг биринчи қисми эгалик қўшимчаларини олган ҳолат учрайди: Мен **келганда // келганимда** .., сен **келгунча // келгунингча** ... каби. Бироқ бу ҳодисанинг эга ва кесим мослигига дахли йўқ, балки бу тарихан қаратқич+қаралмиш муносабатининг қолдиғидир.

Кесими -са, -са ҳам, -са-да, -га қарамай каби воситалар билан шаклланган эргаш гаплар ҳам аксарият бош гапдан олдин келади, аммо кесимининг асосий қисми ўз эгаси билан шахс-сонда мослашган бўлади. Масалан: **мен келсам** .., **биз айтсак ҳам** .., **сен келсанг-да** , **Раҳим ўқимаганига қарамай** ... Ҳатто равиш, тўсиқсиз ва ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап ўртада келиши ҳам мумкин. Масалан: Дўстмат, **томирлари бўшашиб** , уйга қуруқ қўл билан қайтди (П.Турсун). Қосим карвон, **узоқда кўзига бир нарса кўрингандай** , тикилиб қолди. Салтанатхон ая, **саломатлиги яхши бўлса-да,** ишга келмай қўйди ва б.

Эргаш гаплар, гапдаги ўрнидан ва луғавий ҳамда грамматик воситаларнинг туридан қатъи назар, ҳамиша бош гапга эргашиб, бош гапни ёки унинг бирор бўлагини

аниқлаб, изоҳлаб, тўлдириб келади. Эргаш гаплар мантиқан бош гап таркибига киради, аммо улар ҳам бош гап каби грамматик жиҳатдан ўзига хос шаклланган алоҳида, ўзига хос предикатив бирликдан иборат, шунинг учун бу ўринда икки грамматик гапнинг бир-бирига муносабати кўзда тутилади.

Эргаш гаплар қуйидагича турларга бўлинади: эга эргаш гап, кесим эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, аниқловчи эргаш гап, равиш эргаш гап, пайт эргаш гап, ўрин эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гап, даража-миқдор эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, натижа эргаш гап.

Эга, кесим, тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гаплар бош гапдаги олмош билан ифодаланган мазкур номлар билан аталувчи бўлаклардан бирини, жумладан, эга эргаш гап бош гапдаги **у , шу,ўша , ўзи** олмошлари билан ифодаланган эгани, кесим эргаш гап **шу** олмоши (ва шу олмош иштирок этган турли бирликлар) билан ифодаланган кесимни, тўлдирувчи эргаш гап **шу** олмоши орқали ифодаланган тўлдирувчини, аниқловчи эргаш гап бош гапдаги **шундай , шунақа , баъзи** каби сўзлар билан ифодаланган аниқловчини изоҳлайди. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган эга, тўлдирувчи, аниқловчи қўлланмаслиги ҳам мумкин (мисоллар қуйида).

Эга эргаш гап бош гапга -ки, -ким, -са, -(а)р экан, кесим эргаш гап -ки, тўлдирувчи эргаш гап -ки, -ким, -са, -ми, -ку, аниқловчи эргаш гап -ки, -са каби воситалар орқали боғланади. Мисоллар: а) эга эргаш гап: **Ким** ўқишдан орланма**са , у** (қиёсланг: **шу , ўша**) сувдан дурдона, тошдан лаъл чиқаради (Низомий). Йўлчига **шуниси** қизиқ туюлди**ки** , ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида текис саф тортиб турарди (Ойбек); б) кесим эргаш гап:Шартим **шуки,** қирқ кишига зиёфат берасиз (Ойбек). Масала **шундаки** ,Абдимўмин ака адабиётимизнинг катта мутахассисларидан экан (О.Ёқубов); в) тўлдирувчи эргаш гап: Сизга яна **шуни** маълум қилмоқ**ки** , Эргашдан ҳали ҳам хат йўқ (Ҳ.Ғулом). **Шунга** эришайлик**ки** , орамизда биронта ғаламис қолмасин (М.Исмоилий). Ўзинг биласан-**ку,** у ердагилар маълумотли одам бўлиши керак (С.Айний);

г) аниқловчи эргаш гап: Бизга **шундай** илмий-техника маркази керак**ки**, унга турли ихтисосдаги юзлаб ишчилар бирлашсин (А.Қаҳҳор). **Ким** кўп меҳнат қил**са, унинг** даромади мўл бўлади.

Қолган эргаш гаплар бош гапни бутунича изоҳлайди, аниқроғи бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажаралиш белгиларини аниқлайди, жумладан, равиш эргаш гап бош гапнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, қай тарзда рўй беришини (қандай?, қандай қилиб?, қай тарзда?), пайт эргаш гап шу иш-ҳаракатнинг қай вақтда юз беришини (қачон?, қачонгача?, қачондан бери?), ўрин эргаш гап эса унинг бажарилиш, бошланиш ва йўналиш ўрнини (қаерда?, қаердан?, қаерга?, қаёқда?..), сабаб эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг нима сабабдан юз беришини (нима учун?, нимага?, нима сабабдан?), мақсад эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини (нима мақсадда?, нима учун?, нега?), даража-миқдор эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш даржаси, миқдори ва такрорланишини (қанча?, қанчалик?), шарт эргаш гап шу иш-ҳаракатнинг бажарилиши бирор шартга - эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишига боғлиқлигини ва шу шартсиз бажарилмаслигини (нима бўлса?, нима қилса?, нима қилинса?), тўсиқсиз эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишига бошқа бир ҳодисанинг тўсиқ бўлолмаслиги, унга халақит беролмаслигини (нима қилса ҳам?, нима бўлса ҳам?), натижа эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш оқибатини, натижаси нима билан тугашини билдиради. Ниҳоят, ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли қўшма гаплерда бош гап билан эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса, шахс ёки нарса бир-бирига чоғиштирилади, ўхшатилади, қиёсланади (қандай?, қанақа?).

Мазкур эргаш гапларнинг бош гапга боғланиши қуйидагича: равиш эргаш гап бош гапга -(и)б, -май, -масдан, -гунча ёрдамида, пайт эргаш гап -ганда, -ган ҳам эди, -гандан бери (//буён, сўнг, кейин), -гач, -гунча, -(и)б, -са, -май, -ми, -ки, -оқ, -ёқ, -(а)р экан, -(а)р-мас, -масдан олдин (//аввал, бурун, илгари), -(и)ши билан кабилар ёрдамида, ўрин эргаш гап -са, га...-ма + -син, -га -ма+-нг кабилар ёрдамида, сабаб эргаш гап **шу сабабли//туфайли**,

шунинг учун , чунки , негаки , сабабки , шекилли , гани учун, -гач, -май, -ганидан кабилар ёрдамида, мақсад эргаш гап **зора, деб, токи,** -ми экан, -син учун ёрдамида, шарт эргаш гап -са, -са эди, -ганда, -(а)р экан, -са экан, -са борми, **агар, магар, башарти** кабилар ёрдамида, даража-миқдор эргаш гап -са, -ки, -ган сари//сайин ёрдамида, ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гап **гўё, гўёки,** -гандан кўра, -ган каби (//сари, сингари), -гунча, **худди** кабилар ёрдамида, тўсиқсиз эргаш гап -са ҳам, -са-да, -ганда ҳам, -масин, -гани ҳолда, -(и)шига қарамасдан//қарамай, -ганига қарамай, -гани билан, **гарчи, гарчанд** кабилар ёрдамида, ниҳоят, натижа эргаш гап -ки ёрдамида боғланади.

Булардан ташқари, юқоридаги баъзи эргаш гапларда, шунингдек бош гап билан эргаш гаплар таркибида айрим нисбий сўзлар ҳам қўлланади, жумладан, пайт эргаш гап таркибида **вақт , замон, заҳоти , маҳал , пайт , чоғ , он** сўзлари; ўрин эргаш гапли қўшма гапларда: а) эргаш гап таркибида **қаерга , қаёққа , қаерда , қаёқда , қаердан , қаёқдан , қай томонга//тарафга** каби сўзлар; б) бош гап таркибида **шу ерга , шу ерда , шу ердан , ўша ёққа , ўша ёқдан , шу томондан// тарафдан** каби сўзлар; ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гапли қўшма гапларда: а) эргаш гап таркибида **қандай , қандай қилиб , қанақа сўзлари**, б) бош гап таркибида **шундай, шунақа қилиб , шунақа , ўшандай қилиб** каби сўзлар; даража-миқдор эргаш гапли қўшма гапларда: а)эргаш гап таркибида **қанча, қанчалик , нечоғлик , қай даражада , нақадар** каби сўзлар, б) бош гап таркибида **шунча , шунчалик , ўшанча, ўшанчалик , шу қадар , шу даражада** каби сўзлар; натижа эргаш гапли қўшма гапларда: а) эргаш гап таркибида **оқибатда , натижада** сўзлари, б) бош гап таркибида **шунча, шунчалик , шундай , шу қадар , шунақанги ,чунон , чунонам** каби сўзлар қўлланади.

Мисоллар: равиш эргаш гап: У **юраги ҳовлиқиб** , бир зумда перроннинг у бошидан бу бошига бир неча марта бориб келди (А.Қаҳҳор). **Наимийнинг бирор иши ўнгидан келмасдан , бирор мақсади юзага чиқмасдан** , умри бекорга ўтиб кетди (А.Мухтор); пайт эргаш гап: **Шеър ўқиш охирига етмай** , билинар-билинмас хурраж эшитилди

(С.Абдулла). **Алишер ҳиротга келгандан буён** , жаҳоннинг у нодир сиймоси тўғрисида яхши таърифлар эшитиб тураман (Ойбек). **Эшик бирдан очилиб** , остонада Қудрат кўринди (М. Исмоилий). **Мен келгунча** , кетиб қолманг; ўрин эргаш гап: **Сен қаерга борсанг** , мен ҳам неварамни **шу ерга** олиб бораман (А.Қаҳҳор). **Сиз Ўзбекистоннинг қаерига борманг** , **у ерда** сизни хурсандчилик билан кутиб олишади; сабаб эргаш гап: **Қиш кечалари узун** , **шунинг учун** чойхоналар обод (А.Қодирий). **Кампирнинг уйқуда эканлигига ишонгач** , юраги бирдан тинчланди (Ойбек). **Ўрмонжон бошига каттакон оқ қалпоқ кийиб олгани учун** , юзи кичкина ва қоп-қора кўринар эди (А.Қаҳҳор); мақсад эргаш гап: Тоғдай оғир билак бердим, **ёвларни муштласин деб** (Ҳ.Олимжон). **Ойимхон уйғонмасин учун** , Холмурод оёқ учида бориб ўз ўрнига ётди (П.Турсун); даража-миқдор эргаш гап: **Эгрини тўғрилаш қанча қийин бўлса** , тўғри кўнгилга эгри гапнинг сингиши ҳам **шунчалик** қийин бўларкан (Ё.Шукуров). Ҳали Онахоннинг билмагани **шу қадар** кўп эди**ки, сўраб охирига етолмасдай кўринди** (А.Мухтор); ўхшатиш-чоғиштириш эргаш гап: **Бу ерда туғилган инсон қай йўсинда ўсса** , Холмурод ҳам **шундай** ўсарди (П.Турсун). **Йигит кишининг боши эгилгунча** , ҳўкизнинг шохи синсин (мақол); шарт эргаш гап: **Қўйни шубон асрамаса ою йил** , Оч бўрилар туъмасидур бори бил (А.Навоий). **Қаловини топса** , қор ёнади (мақол). **Агар фермага ўтаман деганингизда борми** , қўлимни ювиб қўлтиққа урардим (С.Аҳмад); тўсиқсиз эргаш гап: **Қоронғи тушиб қолганига қарамай** , даҳшатли ўтдан ҳамма ёқ ёп-ёруғ эди (М.Исмоилий). **Офтоб тобланиб турган ҳолда** , ёмғир ёғмоқда эди (С.Айний). **Йўлчи қанча такрорласа ҳам,** Ёрмат буни пайқамас эди (Ойбек); натижа эргаш гап: Жандарм бошлиғи Дилшод қаншарига шундай мушт урди**ки** , **у гандираклаб бориб, орқаси билан деворга урилди** (М.Исмоилий). Собир тўсатдан шундай узоқ ва кучли хўрсиндики , **натижада қиз ихтиёрсиз равишда кулиб юборди** (Ойбек). Гоҳо юқоридаги воситалар тўлиқ қўлланмаслиги ҳам мумкин: **Агар қилмади эл ҳимоят санга** , Ўзингдин керакдир шикоят санга (А.Навоий). **Агар отинг йўқтур** , арпа ғамин емассан (А.Навоий), чоғиштиринг: Шул эрур .

айбим, Муқимий, **мардуми Фарғонаман** (Муқимий).

Эргаш гаплар ёки уларни бош гапга боғловчи воситалар айнан ўхшаш бўлиши мумкин. Бундай чоғда эргаш гапнинг қандай эргаш гап эканлигини аниқлаш учун бош гапга, унинг мазмунига, қайси бўлакни изоҳлаётганига эътибор берилади. Масалан, **Ким кўп ўқиса** ... каби эргаш гаплар эга эргаш гапга ҳам, аниқловчи эргаш гапга, ҳатто тўлдирувчи эргаш гапга ҳам мос келолади.Буни аниқлашда икки усулдан фойдаланилади. Агар ана шу эргаш гап бош гапнинг олмош билан ифодаланган эгасини - бош келишиқдаги **у , шу , ўша , ўзи** олмошларини изоҳласа, эга эргаш гап, агар мазкур олмошларнинг қаратқич келишигида келган шаклини изоҳласа, аниқловчи эргаш гап, борди-ю, ана шу олмошларнинг тушум келишигидаги шаклини изоҳласа, тўлдирувчи эргаш гап бўлади: **Ким кўп ўқиса , у** (шу, ўша) ҳамма фанлардан юқори баҳо олади - эга эргаш гап; **Ким кўп ўқиса , унинг** (//шунинг, ўшанинг) билими ортиқ бўлади - аниқловчи эргаш гап; **Ким кўп ўқиса,** уни (//шуни, ўшани) ҳамма ҳурмат қилади - тўлдирувчи эргаш гап. Иккинчиси ана шундай эргаш гапли қўшма гапларни содда гапга айлантириб кўришдир. Бундай чоғда эргаш гап содда гапнинг одатдаги бўлакларидан бирига - фақат бирикма орқали ифодаланган турига айланади, яъни мазкур эргаш гап биринчи ҳолатда бирикмали эгага, иккинчи ҳолатда бирикмали аниқловчига, учинчи ҳолатда бирикмали тўлдирувчига айланади. Масалан, биринчи эргаш гапли қўшма гап **Кўп ўқиган одам** ҳамма фанлардан юқори баҳо олади, иккинчи эргаш гапли қўшма гап **Кўп ўқиган одамнинг** билими ортиқ бўлади, учинчи эргаш гапли қўшма гап эса **Кўп ўқиган одамни** ҳамма ҳурмат қилади шаклида бўлади. Бундай ҳодиса олмошларнинг мавҳум сўз туркуми эканлиги, шунинг учун изоҳ талаб қилиши билан ҳам боғлиқдир.

Эргаштирувчи воситалар на фақат хилма-хил кўринишга эга, балки кўп вазифали ҳамдир, яъни айни бир грамматик шакл бир неча эргаш гапларнинг шаклланиши ва уларнинг бош гап билан боғланишида хизмат қилади. Шунинг учун, дейлик, -са, -(и)б, -гач, -май шаклларини олган эргаш гапларни аниқлашда бош

гапдаги феъл кесимнинг замонига, унинг луғавий-семантик маъносига, воқеа-ҳодисаларнинг характерига ҳам эътибор берилади. Масалан, **Мен кўчага чиқсам, ёмғир ёғаяпти** ва **Мен кўчага чиқсам, бошим айланади** гапларини олиб кўрайлик. Бу ердаги айни бир мазмун ва шаклдаги эргаш гап икки хил эргаш гапга тенг келади, бироқ бош гаплар мазмунан бир-биридан фарқлидир.

Маълумки, ёмғирнинг ёғиши бирор шахснинг ҳаракатига - унинг кўчага чиқиш-чиқмаслигига боғлиқ эмас, балки кўчага чиқиш ҳаракати ёмғирнинг ёғишига тўғри келиши, икки ҳаракатнинг ўзаро дуч келиши, кўчага чиқилганда ёмғир ёғаётган бўлиши мумкин, холос. Иккинчи ҳолатда бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши чиндан ҳам бошқа бир амалнинг бажарилишига боғлиқ ва шусиз амалга ошмайди, шунинг учун юқоридаги эргаш гап биринчи ўринда пайт эргаш гапга, иккинчи ўринда эса шарт эргаш гапга тенгдир, аммо сўнгги ўринда ҳам пайт тушунчаси йўқ эмас.

Айниқса, -(и)б, -гач шаклларини олган эргаш гапларни аниқлашда янада кенгроқ фикр юритишга тўғри келади. Гап шундаки, бу шаклларни олган эргаш гапларда айни бир вақтда пайт ва сабаб, сабаб ва ҳолат маънолари сезилиб туради. Бундай чоғда қайси маъно устун эканлиги, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишида қандай ҳодиса муҳим ўрин тутиши алоҳида аҳамиятга эга.Масалан, **Акам армиядан келиб, уйимиз қувончга тўлди** гапида эргаш гап сабабни билдиради, лекин унда пайт, ҳатто ҳолат маъноси ҳам сезилади. Бироқ бу гапда сабаб тушунчаси устунлик қилади. **Баҳор келиб** , (далаларда ишлар бошланиб кетди) гапи пайт эргаш гапдир, шунга қарамай, унда сабаб маъноси ҳам бор, аммо баҳорнинг маълум пайтда келиши, дала ишларининг ҳам баҳорда бошланиши табиий ҳолдир. Албатта, ҳамма эргаш гаплар ҳам маъно жиҳатдан шундай характерга эга эмас.

Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчи воситаларсиз - мазмун ва оҳанг орқали боғланади. Бундай гаплар мазмунан ё тенг аъзоли боғланган қўшма гапларга, ё эргаш гапли қўшма гапларга тенг келади. Агар боғловчисиз қўшма гаплар мазмунан тенг аъзоли қўшма гапларга "тенг" келса, улардаги содда гаплар

ўртасида тенг боғловчилардан ёки шулар ўрнида келадиган воситалардан бирини қўллаш мумкин. Масалан: Ўктамнинг нияти холис, қадами тоза (Ойбек)- Ўктамнинг нияти холис **ва** қадами тоза. Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар (мақол) - Илмсиз бир яшар, **лекин** илмли минг яшар. Агар боғловчисиз қўшма гаплар мазмунан эргаш гапли қўшма гапларга "тенг" келса, улардаги содда гаплар ўртасида эргаштирувчи боғловчилардан ёки шулар ўрнида келувчи воситалардан бирини қўллаш мумкин. Масалан: Қўшнинг тинч - сен тинч (мақол) - Қўшнинг тинч, **шунинг учун** сен тинч. Сув келди - нур келди (мақол) - Сув келди, **гўё** нур келди. Ўқиб, яна менга қайтаринг, жанобга қўрсатишимиз керак (А.Кодирий). - Ўқиб, яна менга қайтаринг, **чунки** жанобга кўрсатишимиз керак. Бунинг сабаби шундаки, иккинчи тур боғловчисиз қўшма гапларда сабаб, пайт, ўхшатиш, шарт, натижа, тўсиқсизлик каби маънолар ифодаланади.

Қўшма гапларнинг мураккаб тури кўпроқ ёзма адабий тил, хусусан, адабий ҳамда илмий асарлар билан боғлиқ бўлиб, шахс ёки нарса-предметни кенгроқ, атрофлича ёритишга, бир-бири билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни бир бутун ҳолда ифодалашга хизмат қилади. Шунинг учун улар камида учта ва ундан ортиқ содда гаплардан ташкил топади. Мисолларга эътибор беринг: Гап-сўзлар бости-бости бўлиб, бу воқеа фуқаро ёдидан кўтарилгач, яна қайтиб келасиз, ўзимиз сиз жанобни қучоқ очиб кутиб оламиз (Мирмуҳсин). Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши, Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши. Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши. Бир-бир не дейин, боштин-аёғинг яхши (Навоий).

Мураккаб қўшма гаплардаги содда гаплар миқдорининг қуйи чегараси аниқ бўлгани ҳолда, сўнгги чегарасини қатъий белгилаш анча мушкул: бирор мураккаб қўшма гапда нечта содда гап борлиги алоҳида олинган аниқ далиллар асосида белгиланади.

Мураккаб қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро муносабатига, боғланиш усулига кўра қуйидагича турларга бўлинади:

а) эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма

гаплар;

б) боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар;

в) аралаш йўл билан тузилган муракаб қўшма гаплар (ёки ҳам эргашиш, ҳам боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар).

Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар таркибида икки ва ундан ортиқ эргаш гаплар иштирок этади, шунинг учун улар **бир неча эргаш гапли қўшма гаплар** деб ҳам юритилади.Масалан: Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавосини олса, ўша ударник бўлади (А.Қаҳҳор). Сулув унинг гапини эшитмади, чунки хаёли уйида, кўзи узоқларда эди (С.Аҳмад). Мазкур қўшма гаплар бир бош гап ва икки эргаш гапдан иборат бўлган мураккаб қўшма гаплардир: биринчи мисолда охирги - учинчи гап бош гап бўлса, иккинчи гапда эса биринчи гап бош гапдир.

Бундай мураккаб қўшма гаплардаги эргаш гапларнинг бош гапга боғланиши ва ўзаро муносабати бир хил эмас: баъзи эргаш гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлиб, бош гапга ўзича бир пайтда боғланса, баъзи эргаш гаплар эса бири иккинчисига, иккинчиси сўнггисига ва ҳоказо эргашиб, сўнгра бош гапга боғланади. Шу жиҳатдан биринчи тур эргаш гаплар **биргалик эргаш гаплар** , иккинчи тур эргаш гаплар эса **кетма-кет эргаш гаплар** деб юритилади.

Биргалик эргаш гаплар бош гапга биргалик эргашиш йўли билан боғланади, яъни ҳар бир эргаш гап бош гапга ўзича боғлана олади ва уларнинг кесимлари ҳам грамматик жиҳатдан кўпинча бир хил шаклда бўлади. Масалан: **Балиқ қорнин ёрганда, Пичоқ белга борганда** , Чол бирдан чўчиб кетди (Ҳ.Олимжон). **Агар садоқати самимий бўлса, хоқон ҳазратлари синаган бўлсалар,** у тақдирда камина учун эътирозга ўрин йўқ (Ойбек). Шоир демоқчики, **булутдан ёмғир ёғади ва бу ёмғирдан гул униб чиқади** (С.Аҳмад). Мазкур мисолларнинг ҳар бирида иккитадан эргаш гап бўлиб, биринчи гапда иккита пайт эргаш гап, иккинчи гапда иккита шарт эргаш гап (ҳар иккисида ҳам биринчи ва иккинчи гаплар) учинчи - бош

гапга, сўнгги гапда эса иккита тўлдирувчи эргаш гап (иккинчи ва учинчи гаплар) биринчи - бош гапга боғлангандир.

Кетма-кет эргаш гаплар бош гапга кетма-кет эргашиш йўли билан боғланади, яъни олдинги эргаш гап ўзидан кейинги эргаш гапга, у эса ўз навбатида ўзидан кейинги эргаш гапга эргашади ва, ниҳоят, охирги эргаш гап бош гапга эргашиш йўли билан боғланади. Демак, кетма-кет эргаш гапларнинг бош гапга боғланиши изчиллик, яъни бирин-кетин, тартиб билан боғланишдир. Масалан: Шарофатхоннинг сўзи Унсинга қаттиқ текканидан, ранги ўчиб, ерга қараб қолди (Ойбек). Бу жумлада учта содда гап бўлиб, биринчи гап - сабаб эргаш гап иккинчи - равиш эргаш гапга, равиш эргаш гап эса учинчи гап - бош гапга боғланмоқда.

Ёки: Сиз куйиб-пишиб гапириб турганингизда, сигири маъраб қолса, сизга эмас, сигирига қарайдиган одамга гап таъсир қиладими? (А.Қаҳҳор). Бу гапда биринчи гап (пайт эргаш гап) иккинчи гапга (шарт эргаш гапга), у эса учинчи гапга - бош гапга эргашиш йўли билан боғланган. Шундай ўринларда бош гап ўртада келиши ҳам мумкин. Бундай чоғда олдин эргаш гапларнинг бири бош гапга боғланади, кейинги эргаш гап олдинги икки гапнинг йиғиндисига боғланади (бунинг акси ҳам, яъни олдинги гап кейинги икки гапнинг йиғиндисига боғланиши ҳам мумкин). Масалан: Маҳмуд кириб келганда, шундай олқишлар кўтарилдики, биз ҳайратда қолдик (С.Зуннунова). Бу ерда биринчи - пайт эргаш гап иккинчи - бош гапга , учинчи - натижа эрга гап эса олдинги икки гапнинг йиғиндисига - пайт эргаш гапли қўшма гапга боғланаётир.

Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро ё тенг боғловчилар, ёки шулар ўрнида келган воситалар орқали, ёки эса боғловчи воситаларсиз - оҳанг орқали боғланади. Масалан: Сурув катта, қўй кўп, ҳаммаси бирдан қўзғалолмайди (П.Қодиров). Мана, арава кенг кўчага қайрилди, одам қалин, аммо чироғ унда-бунда, Аҳмад Ҳусайн жиддий, асабий, ўйчан эди (Ойбек). Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар, Арз этайин эмди ёзиб номалар. Ўн икки

ойда келадур бир таноб, Ўзгалара роҳату менга азоб (Муқимий).

Учинчи тур мураккаб қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг баъзилари ўзаро боғланиш йўли билан боғланса, баъзилари эса эргашиш йўли билан боғланади. Демак, бундай мураккаб қўшма гапларда икки хил усул - ҳам боғланиш, ҳам эргашиш усули қатнашади. Буларнинг характерлиси бир эргаш гап ва икки ёки учта бош гап, иккита эргаш гап ва иккита бош гапдан иборат бўлган кўринишидир. Агар эргаш гап битта бўлса, у бош гапларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида боғланиши ёки бош гапларнинг бири билан боғланиши мумкин. Масалан: Шаҳар уйларидаги ҳамма чироқлар ўчди, лекин узун болохонали бу уйдаги чироқлар ўчмаган, чунки **бу чироқлар ўчиши мумкин эмас** (Ҳ.Ғулом). Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. **Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса** , Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш (А.Навоий).

Мазкур гапларнинг биринчисида учта, иккинчисида тўртта содда гап бор. Биринчи гапдаги сабаб эргаш гап (учинчи гап) ўзидан олдинги иккинчи бош гап билан, иккинчи гапдаги шарт эргаш гап (учинчи гап) ўзидан сўнгги бош гап билан (тўртинчи гап) эргашиш орқали боғланган, ҳар икки гапдаги биринчи ва иккинчи гаплар эса ўзаро тенглашиш йўли билан боғланган. Қуйидаги гапларда биринчи шарт ҳамда пайт эргаш гаплар ўзидан кейинги учта бош гапнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида боғланади: **Ботирали ёнимда бўлганда** , бағрим бутун, ҳамма нарсам саранжом, қайғум йўқ эди. (Ҳ. Ғулом). **Назари сатрлар оралаб йўргаларкан** , остидан хазина топган кишидек қўллари аста титрайди, юзига ғалати табассум югуради, кенг ва ёрқин пешонасида маржондек тер пайдо бўлади (М.Осим).

Эргаш гаплар ҳам, бош гаплар ҳам икки ва ундан ортиқ бўлганда, одатдаги қўшма гапларга ўхшаш ўзига хос "қўшма гап"лар ҳосил бўлади. Масалан: Сентябрнинг ўн биринчи куни бўлишига қарамай, ҳарорат ҳамон ўттиздан пастга тушмас, ёз бўйи ёмғир ёғмагани учун, дов-дарахтларни чанг, ғубор босиб ётар эди (Ҳ. Ғулом). Бу ерда мазмун ва тузилиш жиҳатдан иккита эргаш гапли

"қўшма гап" мавжуд: бири - тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап (биринчи ва иккинчи гаплар) ва бири - сабаб эргаш гапли қўшма гап (учинчи ва тўртинчи гаплар). Демак, ҳар икки "қўшма гап" ҳам эргашиш усули билан тузилган, аммо уларнинг ўзаро муносабати эса тенглашишдир. Иккала эргаш гап ҳам бош гапларнинг бири - фақат ўзидан кейинги бош гап билан боғланган.

Кўринадики, сўнгги турдаги мураккаб қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар орасида ички гуруҳланиш юз бериб, ҳар бир гуруҳ ўз навбатида тузилиш жиҳатдан тенг аъзоли ёки боғловчисиз қўшма гапни, ё эргаш гапли қўшма гапни ҳосил қилади. Ҳосил бўлган гуруҳлар ўзаро тенглик ёки бири иккинчисига нисбатан тобелик муносабатида бўлади.

Шу муносабат билан яна бир-иккита мисол келтирайлик: Бир эшитдимки, қочибди деб; бир эшитдимки, қўлга тушибди деб (А.Қаҳҳор). Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш. Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш (А.Навоий).

Биринчи жумлада ҳар икки гуруҳ тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапдан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро муносабати боғловчисиз қўшма гапни ҳосил қилган, иккинчи жумлада эса биринчи ва иккинчи гаплар ўзаро воситасиз боғланиб, боғловчисиз қўшма гапни ташкил қилган бўлса, учинчи ва тўртинчи гаплар эса шарт эргаш гапли қўшма гапни ҳосил қилган ва уларнинг йиғиндиси ўз навбатида боғловчисиз қўшма гапни ҳосил қилган.

Баъзан ҳосил бўлган гуруҳларнинг бири биргина бош гапдан, иккинчиси эса икки ва ундан ортиқ содда гапдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бундай чоғда бош гапларнинг бири асосий, иккинчиси нисбий бош гап характерида бўлади, чунки сўнгги бош гап ўзига тобе бўлган эргаш гаплар билан бирликда асосий бош гап мазмунини изоҳлайди. Масалан: Шуниси борки, бу ердаги одамлар завод, мамлакат ҳақида гапирганда, чеҳралари очилиб, кўзлари нурланиб кетади (А.Мухтор). Гапимнинг хулосаси шуки, электростанция қурамиз, чунки пулимиз бор, кучимиз этади (С. Аҳмад). Кўринадики, ҳосил бўлган гуруҳлар ўртасида эргаштирувчи боғловчилар бўлса,

улардан бири бош гап, иккинчиси эргаш гап характерига эга бўлади.

Албатта, мураккаб кўшма гаплар таркибидаги "кўшма гаплар" алоҳида олинган кўшма гапларга тенг эмас, балки бир-бири билан боғланган ва бир мураккаб фикрни ифодаловчи компонентлардир. Айниқса, адабий тилнинг ёзма шакли тараққиёти натижасида мураккаб кўшма гапларнинг турли-туман кўринишлари вужудга келмоқда, шунинг учун уларни ҳамиша аниқ бир шакл ва миқдорда бўлади дейиш қийин. Мураккаб кўшма гапларнинг кўриниши аниқ далиллар асосида таҳлил қилинади. Биз ҳам юқорида мураккаб кўшма гапларнинг айрим кўринишларини бердик, холос.

Юқорида кўрганимиздек, гапларни ўзаро боғловчи воситалар хилма-хил, шунинг учун топшириқ юзасидан танланган мисоллар бир хил шаклда бўлиб қолмаслиги керак, яъни келтирилган мисоллар бир-биридан грамматик воситалар, айрим гаплар эса мазмун жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқланиб туриши керак. Мисоллар охирида бадиий асарнинг муаллифи, номи, нашр йили, саҳифаси кўрсатилади.

ТОПШИРИҚЛАР БЎЙИЧА ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Маълумки, морфологик ва синтактик таҳлил текширилаётган сўзнинг устига, баъзан ёнига тегишли изоҳ ёзишни тақозо қилади ва бу кўп жойни эгаллайди, шунингдек бу борада ҳар ким ҳар хил усул қўллаши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳаммада бир хиллик бўлишини таъминлаш мақсадида мавзулар юзасидан қуйидаги айрим шартли қисқартмалар тавсия этилди:

а) ат. (атоқли от), т. (турдош от), қ.к. (қаратқич келишиги), т.к. (тушум келишиги), ж.к. (жўналиш келишиги), ў.п. (ўрин-пайт келишиги), ч.к. (чиқиш келишиги), б. (бирлик), к. (кўплик), э. (эгалик), т.о. (туб от), с.о. (содда от), қ.о. (қўшма от), ж.о. (жуфт от), я.о. (ясама от); с. (сифат), а.с.(аслий сифат), н.с. (нисбий сифат), т.с. (туб сифат), қ.с. (қўшма сифат), ж.с. (жуфт сифат), с.с. (содда сифат), я.с. (ясама сифат), қ.д. (қиёсий даража), о.д. (орттирма даража); м.с. (миқдор сон), т-б (тартиб сон), с-қ (саноқ сон), д.с. (дона сон), жам. (жамловчи сон), ч.с.

(чама сон), т-м (тақсим сон), туб (туб сон), тар. (таркибли сон), ж-т (жуфт сон); ол. (олмош), киш. (кишилик олмоши), к.о. (кўрсатиш олмоши), ў.о. (ўзлик олмоши), б.о. (белгилаш олмоши), б.ол. (бўлишсизлик олмоши), г.о. (гумон олмоши), ж.ол. (жуфт олмош); ф. (феъл), с.ф. (содда феъл), т.ф. (туб феъл), я.ф. (ясама феъл), қ.ф. (қўшма феъл), ж.ф. (жуфт феъл), ў-ли (ўтимли феъл), ў-з (ўтимсиз феъл), б-ли (бўлишли феъл), б-з (бўлишсиз феъл), ў.з. (ўтган замон феъли), ҳ.з. (ҳозирги замон феъли), к.з. (келаси замон феъли), у.з. (узоқ ўтган замон феъли), ў.ҳ. (ўтган замон ҳикоя феъли), ў.э. (ўтган замон эшитилганлик феъли), ў.д. (ўтган замон давом феъли), ў.м. (ўтган замон мақсад феъли), ҳ.д. (ҳозирги замон давом феъли), ҳ.к. (ҳозирги-келаси замон феъли), к.м. (келаси замон мақсад феъли), к.г. (келаси замон гумон феъли), ан. (аниқлик майли), б.и. (буйруҳ-истак майли), ш. (шарт майли), а.д. (аниқ даража), ўз. (ўзлик даража), м.д. (мажҳул даража), орт. (орттирма даража), б.д. (биргалик даража), с-ш (сифатдош), р-ш (равишдош), ҳ.н. (ҳаракат номи); р.(равиш), ҳ.р. (ҳолат равиши), п.р. (пайт равиши), ў. р. (ўрин равиши), м.р. (мақсад равиши), с.р. (сабаб равиши), с.рав.(содда равиш), т.р. (туб равиш), я. р. (ясама равиш), қ.р. (қўшма равиш), ж.р. (жуфт равиш), д.м. (даража-миқдор равиши); б-чи (боғловчи), т.б. (тенг боғловчи), э.б. (эргаштирувчи боғловчи), б. б. (бириктирув боғловчиси), з.б. (зидлов боғловчиси), а.б. (айирув боғловчиси); к-чи (кўмакчи), а.к. (асл кўмакчи), о.к. (от кўмакчи), ю. (юклама), с.ю. (сўроқ юкламаси), т.ю. (таъкид юкламаси), а.ю. (айирув-чегаралов юкламаси), у. (ундов), м. (модал сўз), т-д (тақлид сўз);

б) м-в (мослашув), б-в (бошқарув), бит. (битишув), о.б. (отли бирикма), ф.б. (феълли бирикма), с.б. (сифатли бирикма), от к. (от кесим), ф.к. (феъл кесим), а-чи (аниқловчи), с-чи (сифатловчи), қ-чи (қаратувчи), т-чи (тўлдирувчи), в-з (воситасиз тўлдирувчи), в-ли (воситали тўлдирувчи), ҳ. (ҳол), р.ҳ. (равиш ҳоли), п.ҳ. (пайт ҳоли),ў.ҳ. (ўрин ҳоли), м.ҳ. (мақсад ҳоли), с.ҳ. (сабаб ҳоли), д.ҳ. (даража-миқдор ҳоли), у.б. (уюшиқ бўлак), к.б. (кириш бўлак), и.б. (изоҳлама бўлак), и.э. (изоҳлама эга), и.к. (изоҳлама кесим), и.т. (изоҳлама тўлдирувчи), и.а. (изоҳлама аниқловчи), и.ҳ. (изоҳлама ҳол), с.г. (содда гап), қ.г. (қўшма гап), д.г. (дарак гап), сўр. (сўроқ гап), б.г. (буйруқ гап), ш.а. (шахси аниқ

гап), ш.н. (шахси ноаниқ гап), ш.у. (шахси умумлашган гап), ш-з (шахссиз гап), а.г. (атов гап), ун. (ундалма).

в) бошқа шартли белги ва қисқартмалар

// - ҳодисаларнинг ўзаро тенглиги

> - бир ҳодисанинг бошқасига ўтиши

ад. - адабий ёзилиши

чог. - чоғиштиринг

МУСТАҚИЛ ИШЛАР

1- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига **х** ёки **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

.аскаш, гумро., .ай.от, ало.ида, ол.ўри, кў.на, маш.ур, а.лоқ, ру.ан, Ибро.им, ра..намо, .измат, шуб.а, фа.мламоқ, маккажў.ори, ма.кум, .осил, ба.раманд, .уш.улқ, айю.аннос, муарри., ша.она, ма.бус, му.лат, ба.ам, .алойиқ, да.р, со.ибқирон, .урофот, му.тарам;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва луғат дафтарингизга ёзинг:

хирс - ҳирс, ох - оҳ, хатламоқ - ҳатламоқ, ха-ха - ҳа-ҳа, хур - ҳур, хор - ҳор;

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиш ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

хўб - ҳўп, халққа - ҳалқа, хосса - ҳасса, хоб - ҳов, хит - ҳид.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига қўш унлилардан мосини қўйиб кўчиринг:

тел...ин, д..бад, п..ма, ғайриш..рий, воқ..н, қ..да, ав..нос, К..нас, вал..ҳд, анл..т, жам..т, мет..рология, ш..ро, р..ктор, м..ссис, м..лло, к..лиция, индивид..л, амфит..тр, син..т;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги жуфт ундошларни қўйиб кўчиринг ва алифбо тартибига солинг:

а..редитив, тава..о, ша..оф, муса..ан, Са..оро, таза..у, инда..о, я..авия, и..иҳод, муса..о (намозгоҳ), муса..ар, "Таа..уқнома", муа..ах, ку..иёт, ва..алом, муға..ий,

а..ревиатура, Дору..алом, ва..ал, жа..оҳ.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра омонимлар ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Аёл масъулияти деганда энг аввало унинг оиладаги бурчи тушунилади. Бу бурч аёлнинг келинлик давридан бошланади. Ўзбек оилаларида янги келин бўлиб тушган аёл зиммасига жуда кўп вазифалар тушади. У вақтли туриши, нонушта тайёрлаши, умр йўлдошини ишга кузатиши, агар унинг ўзи ҳам ишласа ишга бориши керак ("Меҳнат", 1994, 21 январь). 2. Унсинни кўриш, гўзал хаёл ва дардли ёди билан унинг юрагини борган сари чуқурроқ яралаган Гулнор тўғрисида икки оғиз сўз эшитиш орзуси кучли эди (Ойбек). 3. Ҳужрага қоронғилик чўкканига анча бўлди. У атайин чироқ ёқмади (С.Аҳмад). 4. Ҳамма ёқни қий-чув, дод-вой босиб кетди (М.Исмоилий). 5. Агар сизлар мана шу йўл билан бутун бир мавсумда ўн меҳнат кунини пилладан юлиб, пахта теримига ёрдам қилсаларинг ҳам ҳарна (А.Қаҳҳор). 6. Навоийнинг келиш хабари астрабодликларнинг юрагида чексиз қувонч уйготди (Ойбек). 7. Дунёга келиб, бир шамча ялт этиб кетмаган умр борми? (Шуҳрат).

8. Ҳали севишмоқдан шумидир маъно?

Фақат азоб бордир қисматда, наҳот?

Наҳотки, севгига шудир таманно?

Наҳот гўзал учун фақат, фақат дод!..(Ҳ.Олимжон).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизик чизинг. Сўз ясовчи қўшимчалар устига = белгисини қўйинг:

Дурадгорлик, кулолчилик, темирчилик, бошмоқдўзлик, кўнчилик, тўқувчилик, кандакорлик, арқон эшувчилар, мисгарлик ва ямоқчилик устахоналарининг тақ-туқ, жаранг-журунг, ғижир-ғижир товушлари унинг қулоғини қоматга келтирди (Я.Илёсов).

V топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг:

Қаландаров у пайтларда партизан отрядининг комиссари, Бўтабой эса Холхўжа қароргоҳидан унинг қорабайирини миниб қочгандан кейин партизанларга қўшилган эди (С.Аҳмад).

VI топшириқ. Матндан тусланган феълларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, бўлишли-бўлишсизлигини ва гапдаги вазифасини аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. КЎНГИЛДАГИДЕК, ПАХТАЧИЛИК сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва унлиларнинг қандай тасниф қилиниши ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг:

Халил домла ўз шогирдларидан истеъдодли ёшларни саралаб олиб, уларга дунёвий илмлардан таълим беришни ўзига мақсад қилиб олган эди (С.Абдулла).

IX топшириқ. Матндан бешинчи гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг.

X топшириқ. Мирмуҳсиннинг "Меъмор" романидан аниқловчи, пайт ва шарт эргаш гапли қўшма гапларга учтадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили ва саҳифаси кўрсатилсин).

2- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига **х** ёки **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

важо.ат, .ақиқат, ма.сус, .абаш, машойи., ме.наткаш, қа.қа.а, зир., му.аббат, тари.ий, мо.ият, қа.рабо, ша.сан, му.ожир, тимсо., .ом-.аёл, Му.айё, и.тиёр, ило.иёт, ола.акка, .уржун, маш.ур, .ашамат, мо.итобон, жарро., .алфа, ша.ид, ни.он, .уфтон, шай.улислом;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва луғат дафтарингизга ёзинг:

хап - ҳап, ухламоқ - уҳламоқ, хинг - ҳинг, хурма - ҳурма, хавос - ҳавос, хаёлий - ҳаёли;

в) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, ёзилиш ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

хумор - ҳимар, хижолат - ҳижо, хомуш - ҳамиша, шахмат - шаҳват, хат - ҳад.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо таркибига солинг:

ибтид..й, м..шшах, ав..маёқ, г..магнит, инл..т, таб..й, ижтим..й, воқ..навис, д..гўй, матб..т, алкол..длар, бин..н, м..ззин, ..лавий, акт..л, проз..к, ф..лун, пл..назм, нотар..с, т..фа;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг:

Андо..а, са..амно, муна..им, ко..екция, Са..окий, фа..ош, тама..о, тава..ум, це..юлоза, о..авий, ху..амийлар, а..естация, таа..урот, муҳа..ис, Га..овер, тама..и, плаг..т, мура..ия, ко..изия, Тава..о.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, кейин атама, термин ва терминология ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Табиат оқ ёпинчиғини ташлар-ташламас, куртаклар кўз уқалай бошлади. Баҳор майин еллари, чақ-чақ урган гуллари билан кириб келди. У қиш бўйи қайдадир димиқиб ётган-у, мана энди, ўз майлига қўйилганидан хурсанддек, кенг далаларда яйрайди, боғ-роғларда

қувнайди, гоҳ қизларнинг дурраларини тортқилаб ўйнайди, гоҳ юзларини мулойим силайди (М.Исмоилий). 2 Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишонмас, шунинг учун ҳозир Асрорқулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди (А.Қаҳҳор). 3. Мажлис аҳлининг аксари уч тилда - ўзбекча, форсча, арабча - қай бири қулай келса, баб-баравар бемалол сўзлашардилар (Ойбек). 4. Ярим йўлга етганимда, узоқдан кўзимга милт-милт ёруғлик кўринди (Ҳ.Назир). 5. Ҳовлида нимадир пақ этди.

6. Э, тасанно, боғаро ороланибсиз мунча ҳам,

Гулни ҳайрон қолдириб, зеболанибсиз мунча ҳам.

Чўғ каби, машъал каби ҳам товланиб, ҳам куйдириб,

Соф ишқ бўстонида раъноланибсиз мунча ҳам.

Ҳусн ила қоматда бир дунёланибсиз мунча ҳам (С.Абдулла).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнгра от ясовчи қўшимчалар устига = белгисини қўйиб чиқинг:

Менга уларнинг самимийлиги, фидойилиги, ҳар қандай адолатсизликка, расмиятчиликка, мансаб-парастликка қарши курашга тайёр эканликлари ёқади (О.Ёқубов).

V топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг:

Ўз овозидан маст бўлган Боборахим дам олиш учун ерга ўтирди-да, кейин кўрсичқонлар чиқариб ташлаган тупроқ уюмларидан бирига бош қўйиб ётди (М.Осим).

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, ўтимли-ўтимсизлиги ва даражасини (нисбатини) аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. ТЕРИМЧИЛАРГА, ҲОСИЛДОРЛИК сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва ундош товушларнинг қандай таснif қилиниши ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Матндан олтинчи гапни кўчириб, эрганиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг.

IX топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг:

Кўкшер яйловида сочлари оқариб, тишлари тушиб кетган бир қиргиз чол Машрабни ўз ўғлидек кутиб олди (М.Осим).

X топшириқ П.Қодировнинг "Авлодлар довони" романидан эга, тўлдирувчи ва сабаб эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар бирига бир-биридан фарқли бўлган учтадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

3- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига х ёки ҳ ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

..уш..аво, а .мок, му .р, . улқ, . афтафа. м, ма .си, рай.он, э .ром, сулло ., .иммат, .аловат, дил.рож, .уррият, ило.ий, .усусан, ма .орат, . ун.ор, му .аррир, му .тор, муло. аза, . .иёбон, мав ., . имолой, . ужжат, . уррамийлар, . умоюн, бе.аё, .афа, сул . парвар;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва луғат дафтарингизга ёзинг:

хам - ҳам, шох - шоҳ, хотам - ҳотам, хўш - ҳўш, хавз-ҳавз, хина - ҳина;

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиш ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

хачир - ҳажр, охир - оҳор, хаттот - ҳатто, ях - Яҳё шахт - шаҳд.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг:

ф..лият, бад..ёт, исм..лийлар, муш..ра, ид..ма, арх..зм, а..ронавт, манф..т, т..ммул, мет..рит, маф..лун, п..за, ш..йлар, м..ний, рад..ла. С..дия, телесер..л, м..ммар, д..лектшунос, ав..локатор;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

тана..ус, ма..оқ, ма..агет, кону..имон, ми..ат (ёзув), коми..ия, мура..а, А..иёд, аша..ий, Фариди..ин А..ор, на..ор, ра..ия, му..аҳам, зу..исонайн, либре..о, ҳу..ият, таа..уф, гра..атика, ок..н.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра архаик ва тарихий сўзлар ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Аммо ана шунда қабиласини қутқариш учун ўзини қурбон этишга қарор қилган одам чиқиб қолди. Бу оддий чўпон эди. Уни Широқ деб атардилар. У форслар томонига қочиб ўтди ва ўзини уларга дўст қилиб кўрсатди. У душманларни саҳро ичкарисига бошлаб борди. Дороёвош жангчилари қум тепаликлар орасида йўқолиб кетди. Широқни ўлдирдилар. Аммо массагет пок виждон билан ўлди. Нима учун? Чунки у ўз манфаати учунгина ҳаракат қилгани йўк. У ўлимга ҳамманинг манфаатини кўзлаб борди. Широқ ҳалок бўлди, аммо унинг халқи чўпон жасорати туфайли ҳозиргача ўз таомилича яшаб келмоқда (Я.Илёсов). 2. Мен бешовларинг қурт тутинглар, бешга одам бўшасин, демоқчи эмасман (А.Қаҳҳор). 3. Ҳа, аввал меҳнат ҳақим деб килолаб оласиз, кейин нафсим деб нимталаб оласиз (П.Қодиров). 4. Оз-оз ўрганиб доно бўлур (мақол). 5. Спарангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди (М.Осим). 6. Бай-бай-бай,

бунақасини емаганимга неча йил бўлди экан? (А.Қаҳҳор).
7. Машраб вужуди қалт-қалт титраб чангал орасидан мўралаб қаради (О.Ёқубов).

IV топшириқ. Қуйидаги гапларни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнгра сифат ясовчи қўшимчалар устига = белгисини қўйинг:

Унинг зеҳни ўткир, ўзи тиришқоқ, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланади (П.Турсун). Мард бир ўлар, номард минг ўлар (мақол).

V топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категорияси бўйича) ёзинг:

Иссиқ ўлкаларнинг илиқ нафасини ўзи билан олиб келган бу қуш ҳар замон бир томоқ қоқиб, кўкда арғимчоқ солиб ўтаётган турналарни кузатиб қолади (С.Аҳмад).

VI топшириқ. Матндан тусланган феълларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, тузилиши ва ўтимли-ўтимсизлигини ёзинг.

VII топшириқ. ЁҒИНГАРЧИЛИК, ИЖТИМОИЙ сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва бўғин ҳамда унинг турлари ҳақида ёзма маълумот беринг.

VIII топшириқ. Матндан бешинчи гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг.

IX топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг:

Ток пушталарининг оралари ва боғнинг бошқа офтобрўя ерлари сомонли лой билан шувалган бўлиб, булар узум ва бошқа меваларни қуритиш учун керак бўларди (С.Айний).

X топшириқ. А.Қодирийнинг "Меҳробдан чаён"

романидан бир неча эргаш гапли қўшма гапларнинг биргалик ва кетма-кет эргашиш турига тўғри шакldаги учтадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, боти ёзилсин).

4- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига х ё ҳ ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

ту.фа, и.лос, Му.аррам, .аёл, қа.ратон, я.лит, истиро.ат, ма.фин, э.сон, .ирож, аждо.о, Ба.райн, сайлго., чорра.а, ма.сулот, .асад, а.л, му.окама, ру.сор, мута.ассис, .алокат, и.тисос, қабо.ат, .омилалор, .усни.ат, .алифа, зин.ор, пин.он, ифти.ор, .ар.олда:

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, лугавий маъно фарқларини аниқланг ва лугат дафтарингизга ёзинг:

хийла - ҳийла, хўп - ҳўп, хазар - ҳазар, зохир - зоҳир, хоким (биринчи шахс эгалиқда) - ҳоким, ха - ҳа;

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиши ва лугавий маъноларини эсда тутинг:

хиштак - ҳиштак, хока - ҳокандоз, хуррам - ҳурпак, саховат - саҳоба, хоч - ҳаж.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг ва алифбо тартибига солинг:

б..йни, д..бет, т..бад, фил..л, м..ллиф, иррац..нал, ф..л, фож.., К..ла-Лумпур, т..лаўқ, м..ллим, б..дад, ..ролиф, алкал..длар, ф..на, трот..р, аббрев..тура, м..йян, домин..нлар, м..шатпараст;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг:

мутава..и, Канбе..а, ху..улмалик (дори), "Мантиқу..айр", жи..ли, мува..ар (грамматик жинс), муа..ар, инка..атор, и..а, мува..ат, Бу..ало, коло..а, ба..ада, тава..у.

муа..ам, а..истент, ти..ий, астр..длар, таа..ул, му..ао.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра сўз олиш ва неологизмлар ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Зотан, у замонларда Зокиржондек илм ва адабиётга берилган ёшлар учун ё бировга мирза, ёки бир дўкондорнинг гумаштаси бўлиб, хизматини қилиш ёки ўзининг қурби етса бир дўконча очиб, сабаби тирикчилик билан машғул бўлишдан бошқа илож йўқ эди. Мана шундай ёшларнинг баъзилари майда савдогарчилик орқасида бойлик орттириш кетидан кетсалар, баъзилари шу имкондан фойдаланиб, илму фазилат орттиришга уринар эдилар (С.Абдулла). 2. Миршаб беҳол боланинг ўнг қулоғини чўзма камалақдек чўзиб кетди. Бола аввал ун чиқармай чиданга ҳаракат қилди (М.Исмоилий). 3. Шундоқ бўлгандан кейин одамларни иложи борича бошқа ишлардан бўшатиб, пахтага солишимиз керак бўлади. Ўшанақа ишлардан биттаси - шиллақурт (А.Қаҳҳор). 4. Дилдорим-ку мен кўндирарман-а, сизни кўндириш азоб (Ё.Шукуров). 5. Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди (Мирмуҳсин). 6. Асалхонни қушларнинг чуғур-чуғури уйготиб юборди (Ҳ.Ғулом). 7. Вой-бў, мана бу "юраги сиқилган"ни қаранглар. (Мирмуҳсин). 8. Етти ўлчаб бир кес (мақол).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнгра содда аффикслар устига -, мураккаб аффикслар устига эса = белгисини қўйинг:

Соддароқ ва беғамроқ кўринган, шу билан бирга, ҳайбатли кўринганлиги учунми, Жамолбойга кўпроқ ган отади, ҳазиллашади (Ойбек).

V топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик белгиларини (келишик, эгалик ва сон категорияси бўйича) ёзинг:

Машинага сиғмай қолган чоллар унинг қайтиб келишини кутиб йўл бўйига, кампирлар эса нарироқдаги

тупроқ тепанинг устига чиқиб ўтиришди (А.Қаҳҳор).

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кучириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, даражасини (нисбатини) ва туб ёки ясамалигини аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДАН, ЯХШИЛИК сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва комбинатор ўзгаришлар ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Матндан учинчи гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг.

IX топшириқ. Қуйидаги гапни кучириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг:

Тик турган Абуали гилофидан сугуриб олган ўткир исфиҳоонинг тигига тирноқларини тегизиб, уни томоша қилар, қиличини ҳавода бир-икки селпиб, худди ўзини жанга чоғлаётгандай бўларди (Мирмуҳсин).

X топшириқ. Ё.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романидан кесим, равиш ва натижа эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар бирига бир-биридан фарқли бўлган учтадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

5- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига х ё ҳ ҳарфларидан бириши қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

му.ташам, фасо.ат, арж, айри.о., о.иста, асла.а, абла., и.рож, балиа, таважжу, нома.рам, Шо.ру, ло.ас, ба.мал, но.ия, па.лавон, тал.а, танбе, та.мон, ба.олир, фик, .алачўп, та.син, .иромон, .асрат, мас.ара, муд.иш, о.ират,

қарорга: ушлмад.

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, лугавий маъно фарқларини аниқланг ва лугат дафтарингизга ёзинг:

хол - хол, ўхў - ўхў, хосият - хосият, хун - хун, зухр - зухр, хиҳиламоқ - хиҳиламоқ.

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиши ва лугавий маъноларини эсда тутинг:

хазина - ҳазин, лахча - лаҳжа, хиёл - ҳилол, ховон (-ча) - ҳавон, ахбор - аҳбоб.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг ва алифбо тартибига солинг:

р..л (пуа), л..критик, м..шат, пал..нтолог, ист..ра, р..ктив, шиж..т, гел..терация, б..сфера, мутол.., с..низм, рст..пал, м..ккал, л..тез, ростатика, м..мио, л..р..т..рдация, фож..на, т..ло.

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш унлиларни қўйиб кўчиринг:

Ли..аббон, муҳа..ирият, муқа..ам, кое..ицент, муқа..ал, ғажа..ий, п..ипрант, муа..ин, "Лисону..айр", на..ора, таба..ук, Ги..ократ, а..аше, ди..инафас, муқа..ам, ши..ин, анте..а, муа..ас (грамматик жинс), а..аломбор, таса..о.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра синонимлар ва синонимик қатор ҳақида ёзма тушунча беринг:

I. Навоий ҳалқидан ошган айрим амалдорларни жиловлаш мумкин бўлса-да, уларнинг кўпчилигини инсоф билан иш юритишга ўргатиш мумкин эмаслигини аллақачон тушунган эди, шундай бўлса ҳам қўлидан келганча фуқарога яхшилик қилишни қўймас эди. Баъзан орзуларининг юздан бирини ҳам рўёбга чиқмаётганини кўриб, ўзини сиқилар, ўзини қўярга жой тополмасди. Шунда у ўзини овутиш учун шеър ва санъат ошиёнига киркиб, нафосат гулзорини томоша қилар, шу билан

атрофида содир бўлаётган хунук ҳодисаларни унутмоқчи бўлар эди (М.Осим). 2. Сўз завқи, тилга ҳурмат-эътибор - одамийлик даражасини, маданий савиясини, ички дунёсини, маънавий қиёфасини кўрсатадиган омиллардан бири (А.Мухтор). 3. Гўё қишлоққа чиққан каби кун, Минг-минг чироқдан ёруғ бўлар тун (Қ.Ҳикмат). 4. Ҳа, баракалло. Шундан кейин ҳам менга қотиллиқда айблаш инсофданми? (М.Исмоилий). 5. Кўча томондан гурс-гурс оёқ товуши эшитилди (С.Аҳмад). 6. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ (мақол).

7. Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,

Бунчалик гўзални нечук яратдинг?!

Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан, беҳад,

Нечун яратдинг-у, ўтларга отдинг! (Ҳ.Олимжон).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб,ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг,сўнгра шакл ясовчи қўшимчалар устига= белгисини қўйинг:

Ишонасизми, йўқми, кеча совғангизга мазахўрак бўлган бола, ўзингизникими ёки бошлиғингизнинг арзандасими фарқи йўқ, бугун сиздан каттароқ нарсани очиқча талаб этади ("Туркистон").

V топшириқ. Матндан иккинчи гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг.

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, ўтимли-ўтимсиз ва туб ёки ясамалигини ёзинг.

VII топшириқ. МАЖБУРИЯТ, МУСОБАҚА-ДОШЛАР сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва ўзбек орфографияси ҳақида ёзма маълумот беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ергашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча

ўтказиб, устига эргашиш усулини (мосланув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг:

Сидиқжон бутун саҳрони тутиб кетган, гепаликларда, канал ва дарё бўйларида, қизил темир дарвозаси офтобда чўғдай ёлқинланиб турган тўғон бошида юрган одамларга қараб жим қолди (А.Қаҳҳор).

IX топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг:

Шундоқ қилингларки, пахта ишига ярайдиган одам бирон соат ҳам сизларнинг қўлларингдан келадиган ишга банд бўлмасин (А.Қаҳҳор).

X топшириқ. Ў.Ҳошимовнинг "Нур борки, соя бор" романидан мақсад, тўлиқсиз ва ўрин эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар бирига бир-биридан фаркли бўлган учтадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

6- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига **х** ё **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

а.вол, .итоб, Жа.онгир, мар.ум, .онақо., .умайра, масла.ат, .уфия, .ўплам, та.аллус, гиё., ру.сат, ма.рум, мушо.ада, и.лосманд, сало.ият, ша.одат, .атти-.аракат, .авоза, ма.рам, .ушбўй, суб., .унарманд, бе.уш, .ижолат, дилсиё., .орижий, мажру., му.аммас, .ашарот;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва луғат дафтарингизга ёзинг:

хил - ҳил, хай - ҳай, уху - уҳу, халқ - ҳалқ, худо - ҳудо, хаёли (учинчи шахс эгаликда) - ҳаёли;

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиши ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

хиром - ҳарам, тахир - Тоҳир, хомит - Ҳомид, хурмо - хумо, хайрот - ҳайрат.

II топшириқ.

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг:

м..лий, ав..тор, м..лажа, спмпоз..м, мулоф.., оп..зор, ф..лотун, патр..рхат, муг..ссиф, р..кц..и, м..ттар, м..фа, президм..м, ..роплан, бад.., вак..м, идд.., Мовар..ннаҳр, ..сдат, к..нот.

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига оир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

таша..ур, ба..икада, муна..аш, маса..иқ, тапа..ус, мутаа..иб, а..орд, мура..о, пара..ель, мува..акият, муса..ас (адабий атама), муфа..ал, ди..имиляция, муа..аса, тас..ур, муша..аф, инте..ектуал, "Апо..он", муа..ис, а..иак.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра антоним ва паронимлар ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Аҳли шоҳлар кўпинча узларига ёқмаса ҳам, маҳоратли одамларни ёнларига чақириб олиб, уларни мансабдор қиладилар, аксинча, ёқимли одамларни тадбирсизлиги учун ўзларидан узоклаштирадилар, жазолайдилар. Ачиқ бўлса ҳам, одам фойдали мевани ичади. Ип қилишга, қилич тутишга ярайдиган кўлнинг барчасини агар илон чақса, бутун бадан заҳматини учун уни қирқиб ташлайдилар. (Ҳикмат ва Ҳаётнинг, 1977, 39-бет). 2. Ризамат отадек умри табиат қўйнида ўтган киши, агарда, ёнг чозгаларнинг (Ҳолатда, баҳор фаслини, ёшлигини ҳ.к.) лидаги қўлгасини ажаб эмас (А.Мухтор). 3. Зуҳра бундан иккн ҳафта илгари - Шерзодни биринчи марта ҳовлисида Қўрганида ҳам, шунака, гадати аҳволга тушган эди (У.Ҳошимов). 4. Ҳой, Гофир, турей, тентак! Ҳасан акаси ўрнидан ... Мумиқ шер этса, юраги шир этади бунинг! (Ҳикмат ва Ҳаётнинг, ... ҳамон ўша эски ашуласи мақомига тебраниб, бир чеккада ўтирган экан. Эшон қадаҳ кўтариб: "Шундай қизни

тарбиялаб ўстирган отасига минг раҳмат!" - дебди. Бир лаҳза ҳамма жим бўлиб қолибди (А.Қаҳҳор). 6. Йўлчи базўр кўзини очиб, Қоратойни кўрди (Ойбек). 7. Мақтанчоқ бекорчига ўйинчоқ (мақол).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнгра сифатдош шакллари устига = белгисини, равишдош шакллари устига эса - белгисини қўйинг:

Маълум бўлишича, у ҳам менга ўхшаб қурултойга кира олмай умид билан театр атрофида юрганлардан экан, бир-биримизнинг таппимизни кутардик-у, ўтган-кетганлардан таплашиб қолдик (Ў.Ҳошимов).

V топшириқ. Матндан иккинчи гапни кўчириб турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг.

VI топшириқ. Матндан тусланган феъллларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, бўлишли-бўлишсиз ва ўтимли-ўтимсизлигини аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. МУВАФФАҚИЯТ, МАЪМУРИЙ сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва позицион ўзгаришлар ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикмаанинг турини ёзинг:

Зуҳра полни яраклатиб артар экан, қотиб қолган белини ўнглаш учун қаддини ростлади-ю, онасининг суратига яна бир бор қараб қўйди (Ў.Ҳошимов).

IX топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг:

Шоира қизишиб кетиб, харидорларнинг шикоят

хатини редакцияга оборib беришни зиммасига олгани учун энди афсусланди (Ў.Ҳошимов).

X топшириқ. О.Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романидан бир таркибли гапларнинг ҳар бирига бир-биридан фарқли бўлган иккитадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

7- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига **х** ё **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

алал.усус, .амо.анг, .офиз, ме.роб, .иёнат, .ожат, ла.за, аштар.онийлар, .ушнуд, тан.о, на.ор, со.иб, .узур, та.ламоқ, .ажр, .ос.она, .обго., .ислат, ба.она, .ушгор, сабо.ат, нар., қаби., жаво.ир, .илола, пано., гав.ар, Қо.ира, ого., ро.иб;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва луғат дафтарингизга ёзинг:

ух - ух, хатм - ҳатм, рух - руҳ, хола - ҳола, хамқад-ҳамқад, холи - ҳоли (учинчи шахс эгаликда);

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиши ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

халал - ҳалол, хато - ҳатто, сухан - суҳон, хаёл - ҳаял, хижил - ҳижрий.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

мем..р, т..логия, масхар..муз, л..қал, м..кард, ..на, д..пазон, инш..т, мин..тюра, мут..ссиб, т..рема, Синьх.., т..жжуб, м..ззам, п..тика, д..лизм, амм..к, физ..лог, таб..ёт, ..д;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг:

муру..ат, ка..он, Мовароу..аҳр, тава..уд, ми..игра.., муна..ар, ми..ия, муа..иф, таха..ус, ди..еренция, да..анда, да..ол (фирибгар), и..ационал, муса..о (покиза), така..уф, Ми..исипи, у..абурон, и..ифоқ, ми..ион, таа..уф.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра адабий тил ва шева ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунёвий илмлар ривожига бебаҳо ҳисса қўшган гениал аллома, ажойиб маърифатпарвар ва йирик давлат арбоби Мирзо Улуғбек Кўрагонийнинг жаҳолатни енгиш йўлидаги мислсиз кураши, оқилона илмий-назарий фаолияти ва мероси ҳозирги авлод ҳамда келгуси насллар учун илҳомбахш манба, тенгсиз ибрат мактабидир. Унинг табаррук номи билан эзгулик ва фан оламидаги фидокорона изланишлари, адолатни ёқлаб, ёвузликни мавҳ этиш учун тик боришдек фазилати ер юзидаги жами илғор инсоният қалбида абадий яшайди (Б.Аҳмедов). 2. Отақўзи тол шохидан хипчин синдириб, этигини чарс-чарс урди (О.Ёқубов). 3. Яна уч-тўрт километр йўл юрилгач, 8-бригада дала шийпонида нонушта қилинди (А.Қаҳҳор). 4. Ие, Латифахон урушга кетганми? Қачон? Ким бўлиб? (А.Қаҳҳор). 5. Ажойиб ўғлим бор-да, кел, пешонангдан бир ўпиб қўяй, баракалла! (Х.Тўхтабоев). 6. Бу жой доим оппоқ шўри чиқиб, қишин-ёзин сизот сувдан ботқоқ бўлиб ётадиган бир майдон эди (А.Мухтор). 7. Қўшиқчи аёллар туркча, форсча газалларни аёлларга хос майинлик билан куйлашарди (Ойбек).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнгра феъл ясовчи қўшимчалар устига = белгисини қўйинг:

Уни шу лаҳзагача ҳам бу уйга боғлаб турган бир нима бор экан шекилли, хотини сенсирагандан кейин ҳеч нарса қолмади (А.Қаҳҳор).

V топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини

(келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг:

Бу оиланинг бошлиғи бўлган Ҳасан илгариги йилларда, бошқа деҳқон боғдорлардан илгарироқ йиғим-теримга чиқиб, боғ ҳосилини ўз вақтида йиғиб оларди (С.Айний).

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, гапдаги вазифаси ва даражасини (нисбатини) аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. КЎНГИЛЧАН, САРОМЖОН-ЛАНМОҚ сўзларини фонетик таҳлил қилинг ҳамда ўзбек тилида урғу ҳақида ёзма маълумот беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб; устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг:

Кумуш ... мактубни ўқиб тамом қилди-да, жонсиз бир товуш ила "уятсиз" деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди (А.Қодирий).

IX топшириқ. Матндан олтинчи гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг.

X топшириқ. А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидан боғловчисиз қўшма гапларга турли мазмундаги ўнта мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

8- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига **х** ё **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

ала .сираш, да. о, тар. , та .лика, а .монийлар, мав-.ум, . ира, са .ий, иншоалло., .аловат, соли.(а), . ижрон, .удуд, тан .о, .умор, .айрат, саё .ат, ни .оя, . ойна. ой, мар. амат, .айбат, э .тимол, .амал, гуво. нома, тар. он, .уш. ол, давлатпано. , наси. ат, но. уш, Те. рон;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва лугат дафтарингизга ёзинг:

хи-хи - ҳи-ҳи, хад - ҳад, сахо - саҳо, хомкор - ҳамкор, хуш - ҳуш, хил-хил - ҳил-ҳил;

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиши ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

халат - ҳолат, хода - ҳоди, захира - заҳил, хах - хоҳ, хожа - ҳожи.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг:

р. .ят, . .рочана, г. .логия, т. .ссурот, д. .грамма, мурож. .т, мажм. ., акс. . ма, м. .риф, ид..л, т. .мил, жам. ., анв. ., м..ш, ..ростат, ..рта, мудд. ., ..дометр, Л..нда, ал. .тлар;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

муҳа..ир, ба..ол, а..отация, маша..ат, у..он, ду..а, тана..ул, муқа..ас, тава..ал, муа..ақ, ди..ертант, таа..уб (ҳайрат), а..имиляция, у..оқ, ҳи..аламоқ, тара..ум (куйлаш), мужа..ам, Хо..айдо, тара..ий, и..аочи.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, кейин сўз маъноларининг кўчиш йўллари ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Офтоб ойим эридаги майлни бошдаёқ пайқаган эди, шунинг учун тилар-тиламас "ўзингиз биласиз" жавобини берди. Жавобни олиб, қутидор совчилар олдига чиқди ва маълум шартни уларга эълон қилди. Бу шартни Отабек исмидан Зиё шоҳичи қабул этиб, қутидорни

Отабекдек бир йигитни куёв қилиш билан табриклади ва шу такаллуфсиз совчилик ила умр савдоси битган ҳисобланди. Икки ёшнинг муҳаббатли, ували-жували бўлишларига дуо қилингач, совчиларга заррин тўнлар кийдирилди (А.Қодирий). 2. Малаксан, ё башар, ё ҳуру гилмонсан, билиб бўлмас, Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас (Машраб). 3. Дилдор даладан қайтаётиб йўлни яқин қилиш учун атайлаб гулзор оралаб келарди (С.Аҳмад). 4. Ўша оқшом у ... ҳар кунгидан эртароқ чиқиб, кўчанинг нариги юзи билан ётоқхона томонга йўл олди (П.Қодиров). 5. Ана Ёдгор. Ҳалигина эмган она сутининг лаззатини тамшаниб, менинг қўлимда ухламоқда (F.Fулом). 6. Санамай саккиз дема (мақол). 7. Ҳа-а-а, шундоғ денг-чи... (А.Қодирий). 7. Шаҳардаги шов-шув гаплар унга тинчлик бермасди (Ойбек). 8. Бор - борича, йўқ - ҳолича (мақол).

IV топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, ундаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнг равиш ясовчи қўшимчалар устига = белгисини қўйинг:

Сизнинг чин кўнгилдан берган маслаҳатингиз, дўстона ва оғаларча қилган гамхўрлигингиз туфайли кўнглим тоғдек кўтарилиб, ўзимни бутунлай ўнглаб олдим.

V топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг:

Қутидор одатига қарши бозордан кундуз соат учларда қайтиб келди-да, Отабекни сўради, йўқлигини билгандан сўнг хотинини меҳмонхонага бошлаб чиқди (А.Қодирий).

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, даражаси (нисбати) ва бўлишли-бўлишсизлигини аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. МУСТАҚИЛЛИК, НИҲОЯТДА сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва бўғин кўчириш ҳамда унинг мактаб таълимидаги ўрни ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг:

Президентимизнинг жиноятчиликка қарши кураш бошлагани, иқтисодимизни кўтариб, рўзгоримизни бутлаш учун тадбиркорлигу ишбилармонликка жиддий аътибор бераётгани бежиз амас ("Туркистон").

IX топшириқ. Матндан иккинчи гапни қўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг.

X топшириқ. Ойбекнинг "Навоий" романидан мураккаб қўшма гапларнинг ҳар бир турига иккитадан олтита мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

9- ВАРИАНТ

I топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига **х** ё **ҳ** ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг ва уларни алифбо тартибига солинг:

бў.рон, но.ин, .айрон, му.ораба, а.ён, бе.ос, му.тож, ма.шар, о.у, му.андис, нус.а, му.офаза, му.ра, .ара.аша, та.қиқ, мад.ия, та.сил, ким.об, маз.аб, нў.та, э.тиром, я.малак, сар.ад, дод.о, .алол, ша.ар, .о.иш, .окимият, Маш.ад, бандарго.;

б) қуйидаги жуфт сўзларни кўчириб, луғавий маъно фарқларини аниқланг ва луғат дафтарингизга ёзинг:

худ - ҳуд, мох - моҳ, хахаламоқ - ҳаҳаламоқ, хи - ҳи, холи (учинчи шахс эгаликда) - ҳоли (равиш), шах - шаҳ;

в) қуйидаги сўзларни кўчириб, ёзилиши ва луғавий маъноларини эсда тутинг:

ах - оҳ, хурр - ҳур, хишт - беҳишт, махзум - маҳзун, сархат - сарҳад.

II топшириқ:

а) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига керакли қўш унлиларни қўйиб кўчиринг ва алфавит тартибига солинг:

бад..й, н..логизм, воқ..й, интеллект..л, м..вин, з..фа, матр..рхат, т..ссуф, мунш..т, с..дат, коллокв..м, м..ссаса, Б..нос-Айрес, д..мий, ижр..я, ид..лизм, д..лект, в..з, милл.. н, ..розол;

б) қуйидаги сўзларни нуқталар ўрнига бир хилдаги қўш ундошларни қўйиб кўчиринг:

тара..ум (раҳм қилиш), кро.., таа..уқ, и..унитет, муса..иф, та..оз, Кальку..а, така..ур, мутаха..ис, бу..о, таса..уқ, диле..а, таба..ум, а..лютинация, шала..о, ши..аламоқ, а..ексия, таҳа..ул, тара..уд, Ми..их.

III топшириқ. Қуйидаги матнни кўчириб, сўз туркумларини аниқланг ва устига қайси сўз туркуми эканлигини ёзинг, сўнгра фразеологик бирликлар ҳақида ёзма тушунча беринг:

1. Истеъдодсиз, бахил, олчоқ ва разил одамлар истеъдодли ва олижаноб одамлардан кўпдир, шунинг учун ғийбат ва бўҳтон билан яхшиларни ҳалок этадилар. Истеъдодсиз одамлар ҳунар эгаларини ерга уриб, уларни гуноҳкор қилиб кўрсатишга ҳаракат этадилар. Диёнатни жиноят қилиб кўрсатадилар, бахт-саодат воситаси бўлган ҳунар ва истеъдодни бахтсизлик воситасига айлантирадилар ("Калила ва Димна", 1977, 75-бет). 2. Икки нарса оғир кўнглимга асли, Икки нарса учун йўқ менда бардош: Бири - душманнинг шодон қаҳқаҳаси, Бири - дўст кўзидан оққан алам ёш (А.Мухтор). 3.Оббо падар лаънатей, ҳали шунақа иш қилди денг-чи? 4. Икковлари гангир-гунгур гаплашиб ўтиришди (Ойбек). 5. Ҳа, ҳа, ҳали ўша йигит шуми? (А.Қодирий). 6.Ҳамма соҳада ҳам ўтмиш билан келажакни боғлай билиш керак (Ў.Ҳошимов). 7. Қорнингиз, албатта, очдир, меҳмон? (А.Қодирий). 8. Инсон боласини табиат шундай ҳам чиройли яратадими? (С.Аҳмад).

IV топшириқ. Қуйидаги гапларни кўчириб, улардаги сўзларни морфемаларга (маъноли қисмларга) ажратинг ва асосий морфема остига бир чизиқ, ёрдамчи (аффиксал) морфема остига икки чизиқ чизинг, сўнгра олдқўшимчалар устига = белгисини қўйинг:

Бефойда сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма. Мард бир ўлар, номард минг ўлар. Бетамизда бет йўқ, безорида уят йўқ. Сержанжал уйда барака йўқ (мақоллар).

V топшириқ. Матндан иккинчи гапни кўчириб, турланган сўзларни аниқланг ва устига грамматик маъноларини (келишик, эгалик ва сон категориялари бўйича) ёзинг.

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, туб ёки ясамалиги ва даражасини (нисбатини) аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. РИВОЖЛАНМОҚ, МЕҲМОНДОРЧИЛИК сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва бўғиннинг тузилиш жиҳатдан турлари ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикмаларнинг турини ёзинг:

Айтишларига қараганда, мусичадай келадиган бу қуш дарахт шохига оёғини чалиштириб осилар экан-да, тушиб кетишдан қўрқиб, туни билан ку-кулаб чиқар эмиш (С.Анорбоев).

IX топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг:

Мана шу кунларнинг бирида Зокир отанинг бригадасига чимматсиз қизил паранжи ёпинган, хонатлас кўйлак ва амиркон совуш - маҳси кийган болали бир жувон келиб Сидиқжонни сўради (А.Қаҳҳор).

X топшириқ. П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романидан тенг аъзоли қўшма гапларнинг тенг боғловчилар ва шулар ўрнида келган воситалар билан боғланишига саккизта мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

келиб унинг кўзига одам эмас, балки нафс иродасига айланиб қолишингиз мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз? ("Туркистон")

VI топшириқ. Матндан тусланган феъларни алоҳида кўчириб, ёнига замон, майл, шахс-сон жиҳатдан турларини, гапдаги вазифаси ва ўтимли-ўтимсизлигини аниқлаб ёзинг.

VII топшириқ. ТЕНГЛАМА, САРҒИМТИР сўзларини фонетик таҳлил қилинг ва нутқнинг фонетик бирликлари ҳақида ёзма тушунча беринг.

VIII топшириқ. Қуйидаги гапни кўчириб, эргашиш (тобеланиш) йўли билан бириккан сўзларни аниқланг: тобе сўздан ҳоким сўзга ўқсимон чизиқча ўтказиб, устига эргашиш усулини (мослашув, бошқарув, битишув) ва бирикманинг турини ёзинг:

Ернинг текис, қия томонларини обдан кўздан кечириб бўлгач, Меъмор уч шогирдини уч томонга юбориб, ўзи сардоба қурилажак жойда турди (Мирмуҳсин).

IX топшириқ. Матндан бешинчи гапни кўчириб, бош ва иккинчи даражали бўлакларни ҳамда уларнинг турларини аниқланг ва остига одатдагича чизиб чиқинг.

X топшириқ. М.Исмоилийнинг "Фарғона тонг оттунча" (I жилд) романидан эргаш гапли қўшма гапнинг ҳар бир турига биттадан мисол келтиринг (асарнинг нашр йили, бети кўрсатилсин).

АДАБИЁТЛАР

1. **Ғ.Абдураҳмонов, А.Сулаймонов, Х.Холиёров, Ж.Омонтурдиев.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент,1979 .
2. **М.Асқарова, Х.Абдураҳмонов.** Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. Тошкент,1981
3. **М.Асқарова, Ҳ.Жамолхонов, К.Қосимова.** Ўзбек тили.Тошкент, 1976
4. **Р.Икромова, А.Азизова, Д.Муҳамедова.** Ўзбек тили. Тошкент, 1983
5. **М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов.** Ўзбек тили. Тошкент,1970
6. **В.В.Решетов,Ш.Шоабдураҳмонов.** Ўзбек диалектологияси.Тошкент,1978
7. **У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975,1992
8. **Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиев, И.Расулов, Х.Дониёров.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент,1980
9. **К.Назаров, Р.Сайфуллаева, М.Убайдуллаева.** Ўзбек тили Тошкент , "Ўқитувчи", 1993
10. **Ўзбек тили грамматикаси. Iқисм** Морфология. Тошкент, "Фан", 1975; II қисм. Синтаксис. Тошкент, "Фан", 1976
11. **Ўзбек тили лексикологияси.** Тошкент, "Фан", 1981
12. **Ўрта мактаб дарсликлари.**
13. **Т.Қудратов, Т.Нафасов.** Лингвистик таҳлил. Тошкент, 1981

14. **А.F.Fуломов, Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова.** Ўзбек тили дарслиги. 9-синф учун. Тошкент, 1980

15 **А.F.Fуломов, М.А.Аскаров.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаскис. Тошкент.1965,1987

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I ҚИСМ

Топшириқлар бўйича назарий маълумотлар 10

Топшириқлар бўйича шартли қисқартмалар 89

II ҚИСМ

Мустақил ишлар 92

Адабиётлар 119

АМИНЖОН МАМАТОВ

Ҳозирги ўзбек адабий тилидан мустақил ишлар вариантлари

(Ўқув қўлланмаси)

ИБ № 6804

Теришга берилди: 12.05.1997. Босишга рухсат этилди
Бичими 60x84/16 Нашриёт ҳисоб табоғи: 7.0

Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №123
ЎР ФА "Фан" нашриёти 700047, Тошкент, Гогол кўчаси, 70.

Қўлёзма "Матбаа маркази"да компьютерда терилди
"УПАК" босмахонасида чоп этилди.